

Ольга ЛИШЕНКО

**БИР КУЗЛИ ҚИРОЛ
ёки сағат башланади**



УДК: 398:22-054

ББК: 84.3

Лисенко, Ольга

Бир кўзли қирол ёки саёҳат бошланади / О.

Лисенко; тарж.: Тоҳиржон Ҳакимов, Наргиза Анорбекова. - Тошкент: «Адабиёт учқунлари» нашриёти, 2017. 132-бет.

ISBN 978-9943-5098-1-8

УДК:398:22-054

ББК:84.3

21/11-714
Такризчи ва масъул муҳаррир:

Гуландом Тогаева,
филология фанлари номзоди

Таржимонлар:

Тоҳиржон Ҳакимов,
Наргиза Анорбоева

СОНКЕНТ ШАҲАР ШАҲҲОНТОҲУР ТУМАН

АҲДОРОТ-ҚӨТУҲОНА МАРКАЗИ

Kel. № *21/11-714*

20 уй « _____ »

ISBN 978-9943-5098-1-8

© «Адабиёт учқунлари» нашриёти, 2017.

МУАЛЛИФДАН

«Тармоқ маркетинги». Бугунги кунда бу сўзни эшиитмаган инсонни топиш мушкул. Хусусан, бугунги кунда бу сўзнинг асл моҳиятини тушуниб етган кишиларни топиш ҳам сал қийинроқ. Бу сўзларим ушбу иш билан анчадан буён шуғулланиб келаётган, ҳатто уни ўз касб-корига айлантирган одамларга ҳам тегишли. Бугунги кунда «Тармоқ маркетинг»ига катта пуллар жалб қилинади ва ҳар йили янги-янги миллионерлар дунёга келаётгани рост. Бу касб кишини ўзига маҳлиё этиш билан бир вақтда чўчитади ҳам. Тармоқ маркетинги атрофида кўпгина миш-миш ва ривоятлар тўқилган. Биз учун у тафаккурнинг янгича кўриниши ва ишнинг янгича сифати, қолаверса, йигирма биринчи аср касб-коридир. Ҳар бир касб сингари, ўз хунарининг устаси бўлиш учун, албатта, билим ва таълим олиш зарур. Сабаби оддий, кўп пулни ўз касбининг моҳир усталари топишади. Бугун биз бошқалар хоҳламаётган нарсаларни ўрганамиз ва эртага бошқалар уddeлай олмайдиган ишларни ҳам бажаришимиз мумкин. Хуллас, бу китоб кимларга мўлжалланган?

*Биринчидан, яқинда шартнома имзолаган ва ҳаётида илк бора тармоқ компанияси дистрибуютери бўлганларга. Сизни қутлаймиз! Сиз янги ҳаёт остонасидасиз.

*Иккинчидан, ушбу бизнес билан 6-7 ойдан бери шуғулланаётган, бироқ қаерга келиб қолгани ва бу ерда нималар содир бўлаётганини англай олмайдиганларга.



*Учинчидан, корхонасида омади чопмаётган, бизнеси доирасида ўзига керакли билимни ололмаётганларга.

*Тўртингидан, ўз хомийси ва қорхонасидан кўнгли тўқ, аммо бундан-да кўпроқ нарсаларни билишни истаётганларга.

*Шунингдек, иши юришмагани учун барчасини бошидан бошлаб, ўз хатоларини тушуниб етмоқчи бўлганларга а албатта, барча иши юришиб, биринчи дистрибуторлари пайдо бўлаётган, лекин уларни нимага, қандай ўқитишни билмаётганларга ва ниҳоят, ушбу китоб, ўқишини яхши кўрувчи барча ўқувчиларга бағишлиланган, қолаверса, янгиликдан хабардор бўлиш кишининг билим савияси ва тажрибасини бойитишга хизмат қиласи! Ушбу китоб сиз учун бизнес соҳасидаги севимли ва керакли қўлланма бўлишига ишонамиз ва янги иш бошлаётган дистрибуторлар билан олиб борилган амалий машғулотлар ва унинг натижаларини ҳавола этамиз. Бу бизнес тизимидағи 90 кунлик илк аниқ ҳаракатлар ва технологиялар, сизнинг биринчи шартномани имзолаганингиздаги илк қадамингиз ва истиқболли келажагингиз учун пойdevордир. Биринчи туркум 12 машғулотдан иборат ва уч ойга мўлжалланган. Бизнесга оид адабиётларда дистрибутор 90 кунда «етилади», деган гап бор. Ҳар бир машғулотда ўзига яраша кичик сирлар мавжуд. Ўқиб чиққанингиздан сўнг, бу кичкина сирлар қўшилиб, корхонангизнинг улкан сирларига айланса ажабмас. Ҳар бир машғулот охирида уйга вазифа берилади ва уни бажариш учун бир ҳафта ичida машғулотни дикқат билан ўрганиб, берилган топширикни

Бир кўзли қирол ёки саёҳат бошланади

тўла-тўкис бажаришни тавсия этамиз. Шундагина сизда ва атрофингизда тез орада содир бўладиган ўзгаришлардан ҳайратга тушасиз. Вазифалар тўла-тўкис бажарилсагина, ўзингизни «ожиз» деб ҳисоблаган муҳитдан чиқиб кета оласиз. Бир гапни ёддан чиқарманг «Кўзи ожизлар мамлакатида бир кўзли ҳамқиролдир». Китобнинг охирги сахифасини ёпганингизда, сизнинг иккинчи кўзингиз ҳам очилишига аминмиз! Биз сизни бизнес оламига саёҳатга таклиф қиласиз! Бу китоб қўлингизда йўл бошловчи харита ва энг яхши маслаҳатчи бўлишига ишонамиз!

БИРИНЧИ МАШГУЛОТ

Мавзу: Мақсад. Ҳукуқ ва вазифалар. Режа қандай тузилади? «Мехнат шартномаси». Бизнесда муваффакиятларга эришиш йўлида дистрибьютор бажара оладиган ва бажариши лозим бўлган кўникмалар рўйхати. Мақсаднинг ўзи нима? Ўйлайманки, сиз мақсад ҳақидаги кўп таърифлардан хабардорсиз. Ҳозирча улардан биттасига аҳамият беришингизни таклиф киламиз. «Мақсад – бу амалга ошириш мумкин бўлган ва муддати аниқ белгиланган орзу». Яна бир савол, мақсадсиз яшаш мумкинми? Мумкин, чунки кўпчилик ёнимизда яшаётганлар шундай қилишади. Гёё кўзларини юмишади да, ҳеч қандай фикрларсиз, орзуларсиз яшайверишади. Аммо олтмиш ёшларга етганларида кўзлари очилади ва ҳаётлари бесамар ўтганини англашади. Қолаверса, босиб ўтган ҳаётлари ҳатто ўз фарзандларига ҳам ўrnak бўла олмаслигини тушуниб етишади. Замонавий бизнеснинг буюк файласуфларидан бири Жим Рон шундай дейди: «Агар 40-50 ёшларда молиявий муваффакиятга эришмаган бўлсангиз, бу сизни нотўғри тарбиялашган ёки бошқа мамлакатда туғилгансиз дегани эмас, бу ҳаракат режангиз нотўғри тузилганидан далолатdir». Айрим инсонлар ўттиз ёшида олтмиш ёшида эришганлардан кўпроқ нарсаларга эришганини кўрганмисиз? Нима учун? Энг аввало, улар кўпроқ меҳнат қилишган, деган фикр ўтади хаёлимиздан!

Тўғри, улар ўйлаганимиздан ҳам кўпроқ тер

Бир кўзли қирол ёки саёҳат бошланади

тўкишган. Аммо кўп ишлашнинг ўзи етарли эмас. Аввало улар нима қилиш кераклигини билишган, шунинг учун ҳам қисқа вакт ичида кўпроқ ишлашга улгuriшган. Яъни мақсадга эришиш йўлида бугун нима қилиш кераклиги-ю, орзулар қандай йўл билан рӯёбга чиқиши борасида аниқ дастурланган режалар асосида ҳаракат қилишган. Ишонинг, агар нимани истаётганингизни аниқ билсангиз, истагингиз истиқболли бўлса, албатта, сизга ёрдам берадиган инсон доим топилади. Лекин масаланинг яна бир томони бор, агар қаерга, нима учун кетаётганингизни билмасангиз, сизнинг кўлингиздан тутиб судраб юрадиган одам ҳам бўлади. У сизга иш ҳажмини, вактини, ҳаққини ҳам белгилаб беради. Унда сиз ўзгалар ихтиёрини кўр-кўrona бажарувчи «яхши ишчи отга» айланасиз. Ўзгалар бизнеси учун вижданан меҳнат қиласиз. Бу ўртадаги «белкурак»нинг одатий мавжудлигиdir. Бу ҳам яшаш тарзининг бир туридир. Ушбу китобни ушлаб турган ҳар бир инсон эса энди «белкурак» бўлмайди. Сиз шу китоб билан бизнесда эркинлик ва муваффакият сари илик қадамингизни қўйяпсиз. Бугун биз мақсадни аниқ қўйиш ва режани қандай тузишни ўрганамиз ва сизга айрим ҳолатларни ойдинлаштиришга, яқин йиллардаги ҳаёт мақсадингизни аниклашга ёрдам берамиз. Энди бир машқни бажаришни тавсия қиласиз. Бунинг учун қуйидагилар зарур бўлади: *Ўйламасдан хаёлга келган барча истакларингизни ёзинг. Улар жуда кўп бўлса ҳам майли, улар сиз учун рӯёбга чиқмаслиги ёки кулгили ва фалати туюлиши мумкин, барибир ёзинг! Шуни унумангки, ҳаётда тасодиф ва



сехрли таёкча ҳам мавжуд. Гүё ҳаммаси рүёбга чиқадигандай ишонч билан ёзинг!

*Ёзганларингизни қайта ўқинг ва ёзилган хаёлий истакларингизни бир неча гурухга бўлиб чиқинг. Айтайлик, (а), (б), (с) ҳарфлари ёрдамида. Шундай қилиб, (с) – сиз истайсиз, лекин муайян бир муддатга қолдириш мумкин; (б) тоифаси – сиз учун айни пайтда муҳим; ва ниҳоят, (а) тоифаси – бу ҳаётий зарурат, сиз учун шунчалик муҳимки, бусиз ҳаётингиз мазмунсиздек. Тоифаларга ажратиб бўлгач, 10 та бандни (а) ҳарфи остида алоҳида рўйхатга ёзинг. Мабодо, улар оз бўлиб қолса, (б) тоифадаги энг кимматлисини олиб кўшинг. Агар бандлар кўпайиб кетса, яна бир бор ўйлаб кўринг, бандлар роппа-роса 10 та бўлиши лозим.

*Энди 10 та бандли бу рўйхатдан энг муҳимини топишингиз керак ва уни 1-сонли бошқа варакқа кўчириб ёзиш лозим. Қолган 9 та банддан энг муҳимини танлаб олиб, 2-сонли янги варакқа ёзиш керак. Хуллас, шу ишни 10 марта қилиш лозим. Рўйхат устуворлигига қараб ажратилади. Натижада, сиз 10 та банддан иборат яқин орада қилиниши лозим бўлган ишлар рўйхатига эга бўласиз. Муайян вақт ўтиб, рўйхат ўзгариши ёки тўлдирилиши мумкин, ахир биз ижодкор инсонлармиз. Лекин охир-оқибат, бирор нарсага эришиш мумкин, ҳеч бўлмаса олдингизга мақсад кўйилади. Бугунги кунда бу рўйхат яқин йилга режалаштирган мўлжалингизни намоён этади. Кейинги машқ. Бу машқ орқали сиз нима учун бу бизнесга келганингизни аниқлашга ҳаракат қиласиз. Бу бизнес доирасидасиз қандай гоя, орзу ва талабларингизни амалга оширишни истайсиз?

(Биринчи иловага қаранг.) Бланқда 12 та банд ёзилган, уларни санаб ўтамиз: соғлик, мулоқот, пул, мансаб, эркинлик, эътироф, дўстлар, ўз-ўзини ривожлантириш, халқаро бизнес, мустақиллик, саёҳат, истиқбол. Исми-шариғингизни ёзасиз ва ушбу ишларнинг бажарилиш санаси ва вактими кўрсатасиз. Масалан, сизга соғлиғингиз ҳақида қайғуришингиз керакдир, балки мулоқот етишмаётгандир, кайси ниси зарур ва биринчи навбатда бажарилиши керак, уларни рақамлаб чиқасиз. Буларни уйда обдон ўйлаб кўриб, ёзиб, сўнг ҳомийингизга кўрсатишингиз мумкин. Ниҳоят учинчи машқ. Энди сизни ўз ҳаёт йўлингиздаги мақсадингизни тармоқ бизнесида ўз корхонангиз миқёсида амалга ошира олиш-олмаслиғингизни аниқлаб кўрамиз. Бунинг учун иккита банддан иборат рўйхат тузилади. Биринчи варак: «Мен корхонадан нима истайман?». Иккинчи варак: «Мен ҳомийдан нима истайман?». Сир эмаски, ҳар қандай шартномани имзолаш ҷоғида, ундан ниманидир кутамиз, нимагадир қўшиламиз, зинмамизга мажбурият оламиз, шундай экан биз бу шартномадан қандай ва нима манфаат кўришимизни билишга ҳақлимиз. Шунинг учун, бу ҳужжатга ёзмаравишда, ўз фикр ва мулоҳазаларингизни ҳам киритишингизни маслаҳат берамиз. Корхонасизнинг манфаатингиз учун ўзига қандай мажбуриятларни олаётганини, сизга қандай талаблар қўяётганини муфассал талқин қилинг. Чунки бу бизнес сиз учун янги. Ҳафсалангиз пир бўлмаслиги учун корхона ёки ҳомийингизга идрокингиз даражасидаги ваъдаларни беринг ва албатта, уларни қофозга тушириб рўйхат тузинг. Албатта, «Мен қандай



ишлиарни бажаришим мумкин?» деган саволга жавоб топишингиз ва буни алоҳида қозогза ёзиб, рўйхатни тузишингиз лозим. Мана шу муваффақиятингиз йўлидаги биринчи кичик сир саналади. Шундагина, «Мен корхона учун нима қила оламан? Умумий ишда менинг қандай ва қанча ҳиссам бор? Менинг ўрним қаерда?» деб ўзингизга берган саволларингизга эркин шахс сифатида жавоб бера оласиз! Келинг, баъзи одатга айланиб қолган ҳаёт тарзимиз ҳақида сўз юритиб, мулоҳаза қилиб кўрайлик. Масалан, ишга кириш чоғида одатда «Менга иш беринг!», деган иборани ишлатамиз. Бу хато! Чунки бу пайтда корхона маъмури ўзида мавжуд бўлган иш ва мажбуриятларни сизга айтади ва уни айтганларига кўнишга мажбур бўлишингиз ҳам мумкин. Чунки сизга у айтган ўнта вариантдан тўққизтаси тўғри келмай, биттасигина маъқул бўлиб қолса ҳам ишга киришга рози бўлиб қоласиз. Сиз менга иш беринг, деб бориб ўзингиз билмаган ҳолда, ўзингизни ишчи сифатида сотасиз, яъни «Мени қаерга, қачон келишимни, нимани ва қанча микдорда бажаришимни айтинг, менинг нархимни айтиб беринг, хуллас, мен учун бизнесдаги ҳаётимни белгилаб беринг...» дегандай гап. Аслида, бошқача бўлиши керак. Ривожланган мамлакатларда, ишга кириш чоғида «Менга имконият беринг!» дейишади ва ўз имкониятларини, режаларини амалга оширишда ёрдам беришларини сўрайди, баён қиласи. Агар режалари корхона маъмуриятига ёқса ва унинг режаси, ташаббусидан корхона ёки ҳомий манфаат кўрса, қолаверса, уларда ўша тармоқ бўлмаса-да, уни ишга олишади. Бу

билан ўша одам истиқболли режаларини маълум қилиш қаторида, корхона ёки ҳомийга қадрини билдириб қўйиш орқали ўзига иш ўрни ҳам яратади. Назаримда, бу икки хил турмуш тарзи орасидаги жиддий фарқ саналади. Ташаббус сиздан чиқиши керак. Шунда сиз, дистрибутор ва ҳомийингиз ўзаро қандай вазифаларни зиммаларингизга олганингизни тўлиқ аниқлай оласиз. Шунда шериклар ўртасида тенг тақсимланган мажбуриятлар юкламаси, яъни меҳнат шартномаси юзага келади. Бу ишни яқин кунлар ичидан амалга оширишни тавсия қиласиз. Мен бу вазифани қандай бажарганимни мисол тариқасидасизга айтиб бермоқчиман. Корхонадан нима хоҳлаганимни айтиб ўтирумайман, аксинча мен нималарни бажаришга ваъда берганимни санаб чиқмоқчиман.

Мен қандай ишларни ўз зиммамга оламан?

1.Ҳомий менга тавсия этган барча муҳим учрашув, ўқиш, тақдимот, тренинг ва бошқа тадбирларда иштирок этаман.

2.Тадбирларда фаол қатнашаман ва ўз режам бўйича маърузалар тайёрлайман. Агар менга мавзуларни айтишса, албатта, миннатдор бўламан.

3.Ҳомийимнинг мантиқ доирасидаги истак ва талабларига, кўрсатмаларига, илтимосига қарши чиқмайман. Мабодо, бирор ишни бажара олмасам имконимни инжиқликка йўймаслиги учун уни асослашга ҳаракат қиласман.

4.Ўз ҳомийим методикаси бўйича ишлайман.

5.Корхонам обрўсини ҳар қандай вазиятда турли усувлар билан ҳимоя қиласман. Лекин бошқа тармоқ корхоналари ҳақида ёмон фикрлар



билдирмайман. Чунки биз, бизнес номли бир «кемадамиз».

6. Дистрибьюторликка, профессионал тармоқчиликка тааллуқли қабул қилиш маросимларини ва бошқа анъаналарни кўриб чиқиб, жорий этаман.

7. Ўз билимларимни кўллаган ҳолда фақат ўзимгина бажара оладиганларим бўйича ўз методикамни яратиб, уни умумий фойдаланиш учун таклиф қиласман. Бу рўйхатни давом эттириш ва ҳар кимнинг ўзига хос йўли бўлиши мумкинлигини тушундингиз, деб ўйлайман. Мен шунчаки йўналиш бердим, холос. Балки бу кимгadir қўл келар, деган умиддаман. Энди эса, агар тармоқ маркетингида муваффакиятга эришишга қарор қилган бўлса, ҳар бир дистрибьютор эгаллаши ва уларни кўллаши лозимбўлган кўникмалар рўйхатини келтирамиз. Биз уларни санаб ўтамиш ва машғулотларимиз давомида бу рўйхатнинг айрим бандларини муҳокама қиласмиш. Ҳар қандай корхонанинг ҳар қандай дистрибьютори бажариши зарур бўлган иши – бу бошлангич адабиётини ўрганиб чиқиш. Айрим корхоналарда бу хужжатлар пакети Стартер-кит деб номланиб, улар алоҳида китобчалар шаклида ёки корхона тавсиялари бўлиши мумкин, лекин доимо бирор-бир минимал бошлангич адабиётни топиш қийин эмас.

*Махсулотдан харид қилиш, уни очиш ва фойдаланиш шарт. Бусиз бизнесни тасаввур қилиш қийин. Биз ўз корхонамизнинг бозорга таклиф этаётган маҳсулотидан фойдаланишимиз керак.

*Ҳар ойлик харидларни ойнинг 15-чи

санасидан кечиктирмай амалга ошириш зарур.

*Ўз шахсий натижангизга эришишингиз билан буни ёзинг ҳамда аниқ ва қисқа равиша ҳомийингиз билан мухокама этинг. Буни ёдлаб олиб, биринчи имкониятдаёқ (тақдимот ва бошқа тадбирларда) саҳнага чиқиб, ўз натижангиз ҳақида сўзлаб беринг.

*Сиз тинглашингиз ва иштирок этишингиз мумкин бўлган барча сабоқ ва тақдимотларга қатнашинг.

*Ҳар бир тақдимотга 1 кишини олиб келинг, бунинг учун эса беш-олти нафар одамни тақлиф этинг (бу статистика).

*Маҳсулот бўйича маъруза тайёрланг ва у билан саҳнага чиқинг. Шу сингари маркетинг режабўйича ҳаммаърузатайёрлаб, тақдимотларда иштирок этинг.

*Савол ва эътиrozлар рўйхатини тузинг (бунинг нима учун кераклигини кейинроқ мухокама қиласиз).

*Биринчи ойда ҳомийга ҳар куни қўнғироқ қилинг. Кейинроқ эса вазиятга қараб. Бироқ қўнғироқ қилмай, ҳар куни учрашиш имкони бўлса, ундан ҳам яхши.

*Биринчи ойда барча танишларингиз ва тақлиф этганларингизни сухбатлашиш учун ҳомий олдига олиб боринг.

*Корхонагабиринчи ойдаикки дистрибьюторни тақлиф этинг. Яъни, биринчи ойдаёқ ҳомий бўлишга ҳаракат қилинг. (Бу тезкор старт, деб номланиб, уни ҳам кейинроқ мухокама қиласиз).

*Уй тўгараклари. Уларни уйингизда ташкил қилинг ва бошқа хонадонлардаги тўгаракларда иштирок этинг.



*Корхонақилаётганбарчатадбирлардаиштирок этинг ва у ерга ўз дистибьюторларингиздан имкон қадар кўпроғини олиб боринг.

*Ўз билимингизни ошириш билан шуғулланинг: булар китоб, журнал, брошюра, газета, мақолалардир. Ўз касб кутубхонангизни ташкил этинг. Агар корхона видео-аудио маҳсулотларини таклиф қилса, аста-секин ўз видео-аудиотекангизни йиғинг.

*Ташрифномаларга эга бўлинг! Варақалар, яъни кичкина эълончалар тарқатинг. (Хозирда ундан камроқ фойдаланишяпти, лекин натижаси яхши).

*Натижалар бўйича ўз фотоальбомларингизга эга бўлинг. Сизнинг қаерларга борганингиз, кимлар билан учрашганингиз, қаерда қандай дам олганларингиз акс этган фотоальбом тайёрланг. Бу иш қуролингиз ҳисобланади.

*Гувоҳлар ва химоя тизимини яратинг. (Бу ҳакда кейинроқ тўхтalamиз).

*Илтифотсиз алоқалар. Ўқиш ва фойдаланиш.

*Сотувларни амалга ошириш ва уни уддалашга эришиш.

*Мижозни назорат қилишни амалга ошириш.

*Орзулар коллажини ёки альбомини яратиш ва яна ўз ҳомийингиз методикасидан фойдаланиш. Бизнесга оид адабиётларда то 50 000 долларгача ишлаб топишга ўрганмагунингизча, ҳомийингиз методикасига амал қилишингиз ёзилган. Шундан сўнгина, «ўзбошимчалик» қилишингиз мумкин. «Мен қандай ишларни ўз зиммамга оламан?» номли рўйхатингизни тузабўтганингизда, юқорида келтирилган 5-7 бандларидан фойдаланишингиз ва бошланиши учун уларни қайта ишлашингиз

мумкин. Бу сизга бир кичик ёрдам. Кейин бошқа бандларига ўтиш мумкин. Кўриб турганингиздек, бу дастур бир-икки ойлик эмас, балки бир ёки икки йилликдир. Бу бизнес билан биринчи бор шуғулланаётганлар назорат учун вақти-вақти билан рўйхатга қараб туришлари мумкин ва ўзларига «Рўйхатдаги нарсаларни бажара оламанми, ҳаммасини бажаряпманми?» деган саволларни беришлари керак. Агар кўнглингиз тўлмаётган бўлса, нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақидаги маслаҳатларимизга қулоқ тутинг. Энди бошлаган гапимизга қайтамиз. Барча бизнес файласуфлари бизнесни кавшай бошлишни ўрганишдан аввал, бу сизга нима учун кераклигини аниқлашингизни тавсия этишади. Яъни мабодо, мен буни қилсан, менга нима беради. Жон Каленчнинг ишончи комилки, бизнесдаги муваффакиятнинг 90% «Нимага?» деган саволнинг тўғри жавобига боғлиқ. Демак, ҳаётдаги муваффакиятимиз айнан «Мен нимани хоҳлайман?» ва «Нимага?» деган саволларга топган аниқ жавобимизга боғлиқ. Кейинги машғулотларимизда бу саволларга жавоб топишни ўрганимиз. Аввало ҳамма нарсага қизиқиш ва яхши кўз билан қарашга, қолаверса, ҳар қандай вазиятда ҳам тўхтаб қолмасликка ўрганиш лозим. Ҳаёт оқин дарё, у билан бирга оқиш лозим, агар бир жойда қотиб қолиб, эришган нарсаларингизга кўнишиб қолсангиз, ўшасиз ишонган, сиз учун улкан ва олий кўринган нарсалар, гўё музей экспонатидек гап. Бизнесда эса қотиб қолиш касод бўлиш демакдир. Биз сизга қотиб қолмаслик учун режалар тузишни ва уларни, албатта, ёзиб юришни тавсия этамиз.

Уйга вазифа:

* «Мен бизнесдан нима кутяпман?» савол-жавоб тестини бажариш. (12 бандли)

* Машқлар бажарыб яқин йилга мүлжалланган 10 та мақсадни аниклаш.

* «Мен корхонадан нима кутяпман?» режа ва истак рўйхатини тузиш.

* «Мен ҳомийдан нима кутяпман?» режа ва талаб рўйхати.

* «Мен нималарни бажаришга мажбурман?» имкониятингиз даражасидаги рўйхатни тузиш.



ИККИНЧИ МАШГУЛОТ

Мавзу: «Танишлар рўйхати» қандай тузилади ва ундан қандай фойдаланиш мумкин? Ҳомий билан алоқа. Ҳомий-дистрибьюторга қилинадиган муносабатлар. 2 таси 1-сигакарши. Машгулотимизни кўпчиликнинг бой бўлишига сабаб бўлган ривоят билан бошламоқчимиз. Доктор Рассель Хермен Конуэлл буни олти минг маротабадан кўпроқ ҳикоя қилган ва шу туфайли умумий миқдори олти миллион долларни ташкил этувчи хайрияни тўплаган. Бу пулларга Филадельфиядаги Темпл университети барпо этилган. Бу ўқиш учун пул тўлай олмайдиган камбағал, лекин қобилиятли одамларга мўлжалланган биринчи олий ўкув юртидир. Шундай қилиб, шу ва шу сингари пулларни дунёга келтирувчи тарихни эшлишига тайёрмисиз? Аввалдан айтиб қўймоқчимиз, бу воқеаларнинг барчаси мўъжизакордир. Уларнинг қизиқлиги шундаки, баъзиларнинг қалбидан сирғалиб чиқиб кетса, бошқаларнинг ички дунёсини ағдар-тўнтар қилиб юборади. Уларни очиқ кўз ва қулоклар ва энг асосийси, очиқ қалб билан тинглаш муҳимдир.

Олмосларга тўла далалар

Африкада олмосларга бой жойлар топилгани вайшлаб чиқаришгажалб қилинганини биласиз, бу ҳозирда ҳеч кимга сир эмас. Аммо ҳаммаси эндигина бошланган даврларда Жек Лондон ўзининг Клондайк ҳақидаги ҳикояларида ёзгани сингари «олтин талвасаси»га ўхшаб кетадиган, ҳақиқий «олмос талвасаси» ҳам



юз берган. Ёш фермер ўзининг фермасини сотиб, олисдаги улкан орзулари сари йўл олган. Ким ҳам уни мухокама қиласди? У бойиб кетишни истаган. У бутун қитъани айланиб чикди, жуда кўп ишлади, йикқантарганинг барчасини сарфлаб бўлди. Бир куни жуда касал ва руҳан эзилган ҳолда ўзини дарёга ташлади ва чўкиб кетди, афсус..! Унинг фермасини сотиб олган киши эса бир куни ўзига қарашли ердан оқиб ўтувчи сувдан ғалати бир катта тошни топиб олган. У тошни ювиб, уйидаги каминнинг жавонига қўяди. Бир куни олмоснинг фарқига борадиган меҳмон тошни кўриб қолади. Диққат қилинг, агар ўша меҳмон олмосни кўриб қолмаганда, уй эгаси учун у оддий тошдек жавонда туравериши мумкин эди. Меҳмон, уй эгасининг «Менинг еримда бундай тошлардан жуда кўп» деганига ҳайрон қолган. Дунёдаги энг катта олмос кони шу тарзда қашф қилинган. Доктор Конуэлл ҳикояси якунида тингловчиларига «Ферманинг олдинги хўжайини тенгсиз бойликка эга бўлган, аммо у қандайдир мавхум нарсанинг ортидан қувган ва катта хатога йўл кўйган» дейди. Энди сизга қуйидаги машғулотимдаги биринчи сирни очамиз: Аввал ўзингизга тегишли бўлган нарсаларни яхшилаб ўрганиб чиқиш лозим! Келинг, яқин атрофимизга боқиб, сиз учун арзимасдек бўлиб кўринаётган нарсаларга назар ташлаб чиқайлик. Танишлар рўйхати. «Мен бу бизнесда, исмлар рўйхатисиз ишлайдиган бирорта инсонни учратмадим». Маркетинг тизими ҳақида ажойиб китоблар ёзган, катта муваффакиятларга эришган

Бир кўзли қирол ёки саёҳат бошланади

амалиётчи, бизнес оламининг файласуфи Жон Каленч анашундай деган. Шуни таъкидлашимиз керакки, биз бу бизнес рўйхатимизга, ижрочиларни, жиловланган «ишчи отлар»ни киргизмаслигимиз, таклиф қилмаслигимиз керак. Биз таклиф қиладиган инсонлар бизнеснинг потенциал иштирокчилари бўлиши керак. Улар бўлажак шерикларимиз ва дўстларимиздир. Бу яна бир сир. Бу тармоқ маркетингининг бошқа ҳар қандай фаолиятдан ажратиб турувчи томонидир. Шундан келиб чиқиб, илк назарни атрофингиздаги сизга яқин ва узок бўлган танишларга қаратинг. Амалий мулоқотимиз давомида инсонларни қандай танлаш ва таклиф қилиш бўйича кўрсатмалар оласиз.

Энди танишлар рўйхатини қандай тузиш ҳақидаги аниқ тавсияларга ўтамиз.

1.Рўйхатдаги одамлар сони юзтадан кам бўлмаслиги лозим. Чунки статистик маълумотлар, инсон 21 ёшга кирганда 700 га яқин таниши бўлишини таъкидлайди. Нима учун юзтадан кам бўлмаслиги керак, деган саволга жавоб берамиз. Айтайлик, сизнинг рўйхатингизда одамлар сони 5 та, улардан бирига сиз ўз фикр-мулоҳазаларингизни, режаларингизни айтдингиз. Аммо унда қизиқиш уйфота олмадингиз, унда сизга мижоз ёки шерик бўлиш иштиёқи сезилмади. Демак, рад этилдингиз, ана шунда сиз рўйхатингиздагиларнинг 20%-25% ни йўқотган бўласиз. Рўйхатингиз 100 та одам бўлганда-чи, бу кўрсатгич атиги 1% ни ташкил қиласди. Тушунган бўлсангиз, сизнинг яна 90% ишонч



ва умидларингиз бор.

2. Бу бизнес учун танлов. Жон Каленч шундай дейди: «Айримлар истайди, бошқалари йўқ, майли, нима бўпти, марҳамат навбатдагиси!» Энди бу иборадан сўнг, 5 кишилик рўйхатингизни эсланг. Шу рўйхатингиз билан, «Марҳамат навбатдагиси» деган иборани сиз тўрт марта ишлата оласиз, холос.

3. Шунча одамни қаердан топиш мумкин? Бунинг учун қўйидаги йўналишлар бўйича рўйхат тузиш керак. *Яқин ваузоққариндошлар. *Ишдаги ҳамкаслар. *Ёшликдаги тенгдошлар. *Қизиқиш бўйича ўртоқлар. *Кўшнилар. *Захирадаги ҳарбийлар. (Тайёр раҳбарлар) *Педагоглар. (Ўқитиш ва ишонтира олиш лаёқатига эга.) *Тиббиёт ходимлари. *Яқинда уй ва машина сотиб олганлар. *Оиласида сурункали касали бор одамлар. *Ишсиз зиёлилар. *Танишлар. Бунда банд, доимо мулокотда бўлувчи танишлар тушунчасидан бир мунча кенгроқ давра назарда тутилмоқда.

4. Ёзув китобчаларингиздан фойдаланишингиз мумкин, бу сизга 2-3 йилдан бўён гаплашмаган, лекин муносабатларингиз яхши одамларни ёдга олишга ёрдам беради. Яна бу рўйхатга сизнинг маҳсулотингиздан фойдаланувчиларни ҳам киритсангиз бўлади. Улар доимий мижозингиз ёки сизга шерикка айланиб қолишлари ҳам мумкин.

5. Яқинларингиздан ёрдам сўраш. Яъни оиласигиздагиларга нима билан шуғулланмоқчи эканингизни айтсангиз, улар сиз унутган исмлар ва баъзи керакли нарсаларни эсингизга солишади. Буни «Мияга ҳужум» деб аташ

мумкин.

6. Ва ниҳоят, ўз онгингизга топшириқ беришингиз мумкин. У жуда доно бўлиб, доим бизга ёрдам беришга тайёр, фақат ундан ёрдам сўрашни билиш керак. Онгга топшириқ берсангиз, у албатта сизга бир нечта исмларни «айтади», сиз уларни ёзасиз, сўнг ручкани қўйиб бошқа юмуш билан шуғулланишингиз мумкин. Топшириқ берилган экан, онг ишлашда давом этади. Муайян бир вакт ўтгандан сўнг янги-янги исмлар ёдга туша бошлайди. Сиз ён дафтарчангизга ҳар қандай вазиятда бу исмларни ёзиб қўясиз. *Рўйхат тузиб бўлингач, сиз исмларни алоҳида гурухларга ажратасиз. (Эслатамиз: исмлар жуда кўп бўлиши керак). Масалан, негатив инсонлар гурухини ажратиш мумкин. Биласизки, ҳар қандай маълумотни эҳтиёткорлик билан қабул қиласиган инсонлар бор. Улар маълумотларни танқид қилиб, ҳатто рад эта бошлашлари ёки турли аксил мисоллар келтириб, бошқалардаги файрат-шижоатни сўндиришлари мумкин. Барибир бундай инсонларни рўйхатдан чиқариб ташламанг, шунчаки бу гурухни бир четга суриб туринг. *Яна рўйхатга, ўз ҳаракатсизлигига сабаб ахтараётган одамларни ҳам киритиш мумкин. Улар ақлли нигоҳ билан сизга: «Ҳа, албатта! Ўйлаб кўриш керак! Келинг, реалист бўлайлик!» дейишлари мумкин. Уларни ҳам бир четга суриб турасиз. Энди энг асосийсига етиб келдик! *Келинг, Жон Каленч икки карра потенциалли инсонлар дея атаган одамлар тоифасини «А» ҳарфи билан белгилайлик. Бундай инсонлар, одамларни ўзининг завқи,



дўстона хислатлари билан ўзига тортувчан, харакатчан, фаол бўлишади. Улар олий маълумотли бўлмасликлари мумкин, лекин ёқимтой, хушфеъл ва меҳрибон кишилар. Улар билан мулоқотда зерикмайсиз. Ўз файратшижоатларини ўзгаларга юқтира олишади. Хуллас, одамлар уларга интилишади. Кишилар ўзлари ёқтирган жойга боришади – бу қонун!

Бу қонундан фойдаланиш мумкин, агар сизга лидер ёқса, ғоянгиз унга маъқул келса, бундай куч билан тонги талқон қилса бўлади. *Кейинги тоифани «В» ҳарфи билан белгилаймиз. Улар ижобий тафаккурга эга, ҳар қандай янги маълумотга чанқоқ, очиқ кўнгил кишилар. Улар танишишга тайёр. Ўқишига ва ишлашга ҳам тайёр. Улар сизни тинглай олишади, бироқ сизга шерик бўлишлари шарт эмас, аммо нимани таклиф қилаётганингизни билишни исташади. *«С» гурухи – бу яна бир сир. Улар муваффақиятли одамлар. Яъни ҳамма нарсага улгурадиган ва улгурган, ҳаётда омадлари чопган кишилар. Улар ўз ишига, фирмасига эга раҳбар инсонлар бўлишса, айни муддао. Шунингдек, юқори лавозимдаги амалдорлар, катта завод-фабрика директорлари ёки бирор соҳанинг профессорлари бўлиши мумкин. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиб кетишни лозим топдик. Биз ўзимизча улар иш билан банд одамлар, бизга қулоқ солмайдилар, деб ўзимизни ишонтирамиз. Бундай ўйлаш хато! Ҳозир яна бир сирни очамиз: Муваффақиятли одамлар яхши бизнес имкониятларини олдиндан пайқай оладилар ва улар катта ишончга сазовордирлар. Дунёқараашлари етук

инсонлар ҳисобланишлари билан бир қаторда, бизнесни жорий этишда, унинг йўналишини ўзгартиришга ҳамиша тайёр бўлишади. Уларга рўбару бўлганингизда, ўзингизга ишонтиришга сўз бойлигингиз етишмаслиги, ўзингизни тута билмаслик ҳисси пайдо бўлиши мумкин. Бундан чўчиманг. Агар сиз шундай тоифадаги инсонларни ўз ғояларингизга ишонтира олсангиз, бу сиз учун улкан ютук. Фаолият бошида бундай инсонлар билан гаплашиш бироз хавотирли. Аммо сиз ўзингизга айтинг: «Мен айнан шундай тоифадагилар билан иш бошлайман, агар мен бу инсонни фойдали ва қизиқарли иш билан шуғулланаётганимга ишонтира олсам, катта ютук, бебаҳо шерикка эга бўламан. Қолаверса, кейин бошқалар билан ишлаш менга осон кечади, мабодо бунга эриша олмасам, бу ўрганишим керак бўлган яна бир имконият». Бундай одамлар берган саволларни ёзиб олинг ва уларга жавоб изланг. Шунда сиз яна бир поғонага кўтарилган бўласиз. Чунки улар жуда савияли ва қимматли саволларни беришади. *Қариндошлар мисолида тоифалаш бу албатта, сал нозик масала. Қариндошлар бизга ҳаммадан яқин ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларни бошлаган ишимизга биринчилардан бўлиб жалб этишни, қолаверса, ёрдам беришини хоҳлаймиз. Аммо бир психологик ҳолат мавжуд. Қариндошларингиз сизни жуда яхши билишгани учун, аникроғи улар шундай деб ўйлаганликлари учун бошлаган ишингизга ишонқирамай қарашлари мумкин. Улар қачонки, сизни ўзгалар бизнесмен, муваффакиятли инсон деб таърифлай бошлаганларидан сўнггина



ишонишлари мумкин. Сизга фақат яхшиликнираво кўрувчи яқинларингиз биргаликда бошлаётган ишингизга ишонишмайди. Шунинг учун ҳам уларни биринчилардан бўлиб таклиф қилиш унчалик шарт эмас. Аммо уларга нима қилмоқчилигинги зиёндиган холи бўлмайди. Бу тоифани ҳам бир четга суриси, кейинга қолдириб турсак бўлади. Энди бу рўйхатдаги исмлар тугаб қолмасидан, уни кўпайтиришни ва бегоналарни ўз дўстимизга айлантиришни ўрганамиз. Бу ҳам бизнесдаги муваффакиятни таъминловчи тўғри йўллардан бири. Шунда ишлаб пул топиш яхши одатга айланади. Рўйхат билан қандай ишлаш керак, биринчи сухбат учун танлаган одамларингиз билан қандай гаплашиш лозим? Буларнинг ҳаммасини албатта, **ХОМИЙ** билан биргаликда бажариш керак. Биринчи ойда таклиф этганларингизни навбати билан ҳомий ёнига олиб боринг. Уни ҳомий олдига олиб келганингизда нималар бўлади? Биринчидан, сиз уччалангиз сухбатлашасиз, табиийки, бунда маслаҳатчилар иккита, янги маҳсулот олишга келган одам битта бўлади. У қўшимча маблағ топишни истайди. У қаршингизда муваффакиятга эришган инсонлар сингари фикр юритишни хоҳлайди. Бундай уч кишилик сухбатда, таклифларингизнинг ҳақ эмаслигини исботлашдан кўра, унга мойиллик бериши осонроқ. Бу коида «2 таси 1-сига қарши» деб аталади. Бу ҳам, албатта, яхши самара беради. Бизнесда бир қизиқарли восита бор – бу учинчи шахс самараси. Танишларингиз сизни кўпдан бери билишади ва эъзозлашади.. Бироқ

мехрибон қўшни, яхши шифокор ёки офицер, тарбияли инсон ўрнида ҳурмат қилишади. Ҳозир ўса улар сизнинг қиёғангизда бизнесменни қўришмаяпти. Сизнинг ҳомийингизни эса танишмайди. Табиийки, улар ҳомийингиз ўрнида ҳам ўз касбининг устасини қўришга иштиёқмандлар. Албатта, сиз ҳомийни уларга саводли тарзда таништирган бўлсангиз. Шунда ҳомийнинг сўзлари бошқача қабул қилинади. Ҳатто ўз касбининг усталари ҳамбу жуфтликда ишлашни хуш кўрадилар. Бунда жараённинг ҳамма иштирокчилари бирдек ютишади.

Энди биз ҳомий-дистрибьютор муносабатлари ҳақида сұхбатлашамиз:

1. Биринчи ойда ҳомийингиз билан келишмай бирор иш қилманг. У маъқулламаса, ҳеч қандай учрашув ва сұхбат ўтказманг. Яхиси, таклиф этилган одамингиз билан уни қандай ишлаётганини кузатинг ва таассуротларни ёзиб боринг. Агар бундай имконият бўлмаса, мабодо узокда бўлсангиз, телефон орқали гаплашиб туринг.

2. Иложи борича, ҳомий билан ҳар куни учрашишга ҳаракат қилинг. Бирор ишингиз юришмаса ўзингизга биринчи навбатда «Мен қачон охирги марта учрашгандим?» деган саволни беринг. Ҳеч қачон «Мен ўзим билимлиман, кўп нарса қўлимдан келади, ўзимнинг касбим ва ҳаётий тажрибам бор, бирор киши билан маслаҳатлашишимга ҳожат йўқ, ўзим ҳаммасини жой-жойига қўя оламан» фикрига борманг. Бу хато! Сиз янги касбни ўрганяпсиз, бунинг учун ўқиш керак, ўрганишдан чарчамаслик лозим. Ўзингизга

қайтадан талаба бўлишигиз учун имкон беринг. Албатта, ҳомийнинг айтганларини, ўргатаётганларини ёзиб боринг.

3. Ҳомийингизни тинглаш ва унга қулоқ солишни одат қилинг. Бу ишингиздаги меҳнат куролидир. Ундан олаётган маълумотларингиз билим ва сиз учун ёрдам манбаидир. Унга сиз қўнфироқ қилинг, сизга қўнфироқ қилишини кутиб ўтирунг.

4. Агар йўриқномаларни тушунмаётган бўлсангиз, сизга бошқа бирор нарсани ўргатмаётгандек туюлса-да, ҳомийингизнинг барча кўрсатмаларига ишонинг ва «кўзингизни юмиб» бажараверинг. Ахир, шартномани имзолаганингизда бу одамга ишонгансиз-ку?! У сизга яхшилик қилмоқчилигига ишонинг. Агар дунёда сизнинг муваффақиятга эришишингизни истовчилар бўлса, уларнинг биринчиси отонангиз, иккинчиси, албатта, ҳомийингиздир.

5. Ҳомийингиз билан мақсадларингизни муҳокама қилинг ва ўсишингиз борасидаги режаларни биргаликда ёзиб чиқинг. Ўзаро мажбуриятларни ишлаб чиқинг. Вақти-вакти билан ишларингиз ҳақида ҳисобот бериб туришни ўзингизга қоида қилиб олинг. Бу бир вақтнинг ўзида ҳам маслаҳат, ҳам якун ясашдир (нима қилинди, нима қилинмади, нималар қилиниши керак, нималар нега амалга ошмаяпти). Назоратни, сизни сўроқقا тутишларини кутиб ўтирунг. Ҳомийингиз битта, сиз кабилар эса кўп. Ҳомийингиз сизни назорат қилишга қарор қилдими, бундан хурсанд бўлинг, сизга эътибор қилаётгани, вакт кучи ва билимини сарфлаётгани учун

миннатдорчилик билдиринг.

6. Арз қилмасликка одатланинг. Шикоят – бу беҳуда сарфланган вақт ва у ҳаётда ҳеч нарсага олиб келмайди, бирор фойдали нарсага хизмат ҳам қилмайди. Хуллас, шикоят ҳам қилманг, ўзингизни оқламанг ҳам!

7. Ҳомийингизни бегоналар билан танқид ҳам, муҳокама ҳам қилманг. Илтимос, ўз дистрибьютор-ларингизга ҳомийингиздан шикоят қилманг. Агар унга эътирозингиз бўлса, у билан учрашинг ва ўзи билан муаммоларингизни муҳокама қилинг. Эсингизда бўлсин, вақти келиб сиз қилган нотўғри ишларингиз ҳомий бўлганингизда сизга акс-садо бўлиб қайтиши мумкин.

8.5-б чи тизимгача бўлган юқори турувчи барча ҳомийларингизни аниқлаб, таниб олинг – бу бизнесда (Up line) «юқори тизим» деб аталади. Сиз юқори турувчи ҳомийлар билан мулоқот қилиш ҳуқуқига эгасиз. Улар билан дўстлашиш ва уларга ўхшашга ҳаракат қилинг. Мабодо, ҳомийингиз бетоб бўлиб қолса ёки вақтинча узокроқ шаҳарда бўлиб қолганда, юқори ҳомийлар билан боғланиш йўлини олдиндан билиб олинг, аниқланг.

Уйга вазифа

*Танишлар рўйхатини тузиш. (100 тадан кам бўлмаслиги лозим). *Устуворликни аниқлаш.

*Биринчи навбатда ишлайдиган одамларни алоҳида рўйхатга аниқ маълумотлар билан ёзиш.

*Ҳаётга негатив (бефарқ) муносабати туфайли гаплашишингиз қийин бўлган яқин

қариндош-ларингиз ва бегоналарнинг исмини рўйхатдан ўчириб ташламасдан, вақтинча четга суриб кўйиш.

*Сизга шахсан ёқмайдиган инсонлардан воз кечишингизга рухсат этамиз. «Психологик номутаносиблик» деган тушунча бор. Ўша сиз ёқтиридиган одамлар яхши инсонлар бўлишлари мумкин, лекин мулоқот давомида асабларингизни таранглаштиришингиз аник. Пессимист ва «захарловчилардан» воз кечишингиз мумкин. Улар бирор лойиҳавий муносабатларга қодир бўлмаган инсонлар бўлиб, қувват «вампирлари» ҳисобланishiади. Тавсиямиз, бирор янги ишни бошламоқчи бўлсангиз, бундай одамлар тоифасини танишларингиз қаторидан чиқариб ташланг.

*Юқори турувчи ҳомийларингизни билиб олинг, ўз ҳомийингизнинг вақтинча йўқлигига, улар билан қандай боғланиш мумкинлигини аниқланг.



УЧИНЧИ МАШГУЛОТ

Мавзу: Промоушен. Телефон орқали ишлаш. Промоушен сўзи нимани англатади? Инглизча лугат «олдинга одимлаш», «кўтарилиш» (хизмат на амалда кўтарилиш) каби изоҳларни беради. Феъл сифатида эса бундан кўп маънога эга. Бу сўз кенг қамровли бўлиб, маъносини русча ёки ўзбекча бир сўз билан бериш мушкул. Хусусан, бу сўзга яқинроқ маънодоши reklama (предреклама) ёки сотувдан олдинги тақдимот (предпродажа), аслида рекламанинг ўзи ҳам промоушендир. Френк Беттжер шундай деган: «Яхши келишув икки босқичда амалга оширилади. Аввал учрашув сотилади, кейин маҳсулот». Промоушен – бу бир разведка, ишга ижобий ёндашув. Разведкада битта мақсад қўйиш, яъни сизнинг ишбилармонлик суҳбатингизни сотиш керак. Промоушен – бу келишувдан олдинги келишув. Бу қандай кўринишдабўлишигабир мисол келтирамиз. Бир киши иккинчисига: «Биласанми, мен бир табиб аёлни топдим, у олис қишлоқда яшайди. Унинг кўзи ҳам яхши кўрмайди, соғлири ҳам унчалик яхшимас, лекин шундай ажойиб ишларни қиласдики, буни сўз билан тушунтириб беришим қийин. Унинг хузурида гайриоддий нарса юз беради. У билан ярим соатча гаплашиб, лол бўлиб қолдим, мен табибнинг олдидан соппасор бўлиб чиқдим. Худди дунё бошқачадай туюляпти, ўзимни енгил ҳис қиляпман, ҳеч қаерим оғримаяпти. Шундай тетикманки! Бу ҳолат менга ёқяпти. Хоҳласанг, мен сени у билан таништириб қўйишим мумкин. Тўғри,



у бир ҳафтада бир марта қабул қиласы, йўл ҳам узокроқ...» Шундан сўнг сұхбатдошингиз, ўша табиби кўришни истаб қолади. У ҳатто «Бу қанча туради, қанча йўл юриш керак?» деб сўрамайди ҳам. Унда кучли истак уйғонади. Шундай қилиб, промоушеннинг аҳамияти, қизиқиш уйғотиш, кучли истак уйғотиш. Агар сиз бу ишни уддалашни ўргансангиз, бизнесда 70% муваффакиятга эришасиз. Бу дунёда, қанчадан-қанча нарсалар кераклиги учун эмас, балки исталгани учун амалга оширилган. Ҳа, жудаям исталгани учун! Истаги кучли одамга нарсанинг қимматлиги, кераксизлигини уқтириш фойдасиз, у «Шуни оламан, бу менинг истагим» дейди. Бир сирни барча йирик савдогарлар билишади. Майда савдогарлар бу сирни билмасликлари мумкин. Балки шунинг учун ҳамулар майдадир. Шунинг учун ҳам, биз «банкачалар ва капсуналар» эмас, маълумот сотамиз. Промоушеннинг қоидаси ёки асосий сири – 80% ҳиссиёт ва 20% маълумотга асослангандир. Масалан, шифокорда 20% тиббий маълумот бор. Зоро, жуда бой тажрибага эга, ўз ишининг устаси. Шифокор бунга 80% ҳиссиётини қўшиши керак. У мана шуни ўргансагина, ўз муваффакиятини таъминланган бўлади. Промоушеннинг иккинчи сири шундаки, унда барча нарса ҳақиқат бўлиши лозим. Ёлрон сўзлаш мумкин эмас. Жуда чиройли, кучли ҳаяжон ва ҳиссиётга берилиб гапириш мумкин, аммо ёлғон гапириш асло мумкин эмас.

Нималарни реклама қилиш мумкин?

Албатта, барча нарсан! Йирик воқеалардан

бошлаймиз. Дейлик, сиз корхонанинг туғилган кунида ёки йирик лидерлар билан учрашувда қатнашишга муваффақ бўлдингиз, кимлардир эсайўқ. Тадбир ҳақида ўз одамларингизга сўзлаб беринг, албатта, промоушен қоидаларига риоя қилган ҳолда. Бунда маълумотга қараганда ҳиссиёт кўпроқ бўлсин. Биринчидан, сиз барибир у ердан олган маълумотларингизни батафсил айтиб бера олмайсиз, у ердан олган қувватингизни эшигувчи ларингизга тўлалигича етказишнинг иложи йўқ. Бунда сиз кўпроқ ҳиссиётга берилиб сўзлайсиз. Иккинчидан, ахборот етказувчи бўлишнинг кераги йўқ, бизнесда ахборот етказувчи эмас, ахборотни изоҳловчилар ғолиб бўлади. Шундай сўзлаб бериш керакки, олдин промоушенлик қилиб, кейин воқеага аста-секин ўтиш керак. Масалан: «Афсус, сен бўлмадинг-да, у ерда жуда ажойиб бўлди, буни сўз билан таърифлай олмайман! Сен кўп нарса йўқотдинг! Яна икки ойдан кейин яна... бўлади!! Агар уни ҳам кўрлмасанг, кўп нарса йўқотган бўласан, бизнесда ярим йилга кечга қоласан, балки бир йилгадир, чунки у ерда шундай нарсалар бўладики! Обрўли лидерлар иштирок этишади, у ерда ахборот бўлади, зўр концерт бўлади ва ҳоказо, ва ҳоказо...»

*Тақдимот ва сабоқ. Биз юқорида, тақдимот ва сабоққа таклиф этишни ўрганиб олиш ҳақида айтиб ўтдик. Бу бир оз бошқачароқ промоушен бўлиб, у юзасидан тренингда чуқурроқ машқ қиласиз. Агар сиз муҳокама қилинадиган мавзуни бир оз бўлса ҳам билсангиз, бу ахборотни тавсия этишингиз мумкин. Машғулотларни олиб борувчиларни проматация (реклама) қилишингиз мумкин.

*Уй тўгараклари. Уй тўгаракларига таклиф этишни ўрганиш сотовлар ва рекрутация (реклама) учун ишнинг алоҳида тури. Худди шу йўсинда корхонанинг ўзини, тармок тизимидағи ўрнини проматация қилиш мумкин.

*Йирик лидерларни, улар ҳақидаги била олган нарсаларингиз тўғрисида, албатта, проматация қилиш лозим. Бунда албатта, олдин ҳам айтганимиздек, ҳис-ҳаяжон билан гапириш керак. Чунки бу инсонлар шундай сўзларга лойиклар. Сабаби оддий, улар бизнесда ва ҳаётда нималарнидир қилишга, қолаверса, эришишга улгуришган.

*Ўз ҳомийингизни промоушен қилиш ҳам шарт. У, сизни шу бизнесга таклиф қилган инсондир. Балки энди у сиз учун ҳеч нарса қила олмаслиги мумкиндири, аммо шу одам сизни ҳаётнинг янги сўқмоғига олиб чиқсан. Агар сиз ҳаёtingизни ўзгартириб, бизнесда юкори чўққиларни эгалласангиз, сизга бу бизнес ҳақида биринчи бўлиб айтиб, биринчи бўлиб қўл узатган одамни ёддан чиқарманг. Гарчи ҳомийингиз ўз касбининг устаси бўлса ҳам, сизнинг промоушенлик қилишингизга муҳтож бўлмаса ҳам, у ҳақида ҳар қандай мақтов сўзларни айтишингиз мумкин. Агар маълум бир вақтга сизнинг ҳомийингиз узокрокда бўлса ёки иккинчи ҳомийингиз олдига таклиф этсангиз, у ҳақида ҳам шундай илиқ гапларни гапиришингиз мумкин.

*Албатта, ўз дистрибуторингизга ҳам промоушен зарур. Кўп ҳолатларда буни унтиб кўйишади. Ўз дистрибутори ҳақида нималар дейиш мумкин? У ҳақида кимгадир гапираётган бўлсангиз, хатто у одамни сизнинг

дистрибьюторингиз таклиф қилган бўлса ҳам танишига у ҳақида илиқ сўзларни айтиб, унинг обрўсини кўтаришингиз лозим. Янги келган одам келгусида шу инсон билан ишлаши, айнан шу инсон унга ҳомий бўлишидан омади чопганига ишонч ҳосил қиласин! Ўз ҳомийсими хурмат қилиш билан бир қаторда, янгиларни ҳам шундай қилишга ўргатиш лозим. Гарчи дистрибьюторингиз бизнесда ҳали ҳеч нарса қилишга улгурмаган бўлса-да, унинг ҳаракатчанлиги, қанчалар эътиборлигини, янги маълумотларни қанчалик яхши ўзлаштираётганини айтинг. Сиз унинг йирик лидер бўлишига ишонишингизни ва унга катта умид боғлаганингизни таъкидланг!

*Ўз-ўзини промоушен қилиш. Биз ўзимизни тақдимқилаолишини билишимиз лозим. Албатта, ёнг яхши кўринишда. Бунинг учун инсон ўзини хурмат қила олиши керак. Ёшлигимизда ўзини мақташ нокамтарлик деб уқтиришган. Энди бу ҳақда бошқалар бош қотиришсин. Аввало ўзингизга «Мени мендан-да яхшироқ ким ҳам билади?!» деган саволни беринг. Бизнесда умрингизнинг охиригача эслаб қолинг: «Инсон ўзини-ўзи намойиш эта олиши ва энг чиройли ўрамда кўрсата олиши лозим!» «Некбинлик жодуси» китобининг муаллифи Дэвид Шварц шундай деган: «Биз ўзини реклама қилишдан тўхтаган одамларни ҳар куни учратамиз, улар ўзларини хурмат қилишни унтишган. Булар бефарқ инсонлардир. Улар ўзларини ҳеч кимга керакмасман, деб билишади. Ўзларини ҳеч нарсага ярамайдигандек ҳис қилишади. Ўзлари ҳақида шундай калта ўйлаганлари учун ҳам шундай тушкун ачинарли аҳволга тушиб



қолишган». Тушкунликка тушган киши ўзи учун ўзини реклама қилиши лозим. Бу инсон ўзининг кимларгадир кераклигини билиши шарт. Бундайлар ўзларида ишонч уйғотишлири лозим. Энди сизга ўз-ўзини реклама қилишни қандай тузиш кераклигини ўргатамиз.

Ўз-ўзининг рекламасини тузишнинг асосий принциплари

Ўз-ўзининг рекламасини тузишнинг асосий принциплари

*Ўз ютуқ ва устун жиҳатларингизни дикқат билан ажратиб чиқинг. Ўзингиздан «Менинг энг яхши сифатларим қайсилар?» деб сўранг ва уларни санаб ўтинг.

*Санаб ўтганларингиз қаторига ўзингизда кўришни истаган жиҳатларни қўшиб қўйинг. Ҳозир улар сизда йўқлигини биласиз, аммо бўлишини истайсиз. Ўша сифатларни гўё ўзингизда бордек билиб қўшинг.

*Буларнинг барчасини қоғозга ёзинг, шунда қуйидагича портрет келиб чиқади: Ўзингизнинг энг яхши сифатларингиз ва унга қўшимча равишда келажакда сизда бўладиган сифатлар. Агар буларни аудиокассетага ёзишнинг имкони бўлса, янада яхши бўлади. Буни сиз «Менинг муваффақият келтирувчи кассетам» деб номлашингиз мумкин.

*Бу матнни бир кунда бир марта кўзгу олдида айтиб қайтаринг. Бунда ўзингизга исмингизни айтиб мурожаат қилинг. Ёки аудиокассетани тинглаб, ичингизда қайтаринг.

*Хар сафар чарчаганингизда ҳафсалангиз пир бўлганда, бирор ишни бажаришда қатъийлик керак бўлганида, ўз-ўзини реклама қилишни такрорланг.

*Кўпроқ биринчи шахс номидан гапиринг, яъни гапни «Мен» олмошидан бошланг. Бу «Мен ҳақидаги фикр» дейилади.

*Обрўли одамлардек фикр юритинг ва ўзингизни ўзингизга реклама қилишни ўрганинг. Бу топширикни имкон қадар тезроқ бошланг, шунда сиз, албатта, ўзингизда ажойиб натижани кўрасиз.

Рекламада қандай сўз ва иборалар кўпроқ самара беради?

*Сифатлар: эксклюзив, замонавий, ривожланган, энг зўр, энг яхши, лол қолдирадиган, энг машҳур, аъло, фантастик, юқори табака, элегант. Ўйлаймизки, бу рўйхатга сиз ҳам кўпгина ажойиб сўзларни кўша оласиз.

*Отлар: муваффақият, имкон, тажриба, сифат, пул («тежаш» ва «ишлаб топиш» сўзлари билан бирга), самарадорлик, кенг ассортимент, сир ва бошқа кўпгина сўзлар.

*Айрим иборалар: Фақат бизда; факт сиз учун; бу ҳали ҳеч кимда йўқ; бу сиз учун фойдали; рад этиш қийин; ёнидан бефарқ ўтиб бўлмайди; шошилинг; ҳозирнинг ўзида кўнрироқ қилинг; ўз истакларингизни амалга оширишга ошиқинг.

*Устунликка мурожаат. Масалан, қўйидаги мурожаатли рекламалар тавсия этилади: «Ёш кувватлиларга!», «Мутахассислар дикқатига», «Ишибилармон инсонлар эътиборига!», «Бунинг кадрига етадиганлар учун!», «Ўзини лидер хисобловчилар учун!», «Фақат эркаклар учун!» «Рахбарлар эътиборига!», «Жиддий бизнесменлар дикқатига!». Навбатдаги «Телефон орқали ишлаш» мавзусида бунинг



промоушен учун қай даражада кенг майдон эканига баҳо берамиз.

Ажойиб, бетакрор, ноёб.

Телефон орқали ишлаш

Бусавдо ватармоқагентлари учун ишлашнинг энг қулай ҳамда кучли воситаларидан биридир. Бу воситада биргина камчилик мавжуд, биз сұхбатдошимизни күрмаймиз. Агар сиз чиройли гапиришни, нима дейишни билсангиз, бўлгани. «Бу муҳимми?» деган савол туғилади. Қарангки, бу жуда муҳим экан. Бизнинг гапимиз 7% дан кўп бўлмаган маълумотга эга бўларкан. Яъни 7% ахборот – бу бизнинг гапимиз. Тахминан яна 35%-38% бу бизнинг қандай гапиришимиз экан, масалан: овоз тони, унинг баландлиги тембри, унинг ишончлилиги ва ҳиссиётларга бойлиги. Мана 55%-60% и эса айтиш жоиз бўлса, аврамаслик ахбороти ёки гавда тили.

Сұхбатдошнинг қизиқувчанлик ёки қаршилигини билдириши мумкин бўлган ўзини тутиши, унинг харакатлари, яъни: бошининг бурилиши, кўздаги маъно, қўллар харакати. Телефонда сұхбатлашганда бу маълумотларнинг барчасидан маҳрум бўламиз. Гап шундаки, сұхбатдошимизни кузата туриб, сұхбат давомида кайфиятининг ўзгаришини билиб туришимиз мумкин. Демакки, биз унинг карорига таъсир кўрсата оламиз. Телефонда эса буни бажариш бир мунча қийин албатта, чунки абонентингизнинг кайфияти бузилса, қизиқиши бир мунча сўнса, гўшакни қўйиб қўйиши мумкин. Шунинг учун кўпчилик куйидаги ибораларни такрорлайди: «Мен жиддий нарсаларни телефонда муҳокама қила

олмайман, чунки сухбатдошимни кўрмайман, унинг кўзларини кўрмасам сухбатлаша олмайман». Ёки «Бирор зарур масала хақида сухбатлашмоқчи бўлсам, мен у билан учрашув белгилайман», дейишади. Аммо телефоннинг хам бизнесда ўз ўрни бор. Бу вактимиз ва кучимизни тежашда қўл келади. Айнан шунинг учун телефоннинг ўрни бекиёс.

Кимлар билан телефон орқали ишлаш мумкин?

*Биринчидан, ишчи рўйхатимиздаги танишларимиз билан. *Нотаниш инсонлар билан дўстингиз ва мижозингизни тавсия қилиш борасида гаплашиш мумкин. *Газетадаги эълонлар бўйича мижозлар қидириш, бизнесга шерикларни таклиф қилиш хақида гаплашиш мумкин. *Ўз дистрибуторингизга тармоқни йўлга қўйишда кўмаклашаётганингизда. Бунда сиз унинг тавсияси бўйича, унинг танишлари рўйхатидаги кишиларга қўнғироқ қилишингиз мумкин. Бундай ҳолларнинг барчасида гапнинг асосий мақсади, сухбатдошли юзма-юз сухбатга таклиф қилиш бўлади. Энг асосийси, телефонда промоушен қилишни ўрганишdir. Яъни биз шундай нарса айтишимиз керакки, у одам гўшакни қўймасин ва учрашувга рози бўлсин. Буни амалга ошириш схемаси:

*Абонент гўшакни кўтарганда нима хақида гапиришингиз кераклигини унтиб қўймаслик учун сухбатнинг тахминий режасини тузиб олиш шарт.

*Телефон гўшагини кўтаришдан аввал, олдингизга кўзгу кўйиб, аксингизга жилмайинг. Ишонинг, табассум телефонда эшитилади. Сухбат давомида кўзгуга қараб



жилмайиб туринг. Шунда сиз бу сұхбатдан ва сұхбатдошингиздан мамнун бўласиз!

*Сұхбатлашиш учун мижозга қулай вактни аниқланг. Сизнинг қўнғироғингиз у кишини безовта қимаслиги ва бирор ишига халақит бермаслиги керак ва айнан шу пайтни топинг, акс ҳолда сұхбатингиз узук-юлуқ бўлиб қолиши аник.

*Сұхбатдошингиз сиз билан беш-ён дақиқа сұхбатлаша олишини аниқланг, албатта, ўзидан сўранг. Агар уни ҳозир сиз билан сұхбатга вакти йўқ бўлса, ҳеч ҳам хафа бўлманг, ўзингизни йўқотманг. Сұхбатни у айтган вактига кўчиришдан чўчиманг ва, албатта, ўша пайтдан кеч қолмай қайта қўнғироқ қилинг.

*Сұхбат бошида, албатта, саломлашинг, сўнгра ўзингизни таниширинг ва унинг исмни сўранг. Бу ҳам сизни жуда яхши реклама қиласди.

*Ўз корхонангизнинг иш хусусияти, маҳсулоти ҳақида нима дейиш керак? Агар сиз бу одамни сұхбатга таклиф қилишга жазм қилган экансиз, барча маълумотни беришга шошилманг. Телефон орқали мулоқотга қизиқтириш лозим. Ёдингизда тутинг, 20% ахборот етарли. Яна бир кичик жиҳат бор, корхонангиз билан фурурлана олинг. Бу «тармоқ маркетинги» иборасига ҳам тегишли. Айрим ҳолларда дистрибуторлар тармоқ маркетингида ишлашларини ва сұхбатнинг шу мавзуга бурилишини охирги дақиқаларгача яширадилар. Буларни айтишдан чўчиманг. Агар абонентингиз гап нимада эканини билса, бу уни чўчитмайди. Айнан шунинг учун у билан учрашув белгилаётганингизни, учрашганда

барча нарсани батафсил айтиб беришингизни айтинг ва учрашувни белгиланг.

*Энг асосий сир: сұхбатдошингизнинг ташаббусни қўлга олишигай ўйл қўйманг. Бу ерда сиз жамоа тўплаяпсиз. Сиз имконият таклиф қиляпсиз. Сизни рад эта олишмайди, сиз эса буни қила оласиз. (Бу одамни ўз жамоангизга олиш-олмаслик масаласидир.) Аммо, албатта, сиз сұхбатдошингизни кўришингиз ва у ҳақида яхшироқ тасаввурга эга бўлишингиз лозим.

*Учрашувга розилик олинган захотиёқ, аниқ ва равшан ҳолда учрашув жойи ва вактини белгилаш зарур. Агар бу унтилса ёки бажарилмаса, ҳамма иш чаппасига айланиши мумкин. Шахсий сұхбатга таклиф худди шундай кўринишда бўлади. Телефонда яна қандай масалаларни бажариш мумкин?

*Телефонда мижознинг назоратини амалга ошириш мумкин.

*Раҳбар билан сўзлашгандан сўнг бирор корхона ёки муассасада тақдимотни белгилаш учун телефонда корхона раҳбарияти билан учрашишни аввалдан келишиш мумкин.

*Телефонда тўгарагигадистрибьюторларни ва чақирилганларни ҳамтаклиф қилиш мумкин.

*Телефон орқали ҳар куни ҳомий билан алоқа боғлаб туриш ҳам мумкин. Ҳатто сиз турли шаҳарларда бўлсангиз ҳам. *Кунни ҳомийга қўнғироқ қилиш, унинг режаларини аниқлаш ва ўзингизникини айтишдан бошлаш мумкин. Шунингдек, ҳомийга хайрли тун тилаш билан кунни тугатинг. Яна телефонда ўз шахрингиз ва миңтақалардаги тармоқларингиз билан боғланинг. Айниқса, сизнинг дистрибьюторларингиз бошқа шаҳарда бўлса.



*Алоҳида сухбат – булар турли телеконференциялар, лидерларнинг катта гурухи билан масофада ишлаш.

*Яна ишнинг телефон орқали сотувларни амалга ошириш ёки аудиокассеталар билан қисқа тақдимотлар ўтказиш турлари ҳам бор. Энг асосийси, агар сизга қўнғироқ қилишса, телефон гўшагини мўъжиза кутаётгандай кўтаринг! Телефон қўнғироқларини олишга шошилинг ва омадингизни берсин!

Уйга вазифа

*Янги материаллардан фойдаланган ҳолда ўз ҳомийингиз, тақдимот ва сабоқقا промоушен қилиш.

*Ўз-ўзига промоушен ёки «ўзини ғалабага етакловчи кассетаси»ни ёзиш. Кунига камида бир маротаба ундан фойдаланиш.

*Иккита эълон тайёрлаш: 1. Рекрутацияга мўлжалланган ишга таклиф қилувчи. 2. Сотувга мўлжалланган потенциал мижозлар учун.

*Телефон орқали сухбат режасини тузиш ва уни ҳомий билан муҳокама қилиш.

*Кунига иш юзасидан камида 10 та қўнғироқ қилиш, сухбат давомийлиги – 3 дақиқа.



ТЎРТИНЧИ МАШГУЛОТ

Мавзу: Маҳсулот, у ҳақда нимани билиш ва қанча гапириш керак? Биологик фаол қўшимчалар (БФҚ). Уларнинг таъсир механизми, дорилардан фарқи. БФҚнинг соғлиқни сақлаш тизимидағи ўрни. Овқатланиш услубининг ўзгариши чоридаги аломатлари. Биз нима учун барчангизга «Биологик фаол қўшимчалар» номи билан таниш бўлган соғломлаштириш маҳсулоти ҳақида гапирамиз? Бунинг учун кўп сабаблар мавжуд бўлиб, улардан учтасига тўхталамиз: 1. Тармоқ бизнесини дунёга келтирган компания билан бир қаторда тармоқ компанияларининг 70% ийнан шу маҳсулот билан фаолият юритади. Тарихда «Калифорния витаминлари» деб номланган илк тармоқ компанияси ҳам ийнан БФҚ билан ишлаган. 2. Бизнес шаклида биз соғлиқни сақлашнинг нақадар кучли асбобини кўлимиизга олдик. Биз биологик фаол қўшимчаларнинг таъсир механизми нима эканини, уларнинг дорилардан фарқини тушинтиришга харакат қиласиз. 3. Сизларнинг ҳар қайсингиз, мижоз сифатида ёки яқинларингизга ёрдам тариқасида биологик фаол қўшимчалардан фойдаланишингиз мумкин. Келинг, соғлиқни сақлашнинг замонавий тизимида биологик фаол қўшимча ўрнини аниклаб кўрайлик. Профессор Макаров Виктор Викторович уларни тўртинчи йўл препаратлари деб атайди. Колган учтаси қайсилар?

Биринчи ўрин бугунги кунда анъанавий



тиббиётдаги фарматўпламли, кўпроқ синтетик дориларга тегишли. Шубҳасиз, улар нисбатан фаол ва таъсирчандир. Шу билан бирга синтетик дорилардан (айниқса психотроплардан) кенг фойдаланиш бутун цивилизациямиз учун қандай натижаларни келтириб чиқаришини ҳеч ким аввалдан айтиб бера олмайди. Иккинчи ўринни кенг тарқалганлик бўйича халқ табобати ўзининг минг йиллардан бери, ўт, илдиз, сув ўтлари ва минераллардан фойдаланиши билан эгаллаган. Учинчи йўналиш – гомеопатия (катта дозаси кишини касал қиласидиган дорилардан оз-оз бериб даволаш усули).

Биз эътиборимизни тўртинчи йўналиш – биологик фаол қўшимчаларга қаратамиз (БФҚ). Суҳбатимизни айнан шундан бошлаймиз. Буни таом қўшимчалари билан адаштирмаслик керак. Таом қўшимчаларининг моҳиятан соғлиққа таъсири йўқ, фақат таомнинг ташқи кўриниши, таркиби, ранги ва мазасини яхшилади. Булар таомларга қўшиладиган ранглар, консервантлар, эмульгаторлар, ширинлаштирувчилар ва ҳоказо. Улар озиқовқат маҳсулотлари ўрамларида «E» ҳарфидан сўнг кўйиладиган ўз номерларига эга.

Биз соғлигимизга олтаъсир этувчи биологик фаол қўшимчалар ҳақида гаплашамиз. Ҳаётда «ҳаёт-мамот» масалалари ҳал қилинадиган вазиятлар бўлиши мумкин. Шунда одамлар жарроҳлик (хирургия) ва жонлаштириш (реанимация) мижозларига айланишади. Қолган барча вазиятларда ҳам БФҚларнинг аҳамияти катта. Улардан даволаниш жараёнида

бир неча йўналишларда фойдаланиш мумкин:
*Операцияга тайёрлашда; *Синтетик дорилар билан терапияда; *Синтетик дорилар билан терапияда уларнинг самарасини ошириш чоғида; *Дориларнинг ёндош таъсири ва уларнинг салбий оқибатларини юмшатишда;
*Даволанишдан сўнг организмни тиклашда;
*Касалликларнинг бошланиш жараёнида профилактика қилиш вадаволашда; *Сурункали жараёнларнинг хуруждан ташқари ҳоллардаги терапияси учун; Охирги икки вазиятда БФҚлар ёрдамнинг ягона воситаси бўлиши мумкин. Касалликларнинг олдини олишда, шунингдек, соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашда биологик фаол кўшимчаларнинг аҳамияти жуда катта. Фарматўпламли ва синтетик дори-дармонлар одатда, бу мақсадларга мўлжалланмаган.

Энди эса таъсир механизми ҳақида сўз юритамиз. Бир оз мавзудан четгачиқсак. Мисол учун, организмнинг бирор бир функциясини – қон томирлардаги босимни оламиз. Агар босим ўйнаётган бўлса, бу ҳолат бемор учун муаммоларни келтириб чиқаради. Босимни пасайтириш учун ацетилхолин сингари дорини қўллашимиз мумкин. У босимни пасайтиради, юракнинг қисқариш сонини секинлатади, переферик томирларни кенгайтиради. Бунда у ичак ва ошқозон перистальтикасини кучайтиради, бронхларни сиқади, тер ва бронх безларини катталаштиради ва кўз қорачигини торайтиради. Яъни уни бронхиал астмага мойиллиги бор касалларга ва глаукома (бу кўз ичидаги босимнинг ортиши) билан оғриганларга қўллаб бўлмайди.



Бронхоспазмниенгиллаштирувчи вабронхиал астмада ёрдам берувчи ацетилхолиннинг антагонисти – атропинни қўллаш мумкин. Аммо атропиннинг ўз ёндош таъсиrlари бор: кўп дозаларда бош мияни қўзғатиб, ҳатто харакатли ва руҳий қўзғатиш, кўркув, томир тортишиши ва галлюцинациягача олиб боради. Бошқа антагонист – норадрелинни қўллаш мумкин бўлиб, у ёндош ҳолатлар сифатида юрак қисқаришининг ошқозон аритмиясигача кучайишини, буйракда ва ичак томирларида кон айланишининг сустланишини келтириб чиқариши мумкин. Бунда овқатланиш, буйрак ва ичакнинг нормал иш фаолияти жабрланади. Шундай қилиб, барча дорилар ўзининг асосий таъсиридан ташқари бирмунча ёндош таъсиrlарга ҳам эга. Буларнинг ҳаммасини билиш ва ҳисобга олиш зарур. Салбий ҳолатлар келиб чиқмаслиги учун барчасининг фойдаланиш микдорига жиддий амал қилиш зарур. Бунинг учун тиббий маълумотга эга бўлиш лозим, албатта. Бунинг учун фармакологияни ўрганиш керак.

Функцияни тартибга солиш учун икки антагонистик маҳсулотнинг иккисини бир шприцда юборишни бир дақиқага тасаввур этиш мумкинми? Йўқ, албатта. Чунки улар оғир ахволни келтириб чиқармаса-да, бир-бирининг таъсиr кучини йўқотади ва биз ҳеч нарсага эришмаймиз. Ёмони биз икки антагонистик функцияни оламиз, бири томирни қисқартириб, бошқаси кенгайтирганда томирлар бутунлай ёрилиб кетиши мумкин. Афсуски, биз ҳали антагонистлар бир-бирига муҳаббат билан

дўстона муносабатда бўладиган, организмга тушганда керакли компонент фаоллашиб, бирор функцияни меъёригача олиб борадиган, бошқаси эса унга зарурат бўлмагунча, хотиржам ухлайдиган ягона воситани кашф қилганимизча йўқ. Тирик хужайрада эса бунинг иложи бор!

Фақат жонли лабораториядагина бир вақтнинг ўзида антогонистларнинг А ва В моддалари жойлашиб олиши ва бузилган функцияни меъёрга тушгунга қадар тартибга солиши мумкин. Агар у ошиқча бўлса, меъёрга келгунча камайтиради ёки аксинча. Тирик хужайра буни қандай амалга оширади? Табиат донишманд ва уни ишонтиришга ўргатади.

Биз А ва В моддаларини оламиз, уларни таърифлаб берамиз, таъсирини ўрганишимиз ҳам мумкин. Бироқ улар нима учун ёнмаён, айнан шу микдорда, айнан шу нисбатда мавжудлигини ҳали узоқвақт тушунмаслигимиз мумкин. Мантиқан биз ҳали ажрата олмаган ва ўрганмаган X модда борлигини тахмин қилиш мумкин. Албатта, у яширин код ва қандайдир ахборотни ўзида мужассамлаштирган: «Тирик ва рисоладаги соғлом хужайрада қанча А ва В бўлиши лозим? Улар ўзаро қандай харакат қилиши керак? Инсон организмига тушганда қайси бири олдинроқ иш бошлиши керак?» Бунда зарурий концентрация пайдо бўлмагунча ва керакли функция тикланмагунча тартибга солиш давом этаверади.

Шундай қилиб, фитопрепаратлар, ўсимликлардан нафакат бизга керакли бўлган А ва В моддаларни оламиз, балки бу моддаларнинг ўзлаштирилиши ва меъёрга



келтиришга ёрдам берадиган тартибга солиш механизмига эга бўламиз. Агар сиз препаратни қабул қилишни бошлаган бўлсангиз-да, унинг таъсир кучини сезмаётган бўлсангиз, демак, сизнинг организмингизда узоқ вақт давомида нимадир етишмаган. Шу даражада сурункали етишмаганки, организмингиз ўз «тешикларини» ёпмокда, шиммоқда ва бойимокда. Препаратни қабул қилишни давом эттириш ва организмга ўзини қайта тиклашга имкон бериш керак. Бу гапларни яна бошқачароқ соддароқ тушинтириш ва тушиниш мумкин: «Буни ҳамкасбининг ишини давом эттириш учун келган виждонли, билимли ғишт терувчи, деворда айрим ғиштларнинг йўқлиги туфайли деворда кўпгина тешикларга дуч келганига ўхшатса ҳам бўлади, деворга шу туришида ғишт теришни давомэтсангиз, девор йиқилиши аник. Бунинг учун аввал тешикларни беркитиш зарур ва деворни қуришни давом эттириш керак». Бизнинг организм ҳам яхши сифатли таом қабул қилгач, шундай йўл тутади. У аввал ҳужайраларни даволайди, сўнгра бирор функцияни бажаришга киришади.

Бундан шундай хулоса чиқарсак бўлади:
*Биринчи сир: фитопрепаратлар сезиларли натижага эришгунимизга қадар узоқ муддат таъсир этади. *Иккинчиси: Натижа нисбатан узоқ муддатли, чунки дори-дармон организмнинг тикланишига ва алмашинув жараёнларини меъёrlастиришга асосланган. Биз юқорида гапирганларимизнинг барчаси ягона функция, босимни тартибга солишга тегишли.

Босимнинг бузилишини организмдан алоҳида ажратиб олиб бўлмайди. Шунингдек, тирик тўқималардан ҳам. А ва В дан ташқари у ерда С, D, шунингдек К, L, Z ва бошқа моддалар бўлиши мумкин. Ва ўсимлик таркибига кирувчи моддаларни санашимиз мумкин. Лекин ҳали уларнинг ўзаро таъсирини тушунишга ва ўрганишга ожизлик қиласиз. *Учинчи холоса: Биз фитопрепаратларнинг формуласини бера олмаймиз, факат унинг таркибиغا кирувчи компонентларини санаб ўтишимиз ва ҳаракатини таърифлашимиз мумкин, холос. * Фитопрепаратнинг таъсир механизмини икки оғиз сўз билан ҳам, икки бет қофозда ҳам таърифлаб бўлмайди. Бу жонли лаборатория. Бу организмга ўз-ўзини тартибга солиш ҳақидаги ахборот, жараён учун компонентларни ташувчи идеал формуладир. Биз ютадиган капсулада ҳам яшил, қизил ва зангори бўлакларнинг барчаси мавжуд, айни вақтда ҳаракатни организмга керак ва зарур бўлган бўлак бошлайди. Бундан нима келиб чиқади? Иккита турли одам бир хил препаратни қабул қилиб, турли натижага эга бўлади. Сабаби уларнинг муаммолари турлича. Тиббиёт кўпдан буён табиатдаги бу инъомлардан фойдаланиб келади. Энди биз нима учун фитомахсулотларга мурожаат қилганимиз ҳақида тўхталиб ўтсак. Келинг, бекаларнинг бирор нарсани тўқий бошлишини тасаввур қилиб кўрайлик.

Дейлик, агар сиз нимча тўқишига қарор қилган бўлсангиз, журналдан фасон танлайсиз ёки ўзингиз ўйлаб топасиз. Ўзингизга керакли



ипни олиш учун дўконга йўл оласиз. Энди тасаввур қилингки, у ерда ўрамли иплар йўқ, турли рангдаги шарфлар бор. Сизга шарфларни ситиб, ип олиш мумкинлигини айтишади. Сиз шарфни ситганингиздан сўнг кўрасизки, у уланган иплардан тўқилган, иплар узилган, кўп жойларида тугунлар мавжуд. Хуллас, ипларнинг ярмини ташлаб юборишга тўғри келади, қолганини амаллаб тежаб ишлатасиз. Бу жараёнданимчатўқишигабўлган иштиёқингиз аста-секин сўниб ҳам боради. Агар сиз тайёр сифатли ўрамдаги ипни олганингизда бундай қийналмаган ва иштёқингиз сўнмаган бўларди.

Демак, ўрамлардаги сифатли иплар мисолида, бу биз учун ҳам, жониворлар учун ҳам табиий материал бўлиб, улар ўсимликлардир. Жониворлардан олинган озуқани қабул қилганимиз, бу энди бошқа организм орқали ўтказилган натурал озуқа кабидир. Яъни шарфлардаги ипдир.

Шундай қилиб, ўсимликларда қуйидагилар мавжуд: тўйдирилмаган ёғ кислоталари; углеводлар ва хужайралар; биологик фаол моддалар; асрлардан-асрларга ўтиб келаётган тирик хужайрада кодлаштирилган мослашиш механизми, демак, ҳаёт мавжуд. БФҚ ва дорилар тайёрлаш технологияси хусусида сўз юритамиз. Анъянавий дори шаклларидағи жуда кўп қўшимчаларга эътиборимизни қаратишимиз мумкин. Агар бу порошок дори ёки таблетка бўлса, унинг 30%-40% ини қўшимчалар эгаллайди. Агар бу малҳам дори бўлса, унинг асоси ёғдир. Ампуладаги эритма – бу фаол модданинг фоизлари,

холос. Ўсимликда биз барча нарсадан тўлиқ фойдаланишимиз мумкин. Мана шунинг учун ҳам моҳиятан дори ҳисобланмаса-да, биологик фаол қўшимчаларнинг даволаш самарадорлиги жуда юқори. Бу озуқа, демакдир. У озуқа бўлгани учун ҳам амалда БФҚнинг акс кўрсатгичлари йўқ. Уларнинг барчаси учун акс кўрсатгич бу бирор таркиби кўтара олмаслик ёки унга нисбатан юқори сезгириликдир. Гоҳо у бирмунча сезиларли бўлиши мумкин, ахир маймунжон ёки апельсинга аллергияси бор одамлар ҳам бор-ку. Бу дегани, апельсин ёки маймунжон ёмон маҳсулот, ундан фойдаланиб бўлмайди, дегани эмас. Кўнишиб қолишга келсак, у йўқ нарса. Нон ва бананга кўнишиб қолиш мумкинми? Улар бор экан, улардан фойдаланиш керак. Агар сизда соғломлашишга ва организмингизга кўпдан буён, ҳатто озрок бўлса-да, ололмаётган нарсасини бериш имкони мавжуд бўлса, бу ҳеч нарса бермагандан кўра яхшироқ эмасми!? Шундай қилиб, ўсимликлар – бу бизнинг яшаб кетишимиз учун маҳсус мўлжалланган табиат лабораторияси. Суҳбатимизга якун ясар эканмиз, дори ва биологик фаол қўшимчаларнинг қиёсий жадвалини ҳавола этамиз.

Дори ва биологик фаол қўшимчаларни қиёслаш

1.Дорилар аниқ кимёвий формулага эга. – БФҚ биокимёвий коктейль бўлгани туфайли, унинг аниқ формуласи йўқ.

2.Дори таркибида фақат кўрсатилган нарсалар бўлади. – БФҚ таркибида бир нарса борки, у таркибига кирувчи компонентларнинг



ўзаро ҳаракатини ва керакли вақтда керакли компонентнинг фаоллашувини таъминлайди.

3. Дорилар моҳиятига кўра организм учун бегона ҳисобланади. Улар бирор функцияниң ишдан чиқишида вақтинчалик ёрдамни таъминлайди. Бу худди оёқ синганда кўлтиқтаёқса суюнишга ўхшайди, демак вақтинчалик ёрдам беради. – БФҚ организмга туғилган вақтда берилган, аммо ҳаёти давомида ноэкологик мухитда йўқотадиган моддани олиб киради. Яъни улар организмда меъёрда бўлиши лозим бўлган танқисликни тўлдиради.

4. Ҳар бир дори аниқ таъсир нуқтасига эга. Яъни бир йўналишга таъсир қиласиди. Натижага ташки белгиларда намоён бўлади. – БФҚ организмда мустаҳкам қайта қуришни амалга оширади ва бу алмашинув жараёнлари ҳамда иммунитетни мувофиқлаштиришга олиб боради. Яъни таъсир илк сабабларга йўналади.

5. Дориларда таъсир сайлаш тарзида амалга ошади. – БФҚда таъсир комплекс тарзда амалга ошади.

6. Дори қабул қилингандан кейинги натижа тез, айрим ҳолларда бир зумда, лекин у дори қабул қилиниши тўхтагандан сўнг тўхтайди. – БФҚни қабул қилгандан сўнг натижани айрим ҳолларда кўп кутишга тўғри келади, аммо натижаси чуқур ва узоқ вақтли, чунки қайта тикланиш БФҚни қабул қилиш тўхтатилгандан сўнг ҳам давом этади.

7. Дорилар учун уларнинг дозасини жудааник билиш керак, чунки терапевтик ва заҳарлилик дозалари орасидаги фарқ жуда кичик. Бунда дозани кўпайтириб юбориш ҳам мумкин. –

Бир кўзли қирол ёки саёҳат бошланади

БФҚда дозани кўпайтириб юборишнинг иложи йўқ. Организм микродозаларда бир суткалик меъёрни олади ва тушишига қараб биокимёвий реакцияга сарфлайди, ортиқчасини эса қайта ишланмаган кўринишида чиқариб ташлайди.

8. Дориларда айrim ҳолларда ёндош таъсирлар руйхати тавсия этилганлар рўйхатига қараганда нисбатан кўпроқ бўлади. – БФҚда муайян муаммо мавжудлигида муайян бўлак фаоллашгани туфайли ёндош таъсирлар йўқ. Шунинг учун ҳам таъсир юмшоқроқ.

9. Дориларда уларнинг таъсир механизмидан келиб чиқадиган қатор қарши кўрсаткичлар мавжуд. – БФҚда ягона қарши кўрсаткич – индивидуал равища кўтара олмаслик.

10. Дорилар тиббиёт заводларида синтетик равища ишлаб чиқарилади. Айrim ҳолларда эса эски технологиялар бўйича эскирган усуулларда. – БФҚ тирик ҳужайраларни сақлаб қоладиган янги технологиялар бўйича экологик тоза, ноёб, табиий хом ашёдан ишлаб чиқарилади.

11. Деярли барча дорилар бойитувчи кўшимчаларга эга, яъни организмга жуда кўп ортиқча нарсалар киритилиб, фойдали реал таъсир қилувчи бошланғич босқични пасайтиради ва аллергизацияни оширади. – БФҚда бойитувчи кўшимчалар йўқ. Бошланғич таъсир 100%, шунинг учун даволаш-профилактика таъсири самарадорлиги юкори.

12. Дориларга кўникиш, руҳий ва жисмоний тобелик ҳоллари бўлиши мумкин, биламизки, инсулин, психотроп моддаларга тобелик мавжуд. – БФҚларга кўникиш ва тобелик йўқ ва



бўлиши ҳам мумкин эмас. Таъкидлаш жоизки, биологик фаол қўшимчалар ташхис қўйиш функциясини бажаради ва овқатланишнинг янги услубига ўтилганда, безовталик пайдо бўлиши мумкин. Булар ҳақида билиш ва мижозни хабардор қилиш жоиз. Шунинг учун «Овқатланишни яхшилашдаги аломатлар» методик қўлланмасини ўқиб чиқинг. Агар сиз БФҚ билан эмас, айтайлик косметика, фильтрлар, ювиш воситалари, алоқавоситалари, суғурта полиси ва бошқа нарсалар билан савдо қилаётган бўлсангиз ҳам, юқоридаги тавсиялар сақланиб қолади. Сиз қайси маҳсулот билан шуғулланишингиздан қатъий назар уни мукаммал ўрганиб чиқинг. Қолаверса, ундан ўзингиз ҳам фойдаланинг, натижасини кўринг, самараасига ишонч ҳосил қилинг ва кейингина мижозингизга таклиф этинг. Китобни нашр қилиш вақтида бизнинг бозоримизда ҳали тенги йўқ, умуман янги бўлган ноёб маҳсулот яратилди ва фойдаланишга тавсия этилди. У билан 4-иловада танишинг. Маҳсулотимизда тил ҳам йўқ, оёқ ҳам йўқ, демак, биз тил ва оёқ бўлишимиз лозим. Ўз маҳсулотингизнинг маҳсулоти бўлинг. Маҳсулот-тингизнинг рекламаси сизнинг кўринишингиз ва ҳаёт тарзингиз бўлсин. Шунда сиз суғуртанинг энг самарали тизимларидан бирини яратган Марио Аховеннинг куйидаги сўзларини такрорлашингиз мумкин: «Мен барча нарсаларни сота олишимни тушундим. Сотишимрад этиладиган ягона нарса – бу курол ва сигаретдир! Чунки одамларга буларнинг фойдали эканлигини қандай изоҳлашни билмайман!»

Бир кўзли кирол ёки саёҳат бошланади

Уйга вазифа

*Ўз маҳсулотингизни ўрганиб чиқинг ва унга меҳр қўйинг. *Ўз маҳсулотингиздан фойдаланинг.

*Ўз маҳсулотингизга турли аудиториялар учун 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлган промоушен тузинг ва бунда сухбатнинг турли вариантларини қўлланг.

*Компаниянгизнинг тақдимоти учун ўз маҳсулотингиз ҳақида маъруза тайёрланг ва сўзга чиқинг.





БЕШИНЧИ МАШГУЛОТ

Мавзу: Сотувлар. Битим ва сотувларни амалга ошириш чө fidаги сұхбат. Мижоз топиш ва мижозни назорат қилиш. Сотувлар. Күпчиликни тармоқ маркетингида сотувчилик қилиш чўчитади. Аммо бундан чўчимаслик керак. Келинг, гарбдаги сотувчи образига бир назар ташлайлик. Профессионал сотувчилар, одатда хурматли инсонлар бўлиб, кўп ҳолларда етарлича бой саналишади. Арzonроқ олиш – кимматроқ сотиш. Бу бизга кўп йиллар мобайнида уқтиришган чайқовчилик эмас. Бу – ҳар қандай тижоратнинг нафақат замонавий, балки тарихий моҳияти. Агар сиз бир марта бўлса-да ўзингиз ишонган одамнинг тавсиясига биноан бирор иш қилган бўлсангиз, бу савдо-сотикнинг амалга ошганидир. Ҳар бир ишда савдо термини ёки реклама сўзи ишлатилмасада, аммо амалда бор. Сизга маълумот беришади, тажриба, хиссиёт, ҳайрат, фойдали имкониятлар ҳақида айтишади, натижада сиз бир томондан ўз қизиқишиш ва талабларингизни, иккинчи томондан олинган маълумотни ҳисобга олиб қарор қабул қиласиз. Мана шу тармоқ маркетингидаги сотув дейилади. Бу умуман ўзгача ёндашув, ўзгача муносабат. Тўғри, баъзи савдо агентлари бирор нарса ҳақида батафсил айтиш у ёқда турсин, унга ундашади, мажбурлаб ишонтиришга уринишади, ҳатто таъқиб қилишади. Бу бизда қандай хиссиётларни уйғотади? Табиийки, асабингизга тегиб, эътирозни уйғотади. Демак, шуни ёдда туting ва ўз мижозларингизга нисбатан шундай муносабатда бўлманг. Инсонлар уларга

Бир кўзли кирол ёки саёҳат бошланади

сотишларини ёқтиришмайди, аксинча сотиб олишни ёқтиришади. Бу савдо-сотикнинг сири. Одамлар фойдали нарсаларни эмас, балки ўзларига ёқкан нарсани сотиб олишларини эсланг, нимадир ёққани, нимадир исталгани учун соғлом фикр ва мантиқа зид ҳолатда харид қилинади. Бундай ҳолатлар сиз билан ҳам юз бергани ҳақиқатдан йироқ эмас. Френк Беттжер бу мавзуда қуйидаги ажойиб бир фикрни билдирган: «Дунёда кимнидир нимадир қилишга ундашнинг ягона усули мавжуд.

Шундай қилиш керакки, бошқа одамҳамшундай қилишни хоҳласин». Сиз бирор одамга унга керакли нарсани кўрсатсангиз, у бунга эришиш учун барча имкониятларини ишга солади. Бу савдо санъатининг асосий сири. Мижозга нима кераклигини билиш ва унга бу нарсани қандай кўлгакиритаолишида ёрдамбериш керак. Талабни топинг ва уни қондиринг. Агар сиз мижозингизга бирор нарсани топиши ёки бирор нарсага энг яхши йўл билан эришиши учун чин дилдан ёрдам бермоқчи бўлсангиз, учрашув вақтида бу ҳақда айтишдан уялманг. Мижозингиз сизнинг у томондалигингизни тушинсин ва ишонсин. Агар сиз унга 2-3 долларни тежаб қолишида ёрдам берсангиз, ишончига кира оласиз. Ишончнинг бу йўли сиз учун қимматроқ, аммо қоплайди. Бу билан тармоқ маркетинги сотувчи ва харидор ўртасидаги дағалликни биринчи бор бартараф этиб, сотувчи мижоз учун маслаҳатчи, йўл-йўриқ кўрсатувчи, шу билан бир қаторда, дўстга ва доимий мижозга айланади.

Мижозларни қаердан оламиз?

1. Биринчидан, бизнинг машҳур «Танишлар рўйхати». Рўйхатда ва унда бўлмаган танишлар.



Балки бекатда анчадан бери учрашмай кўйган танишимиз учраб қолар.

2.Уй тўгараклари дастурхон атрофидаги учрашувлар мижозларни топишнинг энг ажойиб усули.

3.«Илтифотсиз алоқалар».

4.Рекламанинг турли кўринишлари, газета ва симёғочлардаги эълонлар, рекламанинг сиз биладиган бошқа турлари.

5.Ижтимоий тўловлар. Анкета билан ишлаш.

6.Телефон орқали савдолар.

7.Корхона ва жамоалардаги сухбат, маъруза ёки бошқа чиқишилар. Бу маърифий ишларнинг бир тури. Сиз маълумот берасиз ва назарий жиҳатдан мижозлар пайдо бўлиши мумкин.

8.Ишнинг яна бир тури «Саломатлик куни» ёки «Мижозлар куни» каби шакли ҳам мавжуд.

9.Одамлар орасида баланд овозда гапириш ёки бирортанинг сухбатига кўшилиш.

10. Одамларни ўз маҳсулотларингиз билан меҳмон қилиш.

11. Уйингизда ўз маҳсулотингиз кўргазмасини ташкил қилиш.

12. Кичик имконият туғилди дегунча, барча жойда ҳамиша маҳсулотингизни кўрсатиш.

Совдо-сотиқ пайтидаги сухбатнинг принципиал тузилиши:^{*}Алоқа ўрнатиш. ^{*}Талабни аниқлаш. ^{*}Маҳсулотни кўрсатиш, изоҳлаш, унинг устунликларини таърифлаш. ^{*}Савол ва эътирозларга жавоблар. ^{*}Битим тузиш.

Энди юқоридаги ҳар бир бандга алоҳида, кенгрок тўхталиб ўтамиш. 1.Алоқа ўрнатиш. Мижознинг эътиборини ўзингизга қаратиш ва ишончини қозониб, уни ушлаб колишга харакат қилиш зарур. Касбининг устаси

бўлган сотувчилар сухбатни бошлашда турли ибораларни ишлатишга уста бўлишади. Уларни топинг ва улардан ўрганинг! Бу уйга вазифа ва алоҳида амалий тренинг мавзуси. Мижозни унинг харидидан манфаатдорлигингиз ва унга дўст эканлигингида ишонтиринг. Шу пайтда ҳатто хушомад сингари методларни ҳам қўллаш мумкин. Асосийси, бу самимий чиқиши лозим. Агар таъкидлаш зарур бўлган бирор яхши нарса бўлса, буни мамнунлик билан бажаринг. Учрашув муҳити эркин бўлиши керак. Бу катта мажлислардан кўра, юзма-юз сухбатларда осонроқ кечади. Шунингдек, алоқа ўрнатиш учун тавсияларни тақдим этиш, сизни мижоз билан таништирган одамлардан фойдаланишингиз мумкин. Буни «химоя гувоҳларини тақдим этиш» деб атасаб бўлади. 2. Талабни аниқлаш. Жуда муҳим ва асосий босқич. Агар талабни аниқласангиз, албатта, уни қондириш мумкин. Бунда мижоз, сухбатдошингиз айнан нимани истаётганини аниқлаш лозим. Яна бир нарса, тинглай олишни ҳам билиш керак. Мижозларнинг муаммоларини тинглайдиган одамлар кам, шунинг учун ҳам сиз уларни диққат билан тингласангиз, миннатдор бўлишади ва бир қадам сиз томон Аммо сухбатдошингизга ўзингиз билган ахборотнинг барчасини бирдан айтишга шошилманг, олдин унга нима кераклигини аниқланг. Акс ҳолда бош оғриғига нима дори ичиш кераклигини билгани келган одамга, тармоқ маркетингида қандай килиб кўп пул топиш мумкинлигини уқтираётган бўласиз. Савол беришни ўрганинг, сухбат орасида саволлар беришга ва бу саволларингиз сухбатингизга уйғуналашиб кетишига эришинг. Агар билсангиз, савияли саволга, савияли жавоб



олишмумкин. Бу орқали албатта, талабни аниклаб, самарали битимга эришасиз. 3. Махсулотни кўрсатиш. Унинг устун жиҳатларини таъкидлаш ва исботи билан гапириш керак. Мана шу ерда, маҳсулот ҳақида тўлиқ маълумотга эга лигингиз асқотади. Бу шахсий натижалар бизнеси. Агар сиз ўз маҳсулотингиздан фойдаланмасангиз, у ҳақида таассуротингиз бўлмаса, мижозингизда ишонч уйғота олмайсиз. Щу билан бир қаторда, қариндошлар, бошқамижозлар, ҳамкасларингиз, дистрибьюторлар ёки уларнинг мижозларининг, умуман олганда, 50 тагача бўлган муносабатни ёзиб олиш ёки ёдда сақлаш лозим. Мижозга бир марта бир нарсани сотиш учунгина ҳаракат қилмасдан, уни доимий мижозга айлантиришга ҳаракат қилиш керак. Мижознинг манфаати ҳам муҳим. Маҳсулот, албатта, қўлингизда бўлиши лозим. Бу реклама ва синаб кўриш учун муҳим. Агар келишув амалга ошса, шу заҳотиёқ маҳсулотни мижозга бериш жудаям зарур. Мабодо, сиз маҳсулотни беришни муайян вактга қолдирсангиз ёки келишувдаги молни тақдим эта олмасангиз, унда сиз йўқ нарсани реклама қилаётгандай бўлиб қоласиз ва ишончи йўқотасиз. Яна бир нарса, агар қўлингизда маҳсулотсиз сотувга чиққан бўлсангиз, мижозингизда, маҳсулотингиз сотилишига ўзингиз ишонмайсиз ва сифатига ҳам кафолат бера олмайсиз, деган фикр уйғониши мумкин. 4. Таклиф қилаётган маҳсулотингиз сифати ва яхшилигига ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз, уни ёқтиришингиз, у билан фаҳрланишингиз керак. Тармоқ компанияларининг яна бир сири тармоқ орқали факат энг яхши, энг замонавий, энг гаройиб маҳсулот савдосини йўлга

қўйишидадир. Кундан-кунга истеъмолчилар олаётган маҳсулотлари ва кўрсатилаётган хизматларнинг юксак даражада бўлишини талаб этишмоқда. Шундай экан, биз таклиф қилаётган хизмат ва маҳсулотлар мижозни кувонтириши, унинг ҳаётини ўзгартириб юбориши лозим. Савол туғилиши мумкин, хизмат ва маҳсулот ўта олий даражада, аммо нега ҳамма маҳсулот ҳам сотилмайди? Яна битта сир, чунки маҳсулот сотувчи одамлар, керакли жойда, зарурый пайтда, тегишли одамларга тегишли сўзларни айтиш имкониятларини қўлдан чиқаришяпти.

5. Савол ва эътиrozлар. Эътиrozлар рад этиш билангина боғлиқ бўлмайди. Эътиroz аслида жавобсиз қолган бир ёки бир нечта саволларга асосланган бўлиши мумкин. Умуман бу, жавобсиз қолган савияли саволлардир. «Менга қўшимча ахборот беринг», «Мени бу нарсанинг зўрлигига ишонтиринг» сингари. Агар сиз мижозингизнинг шунга ўхшаш саволларини шакллантиришга ёрдам берсангиз ва унга аниқ жавобларни айтиб, ишонтира олсангиз, битимда ютиб чиқдим, деб айта оласиз.

6. Битим тузиш. Бу босқич ҳам жуда муҳим саналади. Битим самаранинг якуни, агар якун ясамаган бўлсангиз, барча ҳаракатларингиз чиппакка чиқиши мумкин. Баъзан самарали якун ясаш учун биргина сўз ортиқча ёки кам бўлиб қолади. Айнан ўша сўз, иборани топишни, жойида қўллашни ташлашади. Френк Беттжер: «Агент жуда кўп нарсани била олмайди, у кўп гапира олади», дейди.

Аммо сухбатдошингизга ўзингиз билган ахборотнинг барчасини бирдан айтишга шошилманг, олдин унга нима кераклигини аниқланг. Акс ҳолда бош оғриғига нима дори



ичиш кераклигини билгани келган одамга, тармоқ маркетингида қандай қилиб кўп пул топиш мумкинлигини уқтираётган бўласиз. Савол беришни ўрганинг, сухбат орасида саволлар беришга ва бу саволларингиз сухбатингизга уйғунлашиб кетишига эришинг. Агар билсангиз, савияли саволга, савияли жавоб олиш мумкин. Бу орқали албатта, талабни аниклаб, самарали битимга эришасиз. **3.Маҳсулотни кўрсатиш.** Унинг устун жиҳатларини таъкидлаш ва исботи билан гапириш керак. Мана шу ерда, маҳсулот ҳақида тўлиқ маълумотга эгалигингиз асқотади. Бу шахсий натижалар бизнеси. Агар сиз ўз маҳсулотингиздан фойдаланмасангиз, у ҳақида таассусуротингиз бўлмаса, мижозингизда ишонч уйғота олмайсиз. Шу билан бир қаторда, қариндошлар, бошқамижозлар, ҳамкасларингиз, дистрибьюторлар ёки уларнинг мижозларининг, умуман олганда, 50 тагача бўлган муносабатни ёзиб олиш ёки ёдда саклаш лозим. Мижозга бир марта бир нарсани сотиш учунгина ҳаракат қилмасдан, уни доимий мижозга айлантиришга ҳаракат қилиш керак. Мижознинг манфаати ҳам муҳим. Маҳсулот, албатта, қўлингизда бўлиши лозим. Бу реклама ва синаб кўриш учун муҳим. Агар келишув амалга ошса, шу заҳотиёқ маҳсулотни мижозга бериш жудаям зарур. Мабодо, сиз маҳсулотни беришни муайян вақтга қолдирсангиз ёки келишувдаги молни такдим эта олмасангиз, унда сиз йўқ нарсани реклама қилаётгандай бўлиб қоласиз ва ишончни йўқотасиз. Яна бир нарса, агар қўлингизда маҳсулотсиз сотувга чиқкан бўлсангиз, мижозингизда, маҳсулотингиз сотилишига ўзингиз ишонмайсиз ва сифатига ҳам кафолат

бера олмайсиз, деган фикр уйғониши мумкин.

4.Таклиф қилаётган маҳсулотингиз сифати ва яхшилигига ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз, уни ёқтиришингиз, у билан фахрланишингиз керак. Тармоқ компанияларининг яна бир сири тармоқ орқали факат энг яхши, энг замонавий, энг ғаройиб маҳсулот савдосини йўлга қўйишидадир. Кундан-кунга истеъмолчилар олаётган маҳсулотлари ва кўрсатилаётган хизматларнинг юксак даражада бўлишини талаб этишмоқда. Шундай экан, биз таклиф қилаётган хизмат ва маҳсулотлар мижозни кувонтириши, унинг ҳаётини ўзгартириб юбориши лозим. Савол туғилиши мумкин, хизмат ва маҳсулот ўта олий даражада, аммо нега ҳамма маҳсулот ҳам сотилмайди? Яна битта сир, чунки маҳсулот сотувчи одамлар, керакли жойда, зарурий пайтда, тегишли одамларга тегишли сўзларни айтиш имкониятларини қўлдан чиқаришяпти.

5.Савол ва эътиrozлар. Эътиrozлар рад этиш билангина боғлиқ бўлмайди. Эътиroz аслида жавобсиз қолган бир ёки бир нечта саволларга асосланган бўлиши мумкин. Умуман бу, жавобсиз қолган савияли саволлардир. «Менга қўшимча ахборот беринг», «Мени бу нарсанинг зўрлигига ишонтиринг» сингари. Агар сиз мижозингизнинг шунга ўхшаш саволларини шакллантиришга ёрдам берсангиз ва унга аниқ жавобларни айтиб, ишонтира олсангиз, битимда ютиб чиқдим, деб айта оласиз.

6.Битим тузиш. Бу босқич ҳам жуда мухим саналади. Битим самаранинг якуни, агар якун ясамаган бўлсангиз, барча ҳаракатларингиз чиппакка чиқиши мумкин. Баъзан самараали якун ясаш учун биргина сўз ортиқча ёки кам бўлиб қолади. Айнан ўша сўз, иборани топишни,



жойида қўллашни ўрганишимиз керак. Доим қўллашга тайёр бўлишимиз, қолаверса, машқ қилиб туришимиз лозим. Агар сухбат чоғида бирор ножўя сўз айтиб юборсангиз, сухбатни тўхтатманг, бошқа сўзлар билан ўша хатонгизни ёпиб кетишга ўрганинг. Шунда мижоз 10 тадан 9 та ҳолатда сизнинг хатонгизни пайқамайди, пайқаган бўлса-да давомий сухбат чоғида буни унитиши ҳам мумкин. Мабодо ишни борбод қилган бўлсангиз, (шундай бўлиши эҳтимолдан холи эмас) ўзингизни айблаб зинҳор тушкунликка тушманг. Яхшиси, ўзингизга қуидаги сўзларни айтинг: «Мен нуқсонсизман, дея олмайман» ёки «Ҳар ҳолда ниманидир тўғри қилдим», «Бунинг ҳаммасини хато деб бўлмайди». Қайтарамиз, ўзингизни танқид қилиб ҳеч койиманг, яхшиси, сухбатдаги омадсизлигингизни оқилона таҳлил қилинг, нимада, қаерда хато қилдингиз, шу вазиятларни топинг ва бунга эришсангиз, келгуси ишларингизда ўзингизга аскотади. Аксинча, вазият муваффақиятли кечиб, битим амалга ошганда нима қилиш кераклигини ҳам кўриб чиқсак, фойдадан холи бўлмас. Айнан шу ердан энг асосийси бошланади. Бу охири эмас, балки бошланишидир, биз мижозимиз учун, гўё оила шифокори, саводли маслаҳатчи, «зўр қулок» лақабли дўстга ҳам айланишимиз лозим. Бу эса тармоқчининг дорихона, дўкон ёки бозордаги сотувчидан фарқли томонидир. Тармоқ маркетингининг янабир сири: ўз мижозини асрabbavailashi, ardochlaishi kerak, албатта, савдодан кейинги «сервис» маҳсулот таннархига киради. Тармоқ компаниялари айнан шунинг учун ҳақ тўлашади. Буларнинг ҳаммаси ўзини оқлади ва қоплади, чунки қониқиши ҳосил қилган мижоз

— доимий мижоздир. Бу «тавсия этиладиган мижозлар» деб номланадиган янги алоқаларга чиқишимкониятидир. 7. Мижозни назорат қилиш. Мижозни назорат қилишни ўрганиш лозим. Бу билан албатта, ўзингизга ёқадиган натижага эришасиз. Мижозни назорат қилишнинг нима эканлигига бандма-банд тўхталиб ўтамиз. *Илк сұхбатдаёқ мижозингизга эътибор қаратинг, қизиқиш билдиринг ва хушмуомала бўлинг. Барча муаммоларни аниқланг ва ёзиб олинг. Сиз ўз ишингизга жиддий ва устамонлик билан ёндашинг. Шундай қилсангиз, мижозда ижобий таассурот қолдирасиз. *Организмни тозалаш ва қайта тиклаш дастури чоида касалликларнинг кўзғаши, кутилмаган ҳолат ва соғлиқнинг вақтинчалик ёмонлашуви кузатилишини, албатта, айтинг. Бу маҳсулотнинг «ташис қўйиш вазифаси»дир. У биринчи навбатда аҳвол яхши бўлмаган жойдаги тизимни мувофиқлаштиришдан бошлаб, организмдаги ёпиқ муаммони аниқлаши мумкин. Бу ҳакда мижозга гапириб беринг ва бу аломатлар баён қилинган қўлланмани унга беринг. *Қандай вақт оралиғида ва қандай вазиятда назоратни амалга оширишингизни белгилаб олинг. Яъни қандай алоқа ўрнатишингиз ҳақида келишиб олинг. Эътиборни хуш кўрмайдиган мижозлар ҳам бўлиб, бу ҳолда улар керак бўлганда ўзлари қўнрироқ қилишларини айтишса, ўз холларига қўйинг. Айрим мижозлар эса акси, уларни силаб-сийпалаш керак, улар сизнинг қўллаб-кувватлашингизга ва ширин сұхбатингизга муҳтож. *Дастур бошланганидан кейин иккинчи куни қўнрироқ қилинг ва унинг тасаввурлари ҳақида сўранг. Бу ҳам тармоқнинг



кичик сири: кўп ҳолларда мижоз маҳсулотни очиш ва дастурни ўрганишни унутади, унга бу ишни қўнгироғингиз билан ёдига солиб, ёрдамлашган бўласиз. *Кейинги алоқани дастур бошланганидан сўнг 3-4 кун ўтгач ўрнатинг. Организмдатозаланиш бошланиб, аломатларнинг кучайиши намоён бўла бошлайди. Кўп ҳолларда одамлар чўчиб, сизнинг тушинтирганингизга қарамай, маҳсулотни қабул қилишни тўхтатиб қўйишади. Бу руҳиятнинг ўзига хослигидир. Бу пайтда мижозингизга барчаси режа асосида бораётганини тушинтиринг ва у ёлриз эмаслигини уқтириб қўйинг. *Кейинги алоқа шу сабаб бўйича етти кундан ўн кунгacha бўлган муддатда амалга оширилади. Бунда натижалар намоён бўлади, кучайиш чўққига чиқиши мумкин ва сиз мижознинг ёнида бўлишингиз, унга мадад бўлиб, буни биргаликда енгишингиз керак. *Дастур бошланганидан сўнг 3-4 ҳафта ўтиб илк ижобий натижалар пайдо бўла бошлайди ва мижозга буларни сезишга ёрдам бериш лозим. Инсон руҳиятининг хусусиятлари ажойиб бўлиб, яхши нарсага тез кўникамиз, аммо баъзан жуда муҳим, майда нарсаларни эътибордан қочирамиз. Сиз ҳатто маҳсулот таъсир қилмагани ҳақидаги таъкидни ҳам эшитишингиз мумкин, ана шунда дастур бошидаги ёзувларингиз кўл келади. Ушбу босқичда мижознинг дастурни давом эттириши ҳақида, яъни биз унга иккинчи ва учинчи маҳсулотни тавсия этиб, уни доимий мижозга айлантиришимиз мумкин. Ёхуд уни маслаҳатчи сифатида танишириш, янги мижозларга маҳсулотни тавсия этиш ҳақидаги имкониятлар тўғрисида гапириб, мижозлар тармоги ёки «тавсия этиладиган мижозлар»ни

**Бир кўзли қирол ёки саёҳат бошланади
шакллантирамиз.**

Уйга вазифа

*Овқатланишни яхшилаш чоғидаги пайдо бўладиган аломатлар ҳақидаги қўлланмани ўрганиб чиқинг. Мижозларга айтиб бериш ва аломатлар пайдо бўлиш вақтини назорат қилиш учун сиз уларни яхши билишингиз керак.

*Суҳбатни бошлиш учун иборалар қўллаш, ўйлаб топиш ёки лидердан эшишиб олиш. Бу эътиборни қозонишдаги биринчи қадамdir.

*Шу тарзда суҳбатда битим тузишни якунлаш учун ўз вариантларини топиш. Ўзининг «айёр» саволлар ва эътиrozлар руйхатини тузиш. Айни вақтда йўлга кўйилган шундай саволлар мавжуд, лекин ўзингизникуни тузсангиз, машғулотлар пайтида уларни таҳлил қиласиз.

* Бесамар ўтказилган учрашувни таҳлил этиш ва кейинги учрашувларнинг режасини тузиш. Ўзини койимасликни ўрганиш.

*Гапиришга нисбатан эшитишни машқ қилиш. Ҳар қандай шароитда ўзини тута билишни ўрганиш. Суҳбат давомида самимий ва самарали саволлар беришга ўрганинг.



ОЛТИНЧИ МАШГУЛОТ

Мавзу: Уй тўгараклари, дастурхон атрофидаги учрашувлар. Уй тўгаракларининг турли шакллари ва схемаси. Сотувлар ва рекрутациялар учун умумий режа. «Алоҳида чизма». Уй тўгараклари, деганда нимани тушунамиз? Жон Каленч буни: «Бизнеснинг кичик миқёсдаги катта тақдимоти» деган. Бу пайтда ишнинг асосий қисми энг аввало ҳомий зиммасига тушади. Уй тўгаракларининг асосий вазифаси – бу оддий воқеалар содир бўлувчи муҳитни яратиш демакдир. Бу ҳақиқатда оддий, бироқ тармокда маркетингнинг катта сири. Бизнинг шароитда уй тўгараклари – бу ишнинг энг яхши шаклларидан бири.

Келинг, нима учун шундайлигини кўриб чиқайлик:

*Сиз одамларни уйингизга таклиф этасиз, шундажойга ҳақ тўлашингизга ҳожат бўлмайди.

*Уй тўгаракларига бир кишидан кўпроқ (ҳам учта, ҳам тўртта, ҳам бешта) одамни таклиф этиш мумкин. Кўпчилик билан иш самарадорлиги ошади.

*Нафақат ҳомийнинг, балки бошқа одамларнинг билим ва ёрдамларидан фойдаланиш ҳамда бошқаларга ёрдам беришни ўрганиш мумкин.

*Уй тўгараклари жамоа тузиш, жамоа бўлиб ишлашни руҳан шакллантиради.

*Уй тўгаракларида, яхши ишлашга имкон берувчи эркин, демократик шароит мавжуд.

*Уй тўгаракларида барча саволларга жавоб бериш мумкин.

*Маҳсулотни кўрсатиб, фойдаланса ёки татиб кўрса бўлади.

*Бошдан кечирганларини ва шахсий натижаларини очик-ойдин гапириш осонроқ.

*Сотув ва битимларни ҳам амалга ошириш мумкин.

*Уйда янги дистрибуторларни ҳам ўргатса бўлади.

Энди уй тўгаракларининг турлари ҳақида гаплашамиз, лекин ҳар қандай вазиятда ҳам сизни учрашувингиз бешта асосий саволга жавоб бериши лозим: 1.Бу бизнес оддийми? 2.У қизиқарлими? 3.Бунда пул ишлаб топиш мумкинми? 4.Менга ёрдам беришадими? 5.Хозир бу бизнесни бошлишим учун қулай вақтми? Бу саволларга уйдаги тўгарак шароитида умумий саъй-харакатлар билан юмшоқ ва мажбурий бўлмаган тарзда жавоб бериш мумкин.

Уй тўгаракларини қаерда ўтказиш мумкин?

Назарий жиҳатдан қаҳвахонада ҳам, агар у кичик ва шинам бўлса. Лекин бу таклиф этилганлар зиммасига масъулият юклайди: унинг учун сарф-харажат қилинганини барча яхши билгани туфайли хотиржам ва бир-бирига ишонч муҳити юзага келмайди. Яхиси, буни уйда ўтказган маъқул. Столда чой ёки кофе ҳамда чой учун турли нарсалар (печенъелар, пироглар, тешиккулчалар, бутербродлар, пирожнийлар, мевалар) бўлиши мумкин. Буни уй шароитида тайёрлаш ҳам, дўкондан келтириш ҳам мумкин, лекин буни



турли инсонлар тайёрласа, ундан ҳам яхши. Барча озгинадан келтирса, яхшигина байрам столи бўлади. Уй эгасининг вазифаси – чой тайёрлаш. Спиртли ичимликларни таклиф этиш мумкинми? Айтайлик, шампан виноси ёки бирорта енгил вино. Зинхор мумкин эмас!

Тармоқ компаниялари халқаро ассоциацияси президенти Дорис Вуд шундай деган: «Агар сиз спиртли ичимлик таклиф этмасангиз, сизни тўғри тушунишади, мабодо уни таклиф этсангиз, сизни нотўғри тушунишлари мумкин». Энди эса яна бир сир. Ўз уйингиздаги уй тўгарагида меҳмонларни уй кийимида кутиб олиш мумкин эмас. Меҳмонларни йиғиширилмаган уйда кутиб олиш ҳам мумкин эмас. Меҳмонларингиз биринчи қадамиданоқ жуда қадрли меҳмонларни кутаётганимизни кўриши ҳамда тушуниши лозим. Байрамона муҳит. Агар эски танишларингиз бўлса, бирор янги нарсани, ҳаётингизнинг, ташки кўринишингизнинг, хонадонингизнинг яхши томонга ўзгарганини сезишсин. Агар уйингизни европа усулида таъмирлашга ҳали маблафингиз бўлмаса, хижолат бўлманг, бу шарт эмас. Ўтказиш вақти: яхвиси кечки олти-еттиларда, лекин учрашув куни ва жойини аниқ белгилаш зарур. Қанча одам бўлиши мумкин? Икки-уч нафар дистрибьютор, уч-беш нафар таклиф этилганлар, жами олти нафардан ўн нафаргача одам. «Дастурхон атрофидаги учрашув» кассетасида қуйидагилар тавсия этилади: бир нафар ҳомий, бир нафар дистрибьютор, уч нафар таклиф этилганлар, бу ҳам бир

вариант. Мехмонларни имкон қадар аралаш ўтқизиш керак, сабаби янги одамлар ёнма-ён ўтирумасдан, сухбат давомида ўз ҳомийларига саволлар беришсин.

Энди эса уй тўгаракларининг асосий турларига ўтамиз. Биринчи схема – бу сотувлар учун уй тўгараги. Бунинг қандай хусусиятлари бор? *Бу уй тўгарагида сухбат дастурхон атрофида шунчаки ўтказилади. Сиз ҳали одамларни бизнес бўйича сухбатга чорлашни ўрганмагансиз, бунинг устига бирор нарсани сотишга таклиф қилиш ҳам оғир, уяласиз.

Биз сизга таклиф этишнинг бир неча вариантларини тавсия этамиз: *«Пайшанба куни уйимга меҳмонлар келади, чой ичишга кир, ўйлайманки, сен учун ҳам қизиқарли бўлади...» *«Мен ўзим учун ажойиб косметика топдим, уни харид қилмоқчиман, лекин бирор киши билан маслаҳатлашишим лозим. Нархлашга ёрдам бериб юбор...» *«Менга соғломҳаёт тарзи ва муаммоларимни ҳал қилиш учун қизиқарли нарсаларни таклиф этишяпти. Пайшанба куни шулар ҳақида гапириб беришади, меникига келиб эшит...». *Адабиётда қуйидагича вариантни ҳам беришган: «Янги куйлак сотиб олдим, меникига келиб кўр, мақтанмоқчиман». Бу сингари таклифлардан эҳтиёт бўлинг. Бундай таклифдан сўнг қўшнингиз уй кийимида кириши ҳам мумкин. Агар у меҳмонларнинг кўплигига, уларнинг яхши кийимдалигини кўрса, у ўзини алданган ҳисоблаб, ўзини йўқотиб қўйиши ва ранжиши ҳаммумкин. Уй тўгараги тингловчисидан маҳрум

бўлишингиздан ташқари, яхши қўшнингизни йўқотишингиз ҳеч гап эмас. *Албатта, хиссиёт билан гапиринг, 80% хиссиёт, 20% ахборотни эсланг. Промоушен моҳияти – қизиктириш бўлиши лозим.

Уй тўгарагида, албатта, реклама сифатида фойдаланиб ёки татиб кўриш ва сотиш учун маҳсулот бўлиши зарур. *Ўз натижаси, тарихини, албатта, гапириш ҳамда кўпгина бошқа натижа ва воқеаларни захирада сақлаб туриш лозим. *Ўзингиз бу маҳсулотдан фойдаланаёт-ганингизни кўрсатиш учун маҳсулотингиздан бирор нарсани барчанинг олдида исътемол қилиб кўрсатинг, бу билан унинг қандай қилинишини ҳам намойиш этган бўласиз. *Ким компания дистрибутори экани ва у билан фахрланишини, ким бу қадамни қўйишга ҳаракат қилаётгани билиниб туриши учун, албатта, ўз компаниясининг кўкрак нишонини тақиб олиш зарур. *Натижалар бўйича фотосуратлар альбомига, воқеа ва тақдимотлар фотоальбомига эга бўлиш ҳамда уларни кўрсатиш лозим. *Суҳбатдакимиштирок этиши ва ҳар бир киши айнан нима ҳақида сўзлаши тўғрисида аввалдан келишиб олиш мумкин. Бу суҳбатда кўп дистрибуторларнинг навбат билан иштирок этишига имкон беради. *Уй тўгарагида ишончли демократик муҳит осон юзага келади. *Мулоқот шакли – кўп саволлар бериб, уларга жавоб олиш. Иккинчи схема – «расмий» – Рекрутация учун уй тўгараги. «Расмий» чизманинг асосий хусусияти лидер иштирок этади. *Мехмонлар аввалдан

жиддий инсон билан жиддий сухбатга таклиф этилади. *«Самимий» доирада ишлаймиз, бош лидернинг зўр «савдо»сиға гувоҳ бўламиш. *Промоушен қилишни машқ қилинг. Вазифа – лидерни шундай таърифлаш керакки, у билан бўладиган учрашувга ҳеч ким келмай қолмасин. Агар буни учрашувгача қила олмасангиз, лидер вақтининг бир қисмини ўзини таниширишга ва аудитория эътиборини қозониш учун сарфлашига тўғри келади. Рекрутация учун уй тўгараги промоушени вариантларини тавсия этамиш: *«Манфаатли тижорат таклифини олдим, менга сенинг маслаҳатинг керак». *«Сенда молиявий муаммолар (ишда нохушликлар) юзага келганини эшитдим. Сенга қизиқарли иш таклиф этмоқчиман». *«Сени ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборган одам билан таништирмоқчиман. Балки сенга ҳам унинг бирор ёрдами тегар. Ҳеч бўлмаганда, ажойиб одам билан танишиб оласан». *«Расмий» уй тўгарагида биринчи бўлиб лидерни, сўнгра бошка барча меҳмонларни лидерга таниширамиз, чунки сухбатни исосан лидер олиб боради. *Дастурхонни яхиси тақдимотдан сўнг безаш лозим. Лидер кечиккани учун эмас, балки шундай келишилгани учун. Ҳаммадан сўнг келгани бундан мустасно. Бу ҳолда дастурхон безалган ва меҳмондорчилик бошланган бўлади. Лидер кириб келиши билан эса танишиш учун эътибор жалб қилинади. *Аввалдан салбий муносабатда бўлган одамларни олиб келманг, ўз ҳомийингизга бирор нарсаларни ўргатишга



уринманг. Битта «тиррақи бузоқ» бутун учрашувни барбод этиши мумкин. Агар салбий муносабатда бўлганлар иштирок этаётган бўлса, уларни бирданига фош қилган маъқул.

Мақсад, талаб ва изоҳни аниқлашга ёрдам берадиган бир нечта саволларни таклиф этамиз:

1. Кай бирингиз ҳаёт тарзингизни ўзгартиришни истардингиз? (Деярли барча тасдик жавобини беради).

2. Сиз буни қандай амалга оширмоқчисиз? (Натижага эришиш учун муайян ҳаракатларни бажариш кўзда тутилади).

3. Муайян натижага эришиш борасида қандай фикрдасиз?

4. Бу нимага боғлиқ? (Менинг ишга бўлган муносабатимга).

5. Сизнинг муносабатингиз нимадан келиб чиқади? (Шахсий руҳиятимдан: бошқача фикр юрита бошлашдан). Шуниси қизиқарлики, бу саволлар тести ҳисобланади: бу ерда «салбий муносабатлилар» зерикади ва кета бошлайди. Улар билан илиқ ва хайриҳоҳлик билан хайрлашинг. Қолганлар билан тақдимот ўтказамиз. Ахборотнинг бир қисмини (маҳсулот, маркетинг режа) лидернинг қарорига кўра дистрибуторга ишониб топшириш мумкин. Маркетинг режа ҳақида яхшиси метафора билан гапириш лозим. Масалан, тармоқнинг тузилиш дарахтини ўстириш билан ёки жамоа тузишни китоб, фильм, яъни бирор янги нарсани яратиш билан қиёслаш. Агар рақамлар берилса, одамлар

хотирада уларни ҳисоблай бошлашади ва ахборотдан четга чиқиб кетишади. Тақдимот тугаганидагина, саволларга ўтиш мумкин. Бу схема бир оз кескинроқ бўлиб, биз у ҳақида бўлажак бизнесменлар билан гаплашамиз.

Суҳбат якунлангач, яна бир неча қадам ташлаш лозим бўлиб, улар 1- ва 2-схемаларга жуда ўхшаб кетади. 1.Жон Каленч тавсия этади: «Янги учрашувдан сўнг барча потенциал мижоз ва шериклар қониқиши ҳосил қилиши учун барча ишни консультант ўз зиммасига олади», яъни ишни таклиф этган давом эттиради. 2.Қарор қабул қилиши ёки қилмаслигидан қатъий назар, янги одамларни уйга биргаликда кўйиб юборманг. Улар бир-бирига саволлар бериб, ўзининг ишончсизлигини суҳбатдошига тўкиб солади. Биргаликдаги шошилинч қарор қабул қилинмаслиги учун зарбани ўзингизга олинг – таклиф этган одамларингизни ҳеч бўлмаса автобус бекатигача кузатиб кўйинг. 3.Хайрлашиш чоғида уларга жавоб олиши мумкин бўлган бошқа тўгараклар, тақдимотлар, ҳомий билан шахсий учрашувларни қачон ва қаерда бўлишини айтинг. Хусусан, таъкидланган жадваллар бўйича уй тўгаракларининг ўтказилиши айнан шу кўринишида камдан-кам ҳолларда бўлиши мумкин. Қолган барча учрашувлар бу икки қутбнинг варианлари ҳисобланади. Жон Каленч таъкидлайдики, агар барчаси тўғри бажарилган бўлса, ундаги асосий лидер бир ойдан сўнг фақат маҳсус меҳмон бўлиб қолади, холос. Энди сизни консультантингиз



ва балки унинг бир ёки бир неча янги ходими тақдимот ўтказиши ўз зиммаларига олишади. Нима учун? Машғулот бошига қайтинг ва таҳлил қилиб кўринг, уй тўгараги давомида сиз бешта асосий саволга жавоб бердингизми? Учинчи схема – «алоҳида» тармоқчилар учун. Бизнесмен. Кўпгина сабаблар туфайли бундай одамни уй тўгарагига таклиф этиш қийин. Бундай сухбатдошни яхиси, ҳомий ёки катта лидер билан шахсий учрашувга таклиф этиш лозим. Тармоқчи. Ҳозирда тармоқ компаниясида ишламокда, лекин бу ерда унга нимадир ёқмаяпти, қайсиdir иши юришмаяпти. Унга айнан нима ёқмаётгани ва нима учун ниманидир ўзгартирмоқчилигини билиш қийин. Тармоқчилар учун уй тўгарагининг хусусиятлари. *Ўз компаниясининг яратилиш тарихини сўзлаб бериш. Ўз лидерларини яхши билиш. *Тармоқ ривожи ва «учинчи тўлқин» компаниялари хусусиятини яхши билиш, ўз компаниясининг бу бизнесдаги ўрнини таъкидлаш. *Талаб, умид, изоҳлаш савиясини жуда батафсил аниқлаш, у ўз компаниясида тополмаганини шу ерда кўриши учун айнан сизнинг компаниянгиз келажагини очиб бериш. *Ўзи ҳақида сўзлаб бериш. Компаниялар масаласида, зинхор «яхши-ёмон»нинг муҳокамасига берилмаслик. *Бегона нарсалар ҳақида гапиришга, ўзингизни баҳсга тортишларига имкон бермаслик керак. *Тақдимотга ушбу асосий масалаларни аниқлагандан сўнг ўтиш лозим. Маркетинг режани батафсил, рақамлар, жадваллар

билин бериш керак. Майли, буни тармоқчи хисоблаб борсин. Аммо кимники яхшилигини таққосламаслик керак. Чунки сиз унинг бизнес режасини яхши билмаслигингиз ва унинг кўз олдида ютқазишингиз мумкин. Ахборотни хаққоний ва батафсил етказинг. Таққослашни унинг ўзи учрашувингиздан кейин амалга ошираверади.

Сир !!!

Суҳбатнинг якунидан қатъий назар – тармоқчини хурмат қилиш лозим, ҳеч бўлмаса, бу одам хусусий тадбиркор фойдасига бўлса-да, ўз хулосасини чиқаргани ва ҳаётини энди ўзи кураётгани учун. Агар сизнинг жамоангизда бўлмаса, унинг иштирокидан фойдаланинг ва сизни бу ахборот фойдали бўладиган одамларга таништиришини сўранг. Профессионаллик билан дўстона муносабатларни саклаб қолинг.

Уйга вазифа

*Дастурхонга таклиф этиш. Уй тўгарагида сотувлар учун промоушенни машқ қилинг, варианtlарни кўпайтиринг.

*Рекрутация, бизнес ҳақидаги жиддий суҳбатга ва уй тўгаракларига таклиф этиш учун варианtlарни ишлаб чиқиш. *Ўз тарихингиз ва натижаларингизни гапириб беришга тайёргарлик кўриш.

*Умумий суҳбатда иштирок этиш учун маҳсулот, экология, маркетинг режа ёки бошқа бирор мавзу бўйича ўз кичик чиқишингизни тайёрланг. Суҳбатга иштирокингизни ўз



хомийингиз билан келишиб олинг.

*Асосий бешта саволга жавоб бериш учун ўз вариантларингизни ҳомий билан муҳокама қилинг.

*Уй тўгарагини сизницида ўтказиш кунини белгиланг. Буни иш жадвалингизга киритишингизни ҳам ҳомийингизга айтинг.

*Жамоанинг бошқа аъзолари уй тўгаракларини қачон ўтказишларини аниқлаб олинг ва албатта, уларда иштирок этинг.



ЕТТИНЧИ МАШГУЛОТ

Мавзу: Классик ва индивидуал тақдимот, фарқлари, мақсад ва вазифалари. Тақдимот (презентация) сўзининг гўзи жудакўп маъноларга эга. Тақдимот – бу кўрсатиш, эътиборга сазовор бўлиш, таништириш. Кенг маънода – намойиш ва совфа. Тақдимот – корхонанинг пештахтаси (витринаси). Тақдимот – бу албатта, ўқиш, ўрганиш, тажриба алмашиш, жиддий учрашув ва бизнесда қувват манбаси. Тақдимотларга қатнашиш ҳар бир бизнес одамининг ёқимли зарур вазифаларидан бири. *Биз биринчи бор тақдимотга келганимизда, ёнимизда битта хайриҳо бўлишини хоҳлаганмиз. Шунинг учун ҳам таклиф қилган танишингизни кираверишда кутиб олинг, қулай жой топиб беринг. Дўстларингиз ва иложи бўлса лидер билан таништиринг. Танаффусда жараённи изоҳланг, тушинтиринг, саволларига жавоб беринг.

*Огоҳлантириш!!! Воеалар жараёнида ҳозир ким сўзга чиқиши ва нима дейишини изоҳлаш шартмас. Сўзга чиқаётганларни хурмат қилинг.

*Шартнома имзолангач, ўрганиш, ахборотларни олиш учун тақдимотларга боринг.

*Кейинги босқич, сиз ўз натижа ва маъruzalaringiz билан саҳнага чиқа бошлийсиз. Лидернинг истаги билан бошқа одам тақдимотни ташкил қиласди.

*Кейинроқ сиз лидер сифатида ўз



одамларингиз ёки бутун минтақавий ташкилотлар учун тақдимот ташкил қиласиз ва ўтказасиз. Шундай қилиб, ўз иштирокингиз билан ташкилотчи ва сўзга чиқаётганларни қўллаб туриш билан бўлса-да, тақдимотда қатнашиш жуда фойдали. Бирор кишини таклиф этаётганингизда, бугунги тақдимот энг ёрқин, энг эсда қоладиган бўлишини, лидерлар ишончли, қолаверса, хона шинам ва чиройли бўлишини ёдингиздан чиқарманг. Таклиф қилган одамингизда яхши таассурот қолдиришингиз учун ўзингиз ҳамунда иштирок этишга шай туринг. Қисқаси, тақдимотларга танишларингизни таклиф қилинг, зерикиб қолмайсиз. Тақдимот турлари: индивудал (юзма-юз), кичик гурухдаги (уй тўгараклари), катта ёки классик (25-40 кишилик), кенг миқёсдаги «пойга» (40-150 ва ундан ортиқ), бундай тақдимотларга компаниялар тизимни таништириш учун таклиф этилади.

Классик тақдимот

Хона. Катта бўлмаслиги, шинам, чиройли бўлиши шарт, чунки бу компаниянинг юзи. Ўтказиш вақти: кечки соат 18.00-19.00 да. Давомийлиги: 30-45 дақиқа. Муҳит: Эркин. Эркин муҳитни яратишда мусиқанинг ўз ўрни бор. (У майнин оҳангда, сұхбатга халақит бермаслиги керак). Таклиф этилганларни кутиб олиш, улар билан бирга ўтириш ва лидерларни таништириб боришни ўзингизга одат қилинг. Тақдимот иштирокчилари: чиройли кийинган, хушчакчак, мулозаматли, яхши сұхбатдош. Классик тақдимотнинг хусусияти: сұхбат ва

муҳокама эмас, ахборот бериш.

Максадлари: Таркибга янги одамларни жалб этиш, мижозлар тармоғини кенгайтириш. Учрашув давомида аудитория тўртта асосий саволга жавоб олиши лозим: 1. Ушбу компания ишончлими? 2. У сифатли товар ёки хизматларни таклиф этадими? 3. Бу ерда пул ишлаб топиш мумкинми? (ёки қўшимча иш). 4. Ўз орзуларини амалга ошириш мумкинми?

Классик тақдимот жадвали бир нечта стандарт мавзуларни ёритишни қамраб олади: *Тармоқ маркетинги индустрияси билан танишиш; *Ушбу компаниянинг индустриядаги ўрни, жамоани яратган лидерлар: *Махсулот; *Қўллаш натижалари; *Маркетинг режа; *Ушбу бизнесдаги илк қадамлар ва изоҳлар. Тақдимотни ким ўтказади? Зарурат бўлганда бир киши, лекин бир нечта бўлгани яхши. Олиб борувчи – энг тажрибали иштирокчи. У тақдимотни бошлайди, алоҳида чиқишлиарни ташкиллаштиради, якун ясайди. Махсулот ва маркетинг режа бўйича алоҳида чиқишлиарни бу ишда ҳали янги бўлганлар ҳам бажариши мумкин. Ҳар бир тақдимотда саҳнагабитта эмас, бир нечта одам чиққани маъқул. Натижалар: Тақдимот вақтининг ярмини эгалламаслик учун саҳнага чиқишига хоҳиш билдирувчиларнинг кўпчилигини таклиф этиб, 4-5 натижани тинглаш мумкин. Асослаш: Саҳнага иштирок ўтаётган катта лидерни таклиф этган маъқул. Лагар бундай имкон бўлмаса, тақдимотни олиб борувчи якунлайди.

Ярим соат ичида таклиф этилган киши тўла ахборотга эга бўла олмаслиги мумкин,



лекин у иккита саволга аниқ жавоб олиши керак: 1. Бу маҳсулот менга ёқадими, мен ундан фойдаланаманми? 2. Уларга қўшилиб, фаолиятнинг янги турида ўзимни синааб қўришни истайманми, мен ҳам буни бажара оламанми? Шу сабабли, тақдимот енгил ҳазм бўлиши учун оддий ва барчага тушунарли бўлиши лозим. Классик тақдимотда биз схемани таклиф этамиз. Нозик ва ўзига хос майда жиҳатлар қарор қабул қилиниб, шартнома тузилгандан сўнг ишчи тартибида машғулотларда ўрганилади. Шундай қилиб, тақдимотда биз лидер ва касбининг усталари ижросида ахборотнинг асосий моҳияти билан танишамиз. Янги одамни тақдимотга олиб келиб, биз уни тизимга жалб этамиз. Ёш консультантнинг иши – янги келган одамни тақдимотга тайёрлаш, илк сухбат ва промоушендан ўтказиш. Шартнома тузилмаган бўлса, тақдимотдан сўнг консультантнинг иши давом этади. Бунда ушбу тадбирга ва лидерлар чиқишлиярига таяниш мумкин.

Иштирокчи ва меҳмонларга маслаҳатлар.
*Имкон қадар саҳнага яқинроқ ўтиринг ва дистрибьюторларни ҳамда таклиф этган одамларингизни ёнингизга ўтқизинг.
*Эртароқ келинг, бу ижобий натижа беради. Ҳамкасбларингиз билан учрашинг ҳамда ахборот ва ҳиссиётларингиз билан алмашинг.
*Лидерлар билан танишинг, уларни тингланг ва ўзингиз учун қайдлар қилиб боринг. Уларнинг нега лидер бўлганларини ўзингиз учун аниқлаб олинг. *Айни вақтида шиддат билан юқорига кўтарилиб бораётганлардан бўлиб

кўринишдан чўчиманг. Ягона аҳмақона савол – бу берилмаган савол. *Тақдимотга одамларни олиб боринг, қанча кўп одам олиб келсангиз, бизнесингиз шунчалик кўп гуллайди. Ёдда тутинг, бу микдорлар ўйини!!! *Суҳбатнинг давоми (кейинги тақдимот, сабок, лидер билан индивидуал учрашув ёки учрашувдан кейинги бирор мулоқот) қачон бўлишини билиб олинг. Индивидуал тақдимот

Индивидуал (якка, юзма-юз) тақдимот сизнинг унга бўлган муносабатингиздан бошланади. Ҳар сафар бошқа одам билан ўтирганингиз ва бизнесингиздаги маҳсулот хақида ахборот алмашганингизда, унга совға берасиз. Қандай одам доим меҳмонга боради ва бошқаларга доим совға улашади? Жуда яхши одам, албатта! Бу сиз!!!

Индивидуал тақдимотнинг босқичлари қандай? *Биринчи ва мажбурийси – суҳбатдошнинг эътибори вайшончини қозониш. Бу ерда турли восита ва усуllар қўлланиши мумкин: хушомадлар фақат табиий бўлиши шарт; эркин ва хотиржам мухитни яратиш. Индивудалсуҳбатда «кўзгу» лардан фойдаланиш, яъни суҳбатдошингиз ҳаракатлари, имо-ишораларини такрорлашингиз мумкин бўлиб, бу ўзаро ишонч мухитини яратади. Суҳбатдошнинг муаммолари сизни қизиктиришини унга тушунтиринг. Бирор одамга нисбатан бафарқлигин-гизни тушунтирунгизча, у ҳакда қанча кўп билишингиз уни қизиктирмайди. Шундай қилиб, биз суҳбатдошимизга тавозе қилмаймиз, балки уни ҳурмат қиласиз ва қадрлаймиз. Буни



унга кўрсатиш ва таъкидлашдан тортинманг.

*Ишонч муҳити юзага келгач, навбатдаги қадам – ҳақиқий эҳтиёжни аниқлашга ўтамиш. Диққат билан тинглашни ўрганинг. Саволлар бериб сұхбатлашишни ўрганинг. Агар саволлар саводли тузилса, бутун ахборотни билиб олиш мүмкін. Агар бирор киши мuloқot қилишни истамаётган бўлса, ҳал қилувчи қарор қабул қилинмасдан, унинг қарор қабул қилишига қайси муаммо ҳадақит бераётгани ҳақида саволлар беришни ўрганинг. Айrim ҳолларда одамлар ҳақиқий, аммо асоссиз сабабларни илгари суришади. Ўша сабабларни ундан батафсилроқ гапириб беришларини сўраш лозим ва унинг муаммосига чин дилдан ечим топишга ҳаракат қилишингиз керак. Баъзи одамларга ўзгаларнинг эътибори етишмайди. Агар сиз сұхбатдошингизга эътиборли бўлсангиз, унинг муаммоларини тинглаганингиз учун сиздан миннатдор бўлади.

Аввало сиз бизнесда ҳам инсоний манфаатларни юқорига қўйсангиз, талаб ва эҳтиёжни аниқласангиз, сұхбатдошингизнинг мuloқotга киришаётганини сезсангиз, учинчи қадам – бевосита тақдимотга ўтамиш: *Мақсадингизни айтинг. Френк Беттжер айтади: «Агар ишビルармон одамга, илк икки дақиқа ичида унга учрашувнинг мақсадини айтмасангиз, сұхбатингиз якунланиши мүмкін». *Ахборотни етказиш вақтини белгиланг ва шу вақт доирасидан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилинг. *Оддий ва оммабол, бу катта аҳамиятга эга. Тақдимот ҳам иложи борича оддий ва тушунарли бўлиши

лозим. Токи ҳар қандай тоифадаги инсон ўзини қийнаётган саволларга жавоб топсин.

*Суҳбат сўнггида сиз суҳбатдошингизга, қўшимча бирор нарсани ўқишни ёки кўришни ҳам тавсия этишингиз мумкин (Мавзуга оид, китоб ва аудио, видео кассеталар). Бу бир неча сабабларга кўра яхши натижа беради.

Якун ясад шуни айтмоқчимизки, тармоқ бизнесида тармоқчиларнинг энг катта хатоси шуки, улар битта тақдимотда кўзлаган мақсадларига етишни хоҳлашади. Ўзларидаги ҳамма бор ахборотни бериб, шу заҳоти розилик олишни исташади. Суҳбатдошингизни мажбурламанг. Индивидуал (якка, юзмажуз) суҳбатнинг асосий вазифаси – суҳбатни давом эттириш учун рухсат олиш; уни ҳомий олдига, уй тўгарагига, тақдимотларга, бирор бир лидер билан учрашувга, сиз тавсия ётган китоб ва кассета муҳокамасига олиб боришдир. Агар «Йўқ» деган жавобни олсангиз. Суҳбатдошингизнинг бу қарорини ҳурмат қилинг. Бизнесда йўқ дегани ҳал қилувчи жавоб дегани эмас. Дўстларингиз билан кейинроқ учрашиш ҳукуқини берувчи имкон билан хайрлашинг.

Уйга вазифа

*Зиммангизга ҳар бир тақдимотга битта янги одам олиб келиш мажбуриятини олинг.

*Маъруза тайёрланг. Натижаларингиз ва ўз мавзунинг билан биринчи чиқишингиз бўлса ҳам ҳомийингиз билан муҳокама этинг ҳамда 30 сониялик аниқ ва чиройли чиқиш тайёрланг.

*Тақдимот ташкил қилаётган лидерга



ўзингизнинг тайёрлигингизни билдиринг.
Чиқишингизни тез орадаги режага киритинг.

*Ўз касбий кутубхона, аудио ва видеотекан-
гизни ташкил қилишни бошланг.

*Тақдимотлар китоби учун хужжатлар
рўйхатини тўпланг ва шакллантиринг.



САККИЗИНЧИ МАШГУЛОТ

Мавзу: (MLM) «Тармоқ маркетинги асослари», «Тармоқ бизнеси нима», «Тармоқ бизнесини б ойда яратиш тарихи». Тармоқ бизнеси нима? Бу мавзуда жуда кўп китоблар бор. Ўкув дастури сифатида муаллиф Ричард Понинг «Учинчи тўлқин» китобини тавсия этамиз. Тармоқ бизнеси тарихи тўғрисида бироз тўхтalamиз. MLM принципларини кўллаган биринчи компания АҚШда дунёга келиб, «Калифорния витаминалари» деб аталган. Илк тармоқ компаниялари суперсотувчиларга мўлжалланган: унда катта шахсий харидлар ва профессионал коммивояжернинг сотиш тажрибалари зарур бўлган. Бу бизнеснинг шиддатли ривожланиши туфайли унинг қонунийлиги ва ахлоқийлиги юзасидан шубҳалар туғилган. Кунларнинг бирида тармоқ маркетинги компаниялари олдида ўзининг қонунийлигини исботлаш муаммоси кўндаланг бўлиб қолади. Суд бу бизнесни ахлоқий ва фаолият кўрсатишга хақли деб топгандан сўнг тармоқ маркетинги ривожининг иккинчи босқичи бошланди; яъни кўп микдорда ва бутун жаҳон бўйлаб тармоқ компаниялари юзага келиб, рўйхатдан ўта бошлади. Бироқ тармоқ бизнесининг ҳакиқий ривожланиши учун компьютерлаштириш пайдо бўлгачгина имкон туғилди.

Бугунги компаниялар истеъмолчиларга мўлжалланган. Улар шу тарзда қурилганки,



амалда ҳар қандай одам бу жараёнда иштирок этиши мүмкін. Биз бутун тармоқ бизнесининг «учинчи тұлқин»ини ёки унинг ривожининг учинчи босқичини бошдан кечирмокдамиз. Бугун тармоқ бизнеси сотувчидан күра истеъмолчига мүлжалланган. Бу эса профессонал сотувчилар бу бизнесда ўзларини күрсата олмайды, дегани әмас. Сергей Всехсвятскийнинг «Сотиш ёки харид қилиш» деган мақоласидаги сўзларини мисол келтирамиз: «Умуман, сиз ўзингизга ёқкан нарсани бажаришга ҳаракат қилинг, маҳсулотдан фойдаланиш ёқса фойдаланинг, сотгингиз келса сотинг, бошқаларга ўргатиш ёқкан бўлса ўргатинг. Шуни ёдда тутиングки, сиз қайси йўлдан борсангиз ҳам ҳаққоний ва хурсандлик билан борсангиз, тармоқ маркетинги йўли сизни орзуингизга олиб боради».

Маҳсулотдан фойдаланиш мүмкінми? Мүмкін ва бунда сиз ютасиз, чунки нуфузли маҳсулотни чегирмалар билан харид қиласиз. Маҳсулотни факат сотиш мүмкінми? Албатта, бунда сиз нархлардаги фарқдан ютасиз. Ваҳолангки, мижоз учун чакана нархга қараганда, дистрибьютор учун улгуржи нархлар арzonроқ. Бу ҳали тармоқчи әмас, бу сотувчи ёки коммивояжер деб аталади. Олдинги биринчи тармоқ компаниялари сотувчиларга мүлжалланган эди. Ўшанда суперсотувчилар лидер бўлишган. Ҳозир умуман бошқача анъана. Бу қуйидагича янграйди: одам ўзи оз ишласа, меҳнат қўлидан келадиган бўлса, бажараётган иши қувончга айланса,

демак, бунга шу ишни қилишни истайдиган одамларни ҳам таклиф этиши лозим. Сиз маҳсулотни оиласизга керагича олишингиз, бу ишни бажаришни дистрибьютор-ларингизга ҳам тавсия этишингиз мумкин. Шу тарзда маҳсулотнинг сўнгги истеъмолчиси томон ҳаракати давомэтади. 20 одам 1 одамганисбатан, у ҳатто жуда яхши бўлса ҳам, кўпроқ ишлаши мумкин. Ҳатто бу 20 нафар одам маҳсулотни ўзи учун харид қилиб, сўнгги истимолчи бўлса ҳам. Гарчи бунинг устига мижозлар топиб, бирор нарсани сотишса ҳам. Яъни 100 нафар одамнинг меҳнатидан 1% олган, битта одамнинг ҳаракатидан 100% олгандан яхшироқ. Айниқса, бу 1 нафар одам сиз бўлсангиз. Айнан мана шу ерда MLM бошланади, айнан шу ҳамма нарсадан қимматроқ баҳоланади ва тўланади. Бу тармоқ маркетингининг яна бир сири. Биз замонавий тармоқчининг қуидаги таърифини келтирамиз: Тармоқчи – бу сотув тармоқларини яратса оладиган ва ўсиб борувчи қолдиқ даромадни оловчи (профессионал) касбининг устаси. Тармоқларни тузишнинг турли методика ва схемалари мавжуд. Ҳозир биз «1+1» билан танишамиз, бу зўр! (классика). Буни тармоқ компанияларининг ҳалқаро ассоциацияси Президенти Дорис Вуд таклиф этган. Агар бу умумий режа бўйича ҳаракат қилиб, бўш келинмаса тармок ўсади на натижа ажойиб бўлади. Бу схема ҳаққоний ва барча учун тушунарли.

Схема изоҳи: Ишингизнинг биринчи ойида ўз тармоғингизга битта одамни таклиф этасиз,



бу сизнинг биринчи авлодингиз бўлади. Энди иккита бўлдингиз. Сиз унинг ўқиб-ўрганишига, муваффақиятига катта эътибор берасиз. Иккинчи ойда сиз 1-авлодга яна бир кишини таклиф этасиз, биринчи дистрибьюторингизга ҳам ўз танишини таклиф қилишини айтасиз ва ёрдам берасиз. Шундай қилиб, иккинчи ойнинг ярмига бориб сизлар тўрт киши бўласизлар.

Учинчи ойда сиз яна, биринчи авлодга бир кишини таклиф этасиз, биринчи авлоддаги икки дистрибьюторларингизнинг ҳам шундай қилишларига ёрдам берасиз. Шунда учинчи ойга келиб сизнинг тармоғингизда 8 киши бўлади. Тўртинчи ойда биринчи авлодга 1 кишини шахсан таклиф этасиз ва бошқаларга 3 кишини таклиф этишларига ёрдам берасиз. Кўринишидан сизнинг ишингиз кўпаяётгандек, лекин ундаи эмас. Бу вақтга келиб энг биринчи дистрибьюторингиз ўз тармоғига эга бўлади.

Уч ой сиз унга биринчи авлодга одамларни таклиф этишга ёрдам бердингиз, бугун эса у ишини мустақил давом эттириши мумкин. Шунинг учун сиз, бешинчи ойда ҳам яна бир кишини таклиф этасиз ва учтасига ҳам яна шундай қилишига ёрдам берасиз, бешинчи ойнинг охирида тармоғингизда 32 киши бўлади. Агар буни икки карра ошириб амалга оширишга муваффақ бўла олсангиз, тармоғингизда 64 киши, йилнинг охирига бориб, 4096 киши ишлай бошлайди. Тармоқ бизнеси статистикаси кўрсатадики, 10-12% дистрибьюторлар ўз касбининг устаси бўлиб етишади. Дорис Вуд методикасига биноан, сизнинг тармоғингизда

400 га яқын жиддий тармоқчилар бўлади. Бу схема асосида қанча чекни қайси муддатда қўлга киритиш мумкинлигини ҳисоблаб чиқса бўлади.

Иш суръатини исталган томонга ўзгартириш, яъни секинлатиш ёки тезлатиш мумкин. Энди асосий сир: бу схема фақат бир шарт билангина ҳаракатга келади – агар одамлар ўз мажбуриятларини бажаришса, агар харидлар бўлса, агар маҳсулот сифатли ва керакли бўлса, акс ҳолда бу рақамлар ўйинига айланиши тайин. Бир жойда тўхтаб қолмаслик, доим ҳаракатда бўлиш ва янгилик сари интилиш лозим.

Ҳажмлар ва чеклар тушунчаси

1. Даромад ҳажми. «Бизнес банкачанинг очилишидан бошланади!» деган ибора бор. Яна бир кичик сирни эслаб қолинг: агар ўз компаниянгиз маҳсулотларидан ўзингиз фойдаланишни бошламаган бўлсангиз, демак, бизнесингиз бошламаган! Пул томонга бир қадам ҳам қўйилмаган. **Мижозларга** маҳсулотингиз ҳақида гапираётганингизда, албатта, улар саволлар берга бошлашади. Биринчи саволлари ва қизиқишлари сизнинг шу маҳсулотлардан фойдаланиш ёки фойдаланмаслигингиз ҳақида. «Мерседес»ни реклама қилиб юрадиган одамнинг ўзи «Жигули»да юрса, сўзлари, даъвати ўзгаларга ғалати туюлиши аниқ-ку. Шундай қилиб, даромад ҳажми ҳақида. Агар сиз истеъмолчи сифатида маҳсулотдан бир марта фойдаланиб, бирор муаммоингизни ҳал этиб, шу билан тўхташни хаёл қилсангиз, бу харидингиз



ягоналигича қолади. Айтиш керакки, ҳажмни кўпайтиришнинг фақат биргина усули – янги ва янги одамларни таклиф этиш. Агар улар мижозлар бўлса ҳам яхши. Бу бизнесдаги одамларнинг 70% и қониқиш ҳосил қилган мижозлардир. Қачонки одам маҳсулотдан фойдаланиб, яхши натижага эришса, бу ҳақда атрофдагиларга пирабошлайди ва вақти келиб бу ерда пул ишлаб топиш ҳам мумкинлигини тушуниб етади.

2. Улгуржи савдо ёки истеъмол ҳажми. Бу сизнинг ҳар ойлик шахсий истеъмолингиз. Агар сиз бир неча маротаба харид қилган бўлсангиз ва маҳсулотдан фойдаланаётган бўлсангиз, бу энди истеъмол ҳажми ҳисобланади. «Ўз маҳсулотининг маҳсули бўлиш» деган ибора ҳам бор. Ўзингиз энг яхши мижоз бўлинг. Албатта, бу тарзда улгуржи ҳажм ортиб бормайди, аммо у доим бор. «Учинчи тўлқин» истеъмолчилик компанияларида улгуржи ҳажмни юзага келтириш жуда осон, чунки маҳсулот ажойиб, унинг рўйхати жуда хилмаяхил бўлади. Улгуржи ҳажмни амалга ошириш учун харидлар қилиш зарур.

Харидлар қилиб, биз бир неча масалани ҳал этамиз, масалан: *Соғлик, ташқи кўриниш, хонадон гигиенаси масалалари, сервис ва маҳсулотингизга мувофиқ муаммоларни ҳал қилиш мумкин. *Кейинчалик сотиш мумкин бўлган шахсий мулкка эришиш. *Мижоз билан маҳсулот ҳақида сухбатлашиш ҳукуқига эга бўлиш ва бунга ишониш. *Ўз дистрибьюторига харидлар қилишни тавсия этиш учун ҳукуққа

эга бўлиш. Агар ўзингиз харид қилмаган бўлсангиз, буни бошқа кишига таклиф этиш қийинлигини англаш. *Янги одамни аъзо қилаётганимизда аввало, уни мижоз сифатида кўришимиз керак, у маҳсулот ҳақида тасаввурга эга эмаслиги учун шеригимиизга маълумот етказувчи (консультант) сифатида фаолият юритамиз. Ўзини оқлаш

«Аввал бирор нарсани сотай, пул пайдо бўлгач кейин ўзим ҳам маҳсулотдан фойдаланаман» қабилидаги сабаблар иш бермайди. Мижозларимиз шундайки, маҳсулотдан ўзи фойдаланмаганларга ишонишмайди. Агар шахсий натижага эришмасангиз, маҳсулот ҳақида бирор таассуротга эга бўлмасангиз, мижозга нимани гапира оласиз, гапирган гапларингиз ишончли чиқмайди ва буни мижоз сезади. Яна, «Агар мен тармоқдан кўпроқ нарса олмоқчи бўлсам, кўп одамларни таклиф этиш керак ҳамда уларнинг харид қилишини кутишим лозим. Менга кўп «очко»лар ёзилгандан сўнг, ўзим харид қилишим мумкин, агар ҳеч кимдан фоиз олишнинг иложи бўлмаса, ўзимнинг харид қилишимга ҳожат йўқ» деган нотўғри фикр ҳам кенг тарқалган. Агар сиз маҳсулотнинг ҳаракатланиши билан шуғулланмасангиз, бошқаларга ўрнак бўлмасангиз, қанча гапирсангиз-да, одамлар қилаётган амалингиздан ўрнак олишади, хulosha чиқаришади ва ишни сиздек олиб боришади. Замонавий бизнес билимдони Жим Рон бу борада шундай дейди: «Иқтисодий қийинчиликлар, сиз камроқ ишлаб – кўпроқ



олишини ўйлаб ҳаракат қилганингизда юзага келади!»

3.Чакана (дона) ҳажм. Бу ҳажм сотувлар ҳисобидан таъминланади. Сотувлар учун алоҳида машғулот ажратилган. «Чакана ҳажмни орттириш усули – мижозлар тармоини кенгайтириш. Танишлар рўйхатига қайting ва кимлар нима учун сизнинг маҳсулотингиз билан қизиқиш билдирганликларини алоҳида ёзиб олинг, бу мустаҳкам мижозлар рўйхати, уни бир неча бўлимларга ажратиш мумкин: *«Кизрин доира» – қариндошлар, яқин дўстлар. Агар буни оиласда амалга ошираётган бўлсангиз, албатта, турмуш ўртоғингизнинг розилигини олинг. Ҳеч бўлмаса, сиз янги бизнес билан шуғулланишга қарор қилганингизни оила аъзоларингизга айтинг ва холисликка эришинг. Агар қаршиликлар бўлса, бошланишида кўлингиз ишга бормаслиги мумкин. Ҳозирча мижозларингиз доираси йўқлиги сабабли кўпғалират қилишингизга тўғри келади. *«Самимий доира» – биз билган барчага ахборот тарқатиш. Одамлар янги ахборотни ҳазм қилишсин ва ўзлаштиришсин. Улар муайян вактдан сўнг сизнинг мижозингиз бўлишлари мумкин. Албатта, бунинг учун сиз баъзилар билан бир-икки бор гаплашишингизга тўғри келади. Ҳеч қиси йўқ, бу бизнесда «йўқ» ҳар доим ҳам «йўқ» дегани эмаслигини англатади. Бу борада статистика қуйидагиларни кўрсатади: 8% одамлар харидни илк сухбатдан сўнг амалга оширишади. Иккинчи маротабадан сўнг – 14%; Учинчи маротабадан сўнг – 17%;

Тўртинчи маротабадан сўнг – 27%; Бешинчи маротабадан сўнг – 44%.

Френк Беттжер юқорида келтирилганлардан бир мунча фарқланадиган, ўзининг шахсий статистикаси ҳакида қўйидагиларни айтади: биринчи мартадан сўнг 70% муваффақиятли битим, иккинчи маротаба 23% ва учинчи маротаба 7%. Мана шу 7% сотувлар учун у ўзининг 50% иш вақтини сарфлаган. Қолган 50% вақти эса 93% сотувларга кетган. Буни у таҳлил қилгач, уч маротаба мурожаат қилишдан воз кечиб, 93% муваффақиятли битим билан кифояланган. Шу йўл билан у кўп вақтини тежади ва ўз иш соати нархини, қолаверса, ўз мавқеи баҳосини кўтарди. Биз сизга ҳаракатларингизни таҳлил қилишингизни сўраб, ўз иш вақtingизни, касбингиз савиясини, нархини оширишингизни маслаҳат берамиз. Бунга эришиш учун, албатта, сизда кўп амалий иш вақти ва тажриба бўлиши лозим.

Уйга вазифа

*Компаниянгиз маҳсулотлари каталогларини харид қилинг, уларни ўрганиб чиқинг. Агар сиз маҳсулотнинг бир ёки икки йўналиши билан ишласангиз, айнан шу маҳсулотлар бўйича барча маълумотга эга бўлишингиз лозим.

*Шахсий харидни амалга ошириш ва ундан фойдаланиш зарур.

*Ўз иш методикангизни белгилаб олинг ва буни ҳомий билан муҳокама қилинг.

*Белгиланган методикадан келиб чиқсан ҳолда ўзингизнинг чекингиз ва уни олиш



муддатларини ҳисоблаб чиқинг. Бу муддат ва меъёрларга амал қилишни ўрганинг.

*Молиявий пирамида тармоқ маркетинги компаниясидан нимаси билан фарқ қилади? Бу саволга жавоб бера оладиган бўлинг.

*Алоҳида мустаҳкам мижозлар рўйхатини тузинг.

*Таҳлил ва касбий савиянгизни ошириш учун сотувлар ҳисобини олиб боринг.



ТЎҚҚИЗИНЧИ МАШГУЛОТ

Мавзу: Рекрутация қилиш (жалб қилиш). Тармоқнинг тузилиши. Одамларни қаердан оламиз? Тизим калити – дубликация. «Илтифотсиз алоқалар». Биз рекрутациянинг бир неча схемасини кўриб чиқдик. Танлаб олиш учун айримларига якун ясаб, янги схемалар билан тўлдирамиз.

1 ой – 2 одам. 2 ой – 4 одам. 3 ой – 8 одам. 4 ой – 16 одам. 5 ой – 32 одам. 6 ой – 64 одам. Шу йўл билан геометрик ривожланиш пайдо бўлади. Агар кўпайиш бўлаётган бўлса, тармоқни шунчаки кўпаяётган эмас, балки турғун ва муҳим деб хисоблаш мумкин. Ярим йилдан сўнг бу микдордан 5-6 яхши ишлайдиган дистрибутор ва 58 истеъмолчи етишиб чиқиши мумкин. Агар бу жараён бир йилгача давом эттирилса, сизнинг тармоғингизда 4096 нафар одам бўлади. Статтика бўйича, 10-15% и жиддий ишловчилар бўлади, 60% гачаси истеъмол компанияларига мижоз бўлиб қолади. Ушбу схема бўйича, ишнинг шундай суръатда ривожланиши натижасида, сизнинг тармоғингизда 400 дан 2500 нафаргача одам бўлиши мумкин.

Серж Желард схемаси

Шартнома тузилгандан кейин 1 кун ўтиб, инги дистрибуторлар ўз танишларини ҳомий олдига таклиф этади, промоушен – минимал (наст) даражада. Душанба – 1-1,5 соатлик тақдимот ўтказилади. Фақат ахборот берилади ва хеч қандай муҳокама бўлмайди. Хоҳловчилар



кейинги сұхбаттаң тақлиф этилади. Сешанба – саволларға жағоблар. Кейинги күнларға уларнинг ҳаммаси ҳам қайтавермайды, аммо инсон савол билан келибдими, демак, ижобий қарор қабул қилинган, шартнома тузилиши, кейинги кунга одамларни тақлиф қилиш түғри амалга оширилмокда. Чоршанба – барча янги тақлиф этилғанлар учун тақдимот. Пайшанба – саволларға жағоблар (1-1,5 соат). Жума – тақдимот, исталған авлоддан тақлиф этилғанлар бўлиши мумкин. Шанба – саволларга жағоблар, шартномалар тузиш. Агар сешанба куни душанбада ахборот олганларнинг саволлариға жағоб берилса, шу куннинг ўзида одамларнинг янги гурӯхини биринчи тақдимотга тақлиф этган ҳолда, бу режани янада кучайтириш мумкин. Чоршанба эса сешанба кунги иштирокчиларнинг саволлариға жағоб береб, шартномалар имзолаб, сўнг яна янги гурӯхлар билан сұхбатлашиш мумкин. Натижада бир ҳафтада, 20 дан 50 тагача шартнома тузилади. Кетиб қоладиганлар микдори кўплиги туфайли 10-12% қолиб, бир ҳафтада ишлайдиган 3-5 нафар жиддий дистрибуторга эга бўламиз. Бу тезкор старт (бошланиш)ни таъминлади.

Татьяна ва Владимир Суровлар схемаси

Бурежаҳомий бошқашаҳардаяшаб, ҳафтасига 1-2 кунга келиш имкони бўлган ҳолларда муваффақият билан қўлланиши мумкин. Якшанба куни (ёки шанба) «биттага қарши иккита» сұхбати учун 9 киши тақлиф этилади. Сұхбатлар юзма-юз равишда 30-40 дақиқадан давом эттирилади. *Биринчи сұхбатни тўлик хомий ўтказади. Дистрибутор эшитади, ёзиб

боради, бирорта сўз қўшмайди. *Иккинчи сухбатни бошлаш ва якунлаш мушкулроқ бўлгани учун унинг асосини ҳомий ўз зиммасига олади. Дистрибьютор эса маркетинг режа ёки маҳсулотни, келишувга биноан исталган бошқа бир мавзуни ёритиши мумкин. *Учинчи сухбатда тўлик дистрибьютор ишлайди. Ҳомий эшитади ва қайдлар қилиб боради. Фақат дистрибьютор ёрдам сўрагандагина қўшилиши мумкин. *Танаффус – 30-40 дақиқа. (Хатолар, ютуқлар, натижарар муҳокамаси). *Сўнгра иккинчи учлик билан ҳам шундай ишлаймиз. *Танаффус – 30-40 дақиқа. (Унда ҳам албатта, муҳокама). *Навбатдаги учлик ҳам шундай тарзда ўтказилади. Агар шундай тифиз кунни ўтказишга муваффақ бўлсан, 1-2 та шартнома тузишга эришамиз. Кун охирига келиб, дистрибьютор ҳам рекрутация техникасини тўлик ўзлаштиради ва ўзида ишонч уйгонади. Ушбу методикада муайян мураккабликлар ҳам бўлгани учун айрим ўзгартиришларни таклиф этамиз.

Бизнинг қўлланмамиизда бу қуйидагича амалга оширилади: *Шанба кунига 6 киши таклиф этилади, сухбат орада 20-30 дақиқалик танаффус билан иккита учлик ўртасида ўтказилади. Иш куни 7 соатга яқин бўлади. Кейинги куни, якшанбада яна олтита таклиф этилганлар ўртасида оралиқда, албатта, танаффус билан музокара олиб борамиз.

Устунлик

*Реал ҳаётда 9 кишини бир кунга таклиф этиш сал қийинроқ. Кимдир шанба куни жуда банд, якшанба куни эса кела олиши мумкин



ёки аксинча... «Танловни танлов» методини қўллаш ва таклиф этилганлар билан шу икки кундан бирида учрашишга эришиш даркор.

*Бир кунга 9 киши таклиф этилган бўлса, иш куни 10-11 соатга чўзилиб кетади. Бунга албатта, жисмонан бардош бериш қийин. 7 соатдан икки иш куни бўлгани маъқул.

*Икки кунда 12 та (9 та ўрнига) индивидуал (юзма-юз) тақдимот бўлиб, 2-3 та шартнома тузишга эришиш мумкин.

Том Шрайтерга кўра (Катта Эл...)

Хомий ўз дистрибутори билан ишлаш учун ҳафтасига бир ёки икки марта 2-3 соатдан вақт ажратади. Масалан, ҳафтанинг қайсиadir куни соат 15 дан 18 гача. Аниқ белгиланган бу уч соатга мижозларни таклиф этиш ва сотувни амалга ошириш, рекрутация (жалб қилиш) билан шуғулланиш, мавжуд тармоқ билан ишлаш ёки шахсий масалаларни муҳокама қилиш мумкин. Энг яхиси, бу вақтдан рекрутация учун фойдаланган ҳолдаҳомий билан биргаликда «биттага қарши иккитаси» сұхбати учун 2-3 одамни таклиф қилган маъқул. Ушбу методнинг устунликлари – интизом, аниқлик. Аниқ белгиланган вақт интизомни кўрсатади. Агар иш эркин жадвал бўйича бораётган бўлса, сұхбатнинг барча иштирокчилари учун қулай вақтни танлаш мушкул. Ягона истиснога йўл қўйишимиз мумкин: жуда қимматли мижозга ва кучли лидерга. Яъни қоидага биноан, жиддий бизнесмен ўзининг қатъий иш жадвалига эга. Бундай ҳолда учрашув вақти унинг измида бўлади.

Жон Каленч методи (Тезкор старт)

«Бир ҳафта ичидан мен бешта ишончли шерикка (потенциал) ҳомийлик қилдим. Сўнгра мен бу дастурни консультантларнинг уйида, уларнинг ҳар бири билан ойига тўрт, мен билан эса ҳафтасига беш марта ўтказдим. Ой охирида бу беш шерик икки баробарга кўпайди ва улар ўзларининг шахсий янги консультантлари билан ишлай бошлашди. Бундан сўнг зудлик билан мен яна бешта янги потенциал шерикка ҳомийлик қилдим ва улар билан ҳам яна шу дастурни ўтказдим – уларни ўқитдим, учрашувлар вақтини белгиладим ва уйда тақдимотлар ўтказдим. Мен бу ишни уч ой – яъни тўқсон кун мобайнида тақрорладим. Бу қисқа давр ичидан бутун шахар бўйича бу каби ўнлаб тақдимотлар ўтказилди ва уларда менинг иштирокимга ҳожат йўқ эди! Мен мафаатдор одамларнинг шундай ташкилотини туздимки, улар янги ходимларни қандай ўқитиш ва машқ қилдиришни шу қадар яхши билишлари туфайли менинг фирмамменсиз ҳам борган сари ривожлана борди. Тизим калити ҳам шунда».

Уй тўгарагида рекрутация

Ўзи учун уй тўгараги кунини ажратиш ва буни режага киритиш учун ҳомийга айтиш керак. Ўзингизга қулай кунни танланг, чунки сиз ўз фирмангиз масалаларини ҳал қиласиз. Агар бирор киши сизга қўшилмоқчи бўлса, у сиз томондан белгиланган вақтга амал қиласди. *Биринчи уй тўгаракларида сотувлар ва мижозлар тармоғини кенгайтиришга ўтибор қаратинг. Аввалига рекрутацияни дастурлаштириш қийин кечади, пул ишлаб



топишни ўрганиш билан бир қаторда мижозлар тармоғини ташкил этишни олиб бориш лозим. Статистикага кўра, бўлажак шерикларнинг 70 % ини қониқиши ҳосил қилган мижозлар ташкил этади.

Классик тақдимот

Бу янги одамларга сизнинг фирмангиз, янги бизнес, янги ҳаёт тарзи, ажойиб маҳсулотингиз, пул ишлаб топиш имкони билан таништириш имконияти. Шунингдек, ёт консультантларга янги шериклар таклиф этиш ва рекрутацияда ёрдам бериш учун ҳам мўлжалланган. Тизим билан танишиш, жамоага қўшилишни ҳам таъминлайди. Янгиларга ахборотнинг асосий жамламасини катта лидер беради, тизимга жалб қилиш жараёни боради. Лекин одамлар тақдимотда аввалги сухбатдан ўтгачгина қатнашиши керак бўлиб, бу таклиф этган дистрибьюторнинг иши. Агар тақдимотда бирор киши тасодифан қатнашиб қолса, у бу ерда нима бўлаётганини тушунмаслиги, бундан эса жаҳли чиқиши ва тақдимотни бузиши мумкин. Таклиф этилганлар илк ахборотга эга бўлишларига ҳамда тақдимотда ўзингиз уларнинг ёнида бўлишга ҳаракат қилинг. Биз якуний нукта қўйиш учун тақдимотга таклиф этамиз. Коидага биноан тақдимот сўнгига шартнома тузилади. Агар бу юз бермаса, дистрибьюторнинг вазифаси бу ишни мантиқий якунига етказишидир. Мабодо, сиз ўзингизни бу ишни бажаришга қодир эмасман, деб ҳисобласангиз, ҳомийингиздан ёрдам сўранг. Сиз учун 10-15 дақиқа вакт аратишлари ва бу тақрорий индивидуал тақдимот бўлмаслигига

тайёр бўлинг.

«Илтифотсиз алоқалар»

Бу нотаниш одамларни танишларга, сўнгра дўстларга айлатиришнинг ажойиб усули. Бу «танишлар рўйхати»ни чексиз давом эттириш усули. Марк Померанц шундай деган эди: «Бутун инсониятни икки катта тоифага бўламиз, танишлар ва нотанишлар. Танишлар билан рўйхат бўйича ишлаймиз, нотанишларни аввал танишларга айлантириб, рўйхатга киритамиз, сўнгра рўйхат бўйича ишлаймиз». Доимо турли одамлар билан ҳар хил жойларда мулоқотда бўласиз, гаплаша бошлаганларингизнинг айримлари сизга кизиқиб қолишади, айримлари эса йўқ. «Кимга мурожаат қилишни қандай билиш мумкин?!» деган савол туғилади. Ҳаммага, ҳаммага ва ҳар қандай одамга мурожаат қилишнинг йўлини билиш лозим. Бизнесменлар биладиган сирни очамиз. Бизнес адабиётларида бир неча ибораларни учратиш мумкин: «уч фут қоидаси» ёки «бир метр қоидаси» ва «узатилган қўл қоидаси». Аммо буларнинг бари бир маънони англатади, масалан, рўпарангизда узатилган қўл масофасида турган исталган одамга савол ёки таклиф билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Хавфсизлик қоидалари

*Одамни билагидан тутманг, бу кўркув ва асабийлашишдан бошқа нарсани келиб чиқармайди.

*Тасодифий сухбатдошни кўчанинг ўзида рекрутация қилишга харакат қилманг.

*Дуч келган одамга шоша-пиша нарса сотишга



ҳам уринманг. «Илтифотсиз алоқа»ларнинг асосий бош мақсади – эътиборни жалб қилиш, қизиқиш уйғотиш, сұхбатнинг давомига тақлиф этиш учун манзилларни алмашиш. Агар сиз телефон рақамини билиб, күнғироқ қилишга ижозат олган бўлсангиз, бу ишни яқин икки-уч кун ичидаги амалга оширинг, акс ҳолда янги муаммолар чиқиб, қизиқиш сўниши, сизни эсдан чиқариб юбориши мумкин. Сиз барча ишни ўз вақтида амалга оширсангиз иш унумингиз кўзга кўриниб, келажак ишларингизга замин яратган бўласиз. Янги танишингизнинг ҳомий ва лидерлар билан учрашувларини кечиктирмай ўз вақтида уюштиринг. Фақат буни шошмасдан ўз ўрнида, вақтида бажаринг. Сұхбат сўнгидаги қўшимча ахборотларни тақдим қилиш мумкин (китоб ва видеокассеталар). Ёдда тутинг, тармоқ маркетинги, бу рақамлар ўйини, бу хурсандчилик, бу маълумот бизнеси ва бу тармоқ маркетингининг яна бир кичкина сири. Олег Панков – «илтифотсиз алоқалар» қироли. Олег сұхбатни бошлиш учун захирада кўпкина иборалар бўлиши кераклигини айтади. Сўнгра нигоҳи билан «узатилган қўл қоидаси»га биноан келишган инсонни топиб, ўз сезгисига ишониб иш тутади. «Агар узок ўйланса, ибора умуман пайдо бўлмаслиги мумкин. Фақат у томонга юриб, кулиб туриш лозим.

Сўнгги сонияларда ўз-ўзини ҳимоя қилиш инстинкти қутқаради». Кўчада нотаниш одам билан сұхбат боғлаш учун муайян мардлик керак, тўғрими? Шунинг учун бу усуслни биринчи навбатда қўллашни тавсия этмаймиз.

Мадомики, бизнесда муваффакиятни ўз олдингизга мақсад қилиб қўйган экансиз, бу методни ҳам ўзлаштиришга тўғри келади. Чўчиш – бу энг кўп тарқалган ижтимоий кўркув. Павел Дубров тайёргарлигинги зини синаб кўриш учун қуйидаги тестни таклиф этади: Тарозини тасаввур қилинг, бир палласига кулгили вазиятга тушиб қолишдан чўчишни, иккинчи томонига, бу ҳаётдаги карьерангиз, муваффакиятингиз, келажагингиз, бахтингизни қўйинг, ўзингиздан қайси палла босиб кетаётганини сўранг. Энди эса яна бир кичик сир – агар яхши меҳнат қилинса – барчасини уддаласа бўлади, агар режангиз бир марта амалга ошса, демак, бунинг имкони бор, буни яна ва яна тақрорласа бўлади.

«Илтифотсиз алоқалар», демак, бу дегани умуман нотаниш бўлган одам билан ногаҳон танишиш ва сухбат куриш, кейинчалик дўстлашиш. Бундай мулоқотдан чўчиманг, сухбатдошингиз билан унинг қизиқишилари ва муаммолари, уни безовта қиласиган нарсалар, саломатлиги ва қандай қилиб қўшимча пул топиш мумкинлиги ҳақида гапириб, сухбат давомида унинг нимага қизиқиши ошиб бораётганини кузатиш керак. Шундагина сиз сухбатни керакли томонга бура оласиз.

Уйга вазифа

*Сиз бажара олмаётган исталган ишни олинг ва уни алоҳида қисмларга бўлиб чиқинг ҳамда тартиб бўйичакетма-кет бажара бошланг. Шунда қайси қисмда кўпроқ қийналаётганингизни тушуниб етасиз. Ўша қисмни таҳлил қилинг.



Албатта, ҳаммаси ўрнига тушади.

*Тармоғингизнинг тузилишини белгиланг.

*Ўз тармоғингиз суръатини белгиланг.

*Буларнинг ҳаммасини ҳомийингиз билан муҳокама этинг ва биргаликда бажаринг. Ҳомийга баҳона ёки қандайдир шартлар кўйишнинг кераги йўқ. Бу янги касбда бирор нарсанинг амалга ошмаётганини айтиш эмас, ҳатоларни тузатмаслик уят. Гўё ўзингизни тоза қофоз мисоли ҳомийнинг қўлига топширинг, у сиздан муваффакиятли лидер ясасин.

*Ҳомий билан учрашув ва уй тўгараги кунларини белгиланг.

*Тақдимотга ўз чиқишингизни тайёрланг. Ҳар бир тақдимотга биттадан янги одам олиб келинг.

*Эътиборни жалб қилинг ва «илтифотсиз алоқалар»да қизиқишни уйғотадиган бир неча қизиқарли ибораларни ўйлаб топинг.



ЎНИНЧИ МАШГУЛОТ

Мавзуу: Маркетингнинг иш қуроллари. Ҳар бир касб ўз иш қуролига эга. Моҳир тармоқчининг ҳам ўзига яраша иш қуроллари бўлади, албатта. Булар нималар? Бирданига катта сирдан бошлаймиз: энг асосий иш қуроли – сизнинг ўзингиз! Консультант (маслаҳатчи) шахси ҳал қилувчи ролни ўйнайди! Бунга сотувларда, сухбатларда, турли мулокотларда ўзингиз амин бўлгансиз. Бундан кейин ҳам бунга бир неча бор ишонч ҳосил қиласиз. Бир одам харид қилади, бошқасига сотилмайди. Нима учун? Ахир, маҳсулот ўша-ку?! Яна бир одамда фирма тузилади, иккинчисида эса йўқ. Нима учун? Бундай нарсалар бизнесда аҳамиятли бўлса-да, баъзан одамлар компания ёки маҳсулотнинг мавкеига эмас, балки шахсга эътибор беришади. Мана шунинг ўзи ҳам бир сирдир. Биз ўзимизда бундай шахсни қандай тарбиялашни қолган умримиз давомида ўрганишимиз мумкин. Бундай шахснинг қандай бўлиши ҳақида сухбат олиб борамиз. Биринчи элемент – имиж (кўриниш) Ташки кўриниш. Бу ҳақдакўп адабиётлар ёзилган. Биз бунга қисқача, лекин асосийларига тўхталиб ўтамиз. Агар бир неча костюмингиз бўлса, улар вазият ва аудиторияга мос бўлиши керак. Чунки бу нафақат давр талаби, балки бизнеснинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Баъзилар шунга ҳам эътибор беришади, улар сизнинг мижозларингиз ёки бўлажак ҳамкорларингиз эканини унутманг. Кийимранги. Жигар ранг, кўк ёки кулранг. Бу ранглар ишбилармон костюми



учун жуда мос. Рангларнинг бошқа турлари, айтайлик, қора ранг ҳаддан зиёд расмий, тунд қабул қилинади. Пойафзал, албатта, тоза ва унинг кўриниши кийимнидан бойроқ бўлиши керак. Агар кийим оддий бўлса-ю, пойафзал янги ва қимматбаҳо бўлса, айниқса, аёл киши ораста кўринади. Шуни ёдда тутинг, кийимодамни одам, пойафзал эса жаноб қилиши мумкин. Ташқи кўринишингизни яна ён дафтарча, ручка, кейс ёки иш сумкаси кўркам тутади ва албатта, бу нарсалар қимматбаҳо бўлиши керак. Чунки биз одамларни янги ҳаётга таклиф этамиз, шунинг учун бу янги ҳаётни бутун борлифингиз билан уларга кўрсатишга харакат қилинг. Айниқса, компаниянгиз кўкрак нишони бўлиши шарт. Табассум ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Табассум ўз ишини биз ҳали сухбатдошимиз билан қўл бериб сўрашмасимииздан олдин бошлайди. «Табассум қилсанг, бутун дунё сенга табассум қиласди, йиғласанг ҳеч кимнинг иши йўқ». Табассум бу катта кучга эга бўлган сирли курол. Табассум ўзини ҳатто телефонда ҳам сездира олади, у сизнинг ва сухбатдошингизнинг кайфиятини, руҳий ҳолатларини ўзгартиришга қодир.

1-машқ – «Кўзгу»

Уйдагиларингиз сизни касал, деб ўйламасликлари учун бир ўзингиз уйда бўладиган вақтни танланг. Кўзгу олдига келиб, карашмалар қилинг. Агар ўз аксингизни узоқ ва дикқат билан кузатсангиз, кўп янги нарсаларни билиб олишингиз мумкин. Шуни ёдда тутингки, атрофдагиларингиз сизни худди шундай қабул қилишади. Мободо бирор муддат кўзгудаги одам нотаниш туюлса, бундан чўчиманг, ўзингиз

билин қайта танишишни бошланг. Бу жуда қизиқарли ва фойдали жараён.

2-машқ – «Табассум»

Ўзингизга қувонч билан чиройли табассум қилинг. Ўзингизнинг меҳри табассумингизни ахтаринг. Ўзингиз бундан ҳайрон қоласиз, аммо у аввал қийшик, факир ва эҳтиёткор ёки бунинг акси бўлиб кўриниши мумкин. Ҳеч қиси йўқ. Ўзингизга ёқадиган табассумингизни топинг. Кўзгудан сизга меҳрибон ва ўзига ишонган одам қараб туриши лозим. Бундай табассумни топганингизда эса уни 5-7 дақиқа ушлаб туришга ҳаракат қилинг. Бунда сизнинг кайфиятингиз, ички ҳолатингиз ва ҳатто, ташки кўринишингиз қандай ўзгаришини кузатинг.

3-машқ – «Чиқишдан аввал»

Уйдан табассум, яхши кайфият билан чиқишни одат қилинг. Йўлакда «чиқишга шай ҳолда» кўзгу олдига келинг, нақадар ажойиблигингизга баҳо беринг ҳамда «табассум» машқини бажаринг. Агар буни мунтазам бажариб борсангиз, керакли самарага бир-икки дақиқада эришасиз. Иккинчи элемент – ўз бизнесингизни ташкил қилиш, савдо ва харид қила олиш. *Ташриф қоғозлари (керакли маълумотлари билан ва тўлдирилмаган қаторлари мавжуд визиткалар. Бу сухбатдошингиздан манзилини сўраш имконини беради ва у тозаташриф қоғозини ўзи тўлдиради.)

*Кундалик ёки иш дафтари. *Мижозлар картотекаси (ёки биз учун зарур бўлган ҳар қадай картотека) *Бизнес ёки соғлом ҳаёт тарзи бўйича китоблар. Секин-аста ўзингизнинг кутубхонангизни яратинг. *Бизнесингизга тегишли бўлган турли газета ва журналлардаги



мақолалар, телевидение кўрсатувлари (экология, стресс, соғлик сиёсати ва ҳ.к.). *Ҳаётингиздаги воқеалар акс эттирилган фотоальбом: сиз иштирок этган йирик семинар ва йигилишлар, қайси лидерлар билан шахсан танишсиз ва уларнинг машғулотларида қатнашгансиз, ташки кўринишингизда, хонадонингизда қандай ўзгаришлар бўлди, ҳозир туғилган кунингизни қандай нишонлаяпсиз, қаерларда дам олаяпсиз ва ҳ.к. *Маҳсулотдан фойдаланиш натижалари, ўзингизнинг ва мижозларингизнинг натижалари. *Натижаларни алоҳида дафтарга ёзиб бориш мумкин. Агар мижозингиздан бундай ажойиб маҳсулотдан фойдаланганидан, шундай профессионал консультант билан танишганидан мамнунлигини ёзиб беришини сўрасангиз, нур устига аъло нур бўлади. Буни ўзингизнинг потенциал мижозингизга ўқиши тавсия этинг, бу энг яхши тавсия. Биз буни «ҳимоя учун гувоҳлардан фойдаланиш», деб атаемиз. *Тавсия хатлари ёки ташриф қофозларидаги тавсиялар. Учинчи элемент – техник воситалар. *Диктофон. Жуда қулай ёрдамчи, лекин унга керагидан ортиқ ишониб юборманг. Диктофон сўзловчининг нутқ услуги ёки алоҳида кучли ибораларини, қувват ва эҳтиросларини беришда ёрдамлашиши мумкин. Лекин сиз ўзингизга керак ахборотни ажратиб олишингиз мумкин.

*Аудио ва видеомагнитофон. Хусусан, авдио ва видеотекалар. Бу воситаларнинг аҳамиятини таърифлаш қийин. Битта видеокассета билан бутун бир машғулотларни ўтказиш мумкин. Бундан ташқари, кассеталарни потенциал шедикка ўзи билан олиб кетишни тавсия этиш,

сўнгра уни мухокама қилиш мумкин. *Факс, компьютер, электрон почта. Интернетда ишлаш имконияти жуда катта ёрдам беради, айниқса унда сизнинг компания ёки маҳсулотингиз ҳақидаги маълумот бўлса. *Телефон. Жуда катта хурматга лойик бўлгани учун унга алоҳида машғулотни бағишладик. Айрим тармоқчилар ишнинг катта қисмини телефон орқали бажаради ва «ундан яхшироқ дўстни топиш қийин» лигини таъкидлашади. Тўртинчи элемент – маркетинг иш куроллари – ҳомий, компания, компания тармоқлари тавсия эта оладиган барча нарсалар. *Бошланғич адабиёт. *Каталоглар, буклетлар, брошюралар. *Маҳсулот сертификати. Маҳсулот – иш учун кудратли курол. Тақдимотни жиҳозлаш учун маҳсулот намуналари бўлиши шарт. Уй тўгараги ва индивидуал сухбатда ҳам татиб ёки фойдаланиб кўриш учун маҳсулотнинг очилганидан ҳамда сотиш учун очилмаганидан бўлиши лозим. *Ҳомий. Агар ундан тўғри фойдаланилса, иш учун ажойиб курол бўла олади. Ҳомий билан алоқада ишланг, унинг билими, обрўсидан фойдаланинг. Ҳомий меҳнатсеварлар билан ишлайди. У сизнинг иштиёқ ва муваффақиятга эришиш хоҳишингизга, албатта, жавоб қайтаради, чунки бунда барча бирдек ютади. Бу тармоқ маркетингининг яна бир сири. *Компания. Профессионаллар ёрдамида ўз мижозларингиз сафини кенгайтириш мумкин бўлган тақдимот ва сабоқлар, саломатлик кунларини ташкил қилишда ёрдамлашади. Компания сизга лидер ва раҳбарият билан учрашишга ҳамда биринчи қўлдан ахборот олиш имконини яратувчи



юбилей ва катта семинарлар ўтказади. *Тармоқ бизнеси. Тармоқ индустрияси бугунги кунда тармоқчи қонунчиллик базаси ва ижтимоий ҳимоя тизимини ишлаб чиқмоқда; Ўқув ва ахборот тизимини таклиф этмоқда. *Таълим берувчи видеоунверситет яратилган, яъни ўз бизнесини қандай бошлаш, тақдимот ва дастурхон атрофидаги учрашувларни қандай ўтказиш, қандай қилиб ўсиш ва ривожланиш мумкин, мукаммал мижозларни қандай кўриш, омадли жамоани қандай яратиш сингари аудио, видео кассеталар тўплами. *Бугунги кунда халқаро даражадаги тармоқчилар съездлари тузилган ва машғулотлар ўтказилмоқда. Семинарларни турли тармоқ компаниялари лидерлари ўтказади, машғулотлар барча қатнашчиларга тушунарли изоҳлар бериб ўтказилади. *Сўнгги янгилик, бугунги кунда MLM индустрияси принципларига асосланиб курилган таълимни таклиф этиши мумкин, яъни ўқитиш ва ахборот манбай тармоқ компаниясининг маҳсулоти ҳисобланади. Мавзунинг якунида яна дистрибутор шахсига қайтамиз. Агар инсон профессионал бўлишга қарор қилмаган экан, унга на яхши маҳсулот, на жилвадор реклама, на ҳомий ёрдам бера олади. Мана шу ҳақда ўйлаб кўринг ва ўз устингизда ишланг.

Уйга вазифа

*Ушбу машғулот тавсияларидан фойдаланиб, ўз имижингиз билан шуғулланинг. *«Кўзгу» машкини бажаринг. *«Табассум» машкини бажаринг. *Биринчи иккита «Имижни яратиш» ва «Ўзим нималарни бажара оламан ва харид

қила оламан?!» элементларидан маркетинг иш қуролларини алоҳида қоғозга ёзиб олинг. Рўйхатни тенг уч қисмга бўлинг, биринчи қисмини биринчи ойда бажаринг, топшириқ уч ойга мўлжалланган. *Учинчи «Техник воситалар» элементини моддий томондан ўсишингизга кўра бажариб борасиз. Бироқ жуда ҳам ортга ташламанг: ўз бизнесингизга инвестиция киритган ҳолда ўзингиз ва келажагингизни инвестициялаган бўласиз. *Тўртинчи «Компания ва тармоқ индустряси нима тавсия эта олади» элементидан бугундан бошлаб доимо фойдаланинг.





ЎН БИРИНЧИ МАШГУЛОТ

Мавзу: Коллаж. «Тақдимотлар китоби» Тақдимотлар китоби нима? У нима учун керак? «Маркетинг иш қуроллари» мавзусини ўрганиш чоғида иш фолияти давомида мижозингиз ёки бўлажак дистрибьюторингиз билан бўладиган сұхбатда сизнинг гапларингизни таъкидловчи ёки намойиш этувчи хужжатлар, исталган манбадан мақолалар тўплаш зарурлиги ҳақида сўз юритгандик. Ҳар бир профессонал тармоқчида бундай тўплам мавжуд. «Тақдимотлар китоби» – бу ажойиб иш қуроли, усиз кўчага чиқишингиз мумкин эмас. Тақдимотлар китоби – хужжатлар тўплами, журнал ва газеталардан, даврий нашрлардан олинган мақолалар, фото суратлар, схемалар ва сиз учун иш юзасидан керак бўлган нарсалар. Биз тақдимотларни ҳар қандай жойда ўтказа олишимиз сир эмас. Агар сиз ўз бизнесингиз ва маҳсулотингиз ҳақида, фақатгина гапирмасдан бирор нарсани кўрсата ёки ўқита олсангиз, бу жуда ажойиб бўлади. «Сурат сўздан кўра кўпроқ нарсаларни айта олади» деган гап бор. Мавзу бўйича сұхбат давомида, расм, фотосурат ёки схемани кўрсатишни одат қилинг. Тақдимотлар китобида қандай хужжатлар бўлиши керак? Уларни иккита катта тўпламга бўлишни тавсия этамиз.

1. Сотув ва маҳсулотлар ҳақидаги сұхбатларга ёрдам берувчи тўплам.

2. Рекрутация учун зарур бўлувчи тўплам. Сизга ҳомий тавсия этганини асос қилиб олинг, унда ўзи ишлатадиган хужжат ва суратлар

тўплами, албатта, бор. Аммо сиз бу билан чегараланиб қолмай, ўз материалларингизни ахтаринг. Бугунги кунда тармоқ маркетингизда муваффакиятга эришаётган, қолаверса, тарихда турли чўққиларни забт этган савдо кишилари ҳақидаги ва бизнесга оид турли китоб ва мақолалар ҳамда газета-журналлар коллекциясини яратсангиз, албатта, бизнесингиз равнақига жуда катта ёрдамбўлади. Кўпчилик бизнесменлар шундай қилишади. Сотувчига ёрдамчи маълумот: *Маҳсулот сертификати. *Натижалар фотоальбоми. *Аввалги мижозларингиз тавсиялари. *Қандай маҳсулот билан ишлаётганингизга қараб, расмий манбалар ва даврий нашрлардан маълумотлар олиб, мақолалардан асос сифатида фойдалансангиз жуда яхши бўларди. Материалларни мустақил равишда танланг. «Тақдимот китоби»ни яратиш мунтазам, эътибор билан ишлашни талаб этади. Лекин бу тақдимотингиз самараадорлигини оширади. Китобни мустақил равишда ёки ҳомий билан ёки тренингларда «онгга хужум»дан фойдаланган ҳолда яратинг.

Коллаж

Бу жумла сиз учун янги тушунча бўлиши мумкин. Коллаж – ҳаётий масканингизни намоён этиш. Биз ўз олдига мақсадни қўйиш заруриятини муҳокама қилгандик, бу қай даражада куч бағишлишини, йўлдан оғишимизга йўл қўймаслиги ҳақида гаплашгандик. Мақсадни маёқ каби белгилаш керак, маёқ эса узоқдан доимкўриниб туриши лозим. Мақсадни ўз моҳиятига кўра яқинлаштириш учун, қилган ишларингизнинг натижаси доимо кўз



олдингизда бўлиши, қилган харакатларингиз моҳиятини англаб туришингиз лозим. Шунда мақсад қудратли кучга айланади. Биз «сурат сўздан кўра қўпроқ нарсани гапиради» дедик. Нима учун айнан сурат? Биз турли каналлар орқали ташқи дунёдан ахборотлар оламиз, масалан: кўриш, эшитиш, хид сезиш, ушлаб кўриш, аммо кўриш (кўзлар) бизга 85% ахборот бера олади. Тахминан, ахборотни ички тажрибамизга таяниб қайта ишлаймиз, яъни образ ва рамзларни яратамиз. Янги ахборот онгимизгача етиб бориб, у ерда ўрнашиб қолиши учун нималар қилишимиз мумкин? Бу жараён бир неча қадамда амалга ошади:

Биринчи қадам. Ўз тасаввурингизни ишга солинг, яъни эришмокчи бўлган нарсаларингизни образларда тасаввур қилинг. Иккинчи қадам. Кўзларингиз доимо уларга тушиб туриши ва онгингизни шакллантириши учун образларни суратларга кўчиринг. Буни Жон Каленч «бойликлар тўплами» деб атайди. Учинчи қадам. Шунда сизнинг онгингиз бу суратларни қабул қиласи ва уларни амалга ошган факт сифатида шуурга кўчиради. Шу йўл билан сизда руҳан шаклланган, омадли шахсни шакллантиради. Энди яна бир улкан сирни очамиз: бизнинг шууримиз сўзларни тушунмайди. У ерга ахборот факат образлар, товушлар, хидлар ва рамзлар ёрдамида етиб боради. Агар шуур бундай ахборотни қабул қиласа, у тўқима билан ҳақиқатни ажрата олмайди. Ичкарида бу амалга ошган факт ёки юз берган воқеадек реалдир.

Машқ

*Орқангизга суюниб, оёқларингизни полга

тираган ҳолда мустаҳкам жойлашиб ўтириб олинг. Сокинлик ва мамнуният билан нафас олинг. Юрагингиз бир текисда ураётганига эътибор беринг. Мушакларингизнинг бўшашганини ҳис этинг...; *100 қаватли бинони тасаввур килинг...; *Сиз унинг ташқи томонидаги тор карнизда турибсиз..., энг юқорида.., 100 чи қаватда..; *Гавдангиз билан деворга маҳкамроқ суянасиз..., имкон қадар маҳкамроқ..., қўлларингизни ёйиб, деворнинг нақадар совуқ ва дағал эканини сезасиз..., ушлашга ҳеч нарса йўқ..., шундай тасаввур пайдо бўладики, у вертикал ҳолатда эмас, балки сизнинг устингизга қулаётгандек...; *Бунинг устига шамол..., пастингизда енгил шабада эмас, балки кучли ва шиддатли шамол..., у сизнинг кийимнгизни хилпиратади, юзингизга совуқ шамол уради...; *Мушакларингиз ҳам таранглаши..., товонларингиз карнизга сингиб кетганини ҳис қиласиз..., туфлингизнинг учлари эса ҳавода муаллақ қолган...; *Сиз нигоҳингизни туфлингиздан пастдаги кўчага қаратасиз..., у ерда майда одамчалардан иборат тўда пайдо бўлмоқда..., уларнинг барчаси юқорига қараб турибди..., чироқлари ёниб-ўчиб турувчи ўйинчоқдек машина келди..., аммо унинг овози эшитилмайди..., жуда баландласиз...; *Ўзингизни қандай ҳис этяпсиз?.. Ишончлими?.. Хавфсизми?.. Ёки қўрқинчлими?.. *Кўзингизни очинг. Нафас олишингиз ва юрагингизнинг уришига эътиборингизни қаратинг. Уни бир текис, хотиржам дейиш мумкинми?..

Мушакларингиз билан нималар юзбермоқда?.. Уларни бўшашган дейиш мумкинми ёки сиз



титрок ва тарангликни ҳис қиляпсизми?.. Балки сиз қизиб кетаётганингизни ҳис қилаётгандирсиз?! Тушунган бўлсангиз, сизнинг шуурингиз бунинг ҳақиқий ёки тасаввурдаги хавф эканлигини бир сонияга бўлса ҳам баҳолагани йўқ. У дарҳол сизни қандай кутқариш йўлларини ахтара бошлади. Сизнинг шуурингиз автоматик тарзда учинчи қадамни бажаради. Бунинг амалга ошиши учун аввало, икки қадамни қўйиш керак. Ҳозир биз ана шу билан шуғулланамиз.

Биринчи қадам – ўз мақсадларини образларда тасаввур этишга қайтамиз. Қоғоз-қалам олиб, ўзингиз учун «Мен ўзимни 5 йилдан сўнг қандай тасаввур этаман», деган мавзуни батафсил ёзинг. Яъни қандай бўлишни хоҳлашингизни, нималарга эга бўлишингизни, қандай кўринишда бўлишингизни, нима билан шуғулланиши хоҳлашингизни, ҳамма-ҳаммасини ёзиб чиқинг. Бу «Ютуқлар образи» деб аталади.

Буни бир неча йўналишлар бўйича бажариш керак, ишингиз мисолида кўриб чиқамиз. Қуйидаги саволларга жавоб беринг: *Бу вактга келиб, мен қанча ишлаб топаяпман? *Қандай ловозимдаман? *Менинг кабинетим қанақа ёки иш жойим қандай кўринишда? *Мен учун бу ер қулайми ёки ўзимни бегона жойдагидек ҳис қилаяпманми? *Менинг кўринишим қандай (соҳ турмагим, кастюмим, пойафзалим, уларнинг ранги ва сифати)? *Овозим қанақа, ишончли, юмшоқ ва қизиқарли гапирайпманми, мени тинглашаяптими, қандай тинглашаяпти? *Ўзимни қандай тутяпман, қандай харакат қилаяпман, иш столимда қандай ўтирибман,

саҳнада, аудитория қаршисида қандай турибман, бошимни қандай тутаяпман, қандай куляпман? * Қандай обрўга эгаман? * Бу нуфузлими? * Ишим пулдан бошқа нима бераяпти? Буни имкон қадар батафсил бажариш, «ютуқлар образи»ни ранглар, овоз ва ҳаракатларда тасвирлаш керак. Образ қанча ёрқин ва жонли бўлса, уни кўриш шунча осон бўлади. Бу бошқа йўналишларга ҳам тегишли. Биз ёрдам сифатида бир неча саволларни таклиф этамиз. Уй ва оила: * Мен қанақа уйда ёки хонадонда яшашни хоҳлайман? * Ўз оиласидан қандай яшаш тарзи (сифати) билан таъминламоқчиман? * Мен ўзимга қандай дам олишни лойик кўраман? * Биз таътилимизни қандай ва қаерда ўтказамиз? * Ўз фарзандларимга қандай ҳаётий сабоқларни бермоқдаман? * Фарзандларимни молиявий жихатдан қандай қўллайман, мен уларнинг келажагини таъминлай оламанми? Ижтимоий ҳолат: * Қандай дўстларим бўлишини хоҳлайман? * Қайси доирага аъзо бўлишни истайман? * Қандай клуб ва жамиятларга аъзо бўлишни хоҳлайман? * Қаерларга боришни, қайси табақага мансуб бўлишни хоҳлайман? * Мехр-муруват, хайрия ва бошқа ижтимоий фойдали фаолият билан шуғуллана оламанми?

Агар образларни етарли микдордаги аниқликлар билан бойитсангиз, сиз у билан коришиб кетасиз ва ўзингизнинг орзуингизга мувофиқ равишда бугундан бошлаб бошқача фикрлай бошлайсиз ҳамда омадли инсон каби ҳаракат қиласиз. Иккинчи қадам – бу образларни суратга кўчириш бўлиб, «ўз бойликларингиз тўплами»ни яратиш лозим. «Бойликлар тўплами»нинг қандай ишлаши



ҳақида мисоллар келтириб ўтамиз. Бир одам кўзгуга машинанинг фотосуратини илиб кўйибди. Бу сурат ёқмагани учун хотини уни олиб кўйибди. Эри яна жойига илиб кўйибди. Бу иш ярим йилгача давом этибди. Бир куни эри уйига, худди фотосуратдагидек машинани ҳайдаб келгач, хотини: «Ҳали шунақами?» дебди-да, кўзгугазамонавий журналдан олинган норкали пальто тасвирланган фотосуратни илиб кўйган экан.

Сизга кичик сирни очмоқчимиз: бу нафақат моддий, балки номоддий мақсадларга ҳам хизмат қиласди. Яъни нафақат эга бўлмоқчи бўлган нарсангизни, балки ким бўлишни хоҳлашингизни дастурлаштириши мумкин.

Коллаж яратиш қоидалари: *Мақсадни танлаймиз (айтайлик, бу автомобильга эга бўлиш). *Автомобиль фотосуратини оламиз ёки суратини чизамиз. *Суратда ўзингиз ҳам бўлишингиз шарт. *Коллажни (суратни) доим кўзингиз тушадиган жойга осиб кўйинг. *Мақсадингиздаги орзунинг амалга ошиш муддатини белгилаш ва ёзиб кўйиш керак. Коллаж вариантлари: деворда катта плакат, фотосуратли ёки расмли альбом, орзунгиз макети ёки катта модель, бутун уй бўйлаб кўзингиз тушадиган жойлардаги суратлар, хуллас, доимо сизнинг нигохингиз тушадиган жойларда бўлиши лозим. Энг асосий сир: сиз ўз орзунгизни аниқ кўрганингизда, унинг амалга ошиши учун бирор нарса қилишни бошланг. Ўз мақсадингиз сари дадил ҳаракатни бошланг!

Аввало бу мақсад йўлида Яратгандан ок йўл тилаган ҳолда холис ният билан олға интилиш зарур. «Холва деган билан оғиз

чучимайди». Ахир Яратган ҳам «Сендан харакат, мендан барокат» деган. Агар сиз харакат қилишга қарор қилган бўлсангиз, гаройиб воқеалар юз бера бошлайди. Ҳимолай иккинчи экспедицияси аъзоси В.Г. Мюррей бу ҳақда шундай деган: «Агар 100% фидойилик етишмаса, доимо иккиланиш, ортга қайтиш хисси, ҳаракатсизлик бўлиши мумкин. Барча ташаббус ва яратувчанлик ишлари оддийгина ҳақиқатга бўйсунади. Инсон ўзига муайян мажбуриятларни юкласа ва бирор ишнинг масъулиятини зиммасига олса, келажакни кўра билиш кучга киради. Бошқа вазиятларда уларга етишиб бўлмайдиган нарсалар нима учундир ёрдам бера бошлайди. Ушбу қарор қабул қилингач, ўзида кутилмаган ҳодисалар, учрашувлар, шунингдек, ҳатто инсон ҳеч қачон орзу ҳам қила олмайдиган турли кўринишдаги моддий ёрдам ва қўллаб-кувватлашларни мужассамлаштирган кўп воқеалар юз бера бошлайди».

Уйга вазифа

*Тасаввурингизда «ютуқлар образи»ни яратинг.

*Бу образни суратларга кўчириб, ўз «бойликларингиз тўплами»ни яратишни бошланг.

*Тармоғингизнинг ўсиши акс эттирилган плакат тайёрланг ва кўринадиган жойга осиб қўйинг.

*Шахсан сизни ўзига чорловчи сурат ва ёзувли карточкаларни алмаштириб туинг.

*«Тақдимотлар китоби» учун материаллар тўплашни бошланг.

ЎН ИККИНЧИ МАШГУЛОТ

Мавзу: «Айёр»саволлар ва эътиrozлар. Рад этишлар, уларга қандай муносабат билдириш керак? Одамлар сизга савол берганда нималар юз беради? Тажрибасиз дистрибутор ўзини йўқотиб, вахимага туша бошлайди, тажрибали консультант эса хурсанд бўлади. Нима учун? Жон Каленч бунга шундай жавоб беради: «Эътиroz янги консультант учун тузоқ бўлиши мумкин, тажрибали профессионалгабу имконият беради». Ўйлаб кўринг, бу сиз учун имкониятми ёки тузоқ? Эътиrozлар – бу мохиятан иш кийимидағи имкониятлардир. Бу қўшимча ахборот учун талаб, бу яширин саволлардир. «Умуман олганда, гапираётган нарсангиз қизиқарли, лекин кўпроқ нарса билишни истардим, бунинг кераклигига мени ишонтиринг».

Мижозингиз хаёлидан тахминан шундай монологни ўтказади. Балки шартли равища қарор қабул қилиб бўлинниб, у ўз қарорининг қанчалик тўғрилигига тасдик излаётгандир. Агар мижоз ўзига қатъян «йўқ» деган жавобни берган бўлса, у саволга тутмасдан, гапини тезроқ тугатиш ва кетишга ҳаракат қилади. Сухбатдошингиз сиз билан ҳамкорлик қилишни истамаслиги, аммо устингиздан кулиш ҳамда вазиятдан қандай чиқиб кетишингизни кўриш учун саволлар беришни давом эттириш ҳоллари ҳам учраши мумкин. Учрайди ҳам! Биз «дистрибуторлар рақси»ни кўрсатмаслик учун бундай вазиятларни англаб етишни ўрганамиз.

Энди эса эътиroz – сухбат давомида жавобсиз

қолган бир ёки бир неча саволлар натижаси, деган тахминдан келиб чиқамиз. Сизнинг вазифангиз – шеригингизга унинг асл саволини очиб бериш ва шакллантиришга ёрдамлашиш.

Барча савол ва эътиrozлар моҳиятига кўра, ўттиз-қирқта атрофидаги бўлиши мумкин. Биз уларни бир ёки бир нечагурухлар габӯлишингизни таклиф этамиз. Сиз уларнинг ичидан кўп вариантларни топасиз: *Билимим етишмаяпти – агар яхши маълумотим бўлганда эди...; *Оила ва уй хўжалигини юритиш зарурати – агар болаларни боқиб ўтиришга ҳожат бўлмагандаги эди...; агар уйланишим муваффақиятли кечганда эди...; *Менинг пулим йўқ – агар қарзларимни уза олганимда эди..., агар кўпроқ ишлаб топганимда эди...; *Ёш – менинг ёшимда бу анча кеч... ёки аксинча, ҳали шунчалик ёшманки, ҳеч нарсан эплай олмайман...; *Агар мен бошқача бўлганимда эди – истеъодидим бўлганда эди..., ўзимга ишонганимда эди...; *Соғлик муаммолари – агар кучим кўпроқ бўлганда эди..., қон босимим ошиб кетмаслигидан кўркмаганимда эди..., оёқларим оғримагандаги эди...; *Мени тушунишмайди – агар одамлар нималарга қодирлигимни билишганда эди..., менга қулок солишганда эди..., бошқариладиган одамларни учратганимда эди...; *Менинг умуман вақтим йўқ – агар шунчалик банд бўлмаганимда эди..., ўзимга озгина вақт ажратадиганимда эди...;

*Агар менга кимdir ёрдамберса эди – бошлиқда ёқсан эди..., бошқа муҳитда яшаганимда эди...; *Холат – агар мен катта шаҳарда яшаганимда эди..., ўтмишим бўлмагандаги эди..., ўз ишим бўлганда эди ва х. к. Ички диалогда тахминан



шундай янграйди: «Қарор қабул қилишга күркәяпман ва ўз ҳаракатсизлигимга баҳона ахтараяпман». Агар сиз уларни билмасангиз, барча эътиrozларга жавоблар бор – ҳар қандай сұхбатни керакли нұқтада тугатинг. Аммо биз хозир бу билан шуғулланмаймиз, бу уйга вазифа ва тренинг учун топширик.

Мабодо саволга жавобни билмасангиз, ўзингизни қандай тутишингиз лозим: *Вазиятдан бир амаллаб чиқиб кетишга ҳаракат қилманг. Табиий бўлинг ва буни тан олинг – бу яхши таассурот қолдиради. *Сұхбатдошингизга хушомад қилинг: «Қандай ажойиб савол! Менга бунақасини беришмаган!» сингари. Бу одам ўзини ақлли, салмокли ва билимдон ҳисоблайди. Сиз кўз ўнгидаги уни кўкларга кўтарган бўласиз. Ўз маҳоратингизни ошириш учун «айёр» саволдан фойдаланинг. Буни сұхбатдошингиздан яширманг: «Хозирча сизга жавоб беролмайман..., лекин мени бунга ундағанингиз жуда яхши бўлди..., ҳозироқ бориб сизни қизиқтирувчи барча нарсни аниклайман!..» сингари. *Саволни мижозингиз кўз олдида ёзиб олинг. Бу сизнинг унга ва ўз вазифаларингизга жиддий мунасабатда бўлишингиздан дарак беради. Жавобни нисбатан тажрибали бўлган консультантдан билиб олинг. *Ҳазил-мутойибадан фойдаланинг: «Эссиз, бу саволни менга бир неча йил аввал берганингизда, ўша пайтда мен институтда ўқирдим ва ҳамма нарсани билардим...» сингари. *Қатъий қарор қабул қилиш учун бу саволнинг қанчалик мұхимлигини аникланг. *Сиз томондан белгиланган муддатдан аввалроқ жавоб беринг. Ўз хизматингизнинг тезкорлиги билан

Бир кўзли қирол ёки саёҳат бошланади

мижозингизни ҳайрон қолдиринг. *Жавобни шахсан беринг – телефон орқали жавоб берганда сиз устуворликни йўқотасиз. Катта бизнеснинг кичик сири: яна сухбатлашиш имконига эга бўлиш учун ҳар қандай вазиятда янги учрашув учун жавобсиз саводдан фойдаланинг.

«Йўқ» деган жавобга қандай муносабатда бўлиш лозим?

Ҳеч бир савдо агенти бундан ҳимояланмаган, мижоз бу жавобни беришга ҳақли. Жон Каленч айтади: «Эътиrozлар шахсан рад этиш ёки таклифни қабул қилмаслик билан кўп ҳамбоғлик эмас». Кўп ҳолларда одамлар сизга эмас, ўз одобсизлигига, бирорнарсани ўрганишганисбатан бўлган эринчоқлигига иродаси етмай, ўзини ёки ўз ҳаёт тарзини ўзгартириш йўлида қандайдир қадам қўйишдан воз қечиб «йўқ» дейишади. Одамлар «йўқ» дейишаётганда, уларнинг 50% и ўзларига нимани таклиф этишаётганини тушунишмас экан. Колган 50% ида қарор қабул қилиш борасида муаммолар мавжудлиги намёён бўлади. Агар буни тушунмасангиз, биринчи рад этилганингиздаёқ синасиз.

Жон Милтон Фогг шундай деган: «Йўқ – бу тармоқ маркетинги 90% дистрибуторларининг хали илк чекларини олмасларидан аввал ишончларини сўндирадиган биринчи ракамли душманлариdir». 10 одамдан 9 нафари «йўқ» жавобини эшитишга қодир эмаслиги учун ниятларидан воз кечишади.

«Йўқ» қандай ҳислатга эга?

Болалар рухшуноси Шарлотта Резник тажриба ўтказиб, ёш онанинг икки нафар боласи билан



бўлган барча сухбатларини ёзиб борди. Сўнгра барча негатив жавоблар ва ижобий изоҳларини алоҳида хисоблаб чиқди. Шу нарса маълум бўлдики, ҳар 13 та «йўқ»га битта «ҳа» тўғри келди. Болалиқдан биз ҳар томондан, мунтазам равишида: «Бегоналар билан гаплашма; бунга тегма; у ёқقا борма; сакрама; тўполон қилма», деган гапларни эшитамиз. Одамларнинг 90% и «йўқ»ни кўтара олмай қолган, уларнинг руҳи чарчаган. Улар рад этилишдан қўрққанлари сабабли орзуларидан воз кечишга тайёрлар. Тармоқ маркетингининг яна бир сири – рад этилишдан қўрқиши, одамларнинг 90% и орзуларидан воз кечишларига сабабчи бўлади. Фақат 10% и ўрта савиядан юқори бўлиб, муваффакиятга эришишлари мумкин.

Жон Каленч буни шундай изоҳлайди: «Агар сиз қатъий «Йўқ» жавобини эшитсангиз, уни борлигича қабул қилинг. Шахсан мен умуман бошқача фикрда бўлишимга қарамай, «йўқ» жавобини хурмат қиласман. Инсон танлаш хукуқига эга, мен сухбат учун унга миннатдорчилик билдириб, навбатдаги «ҳа» томон йўл оламан». Биз ҳозир қатъиятлилик ва ўзига ишонч тушунчасига келдик. Ахир, муваффакиятга ишончни ўз ишончимиздан оламиз, йиқилганда ўрнимиздан туришга ёрдам берувчи матонатни ҳам. Биз фан, спорт, сиёсат, бизнес, санъатдаги машхур инсонларни биламиз, уларнинг ғалабалари ва юлдузли онларидан хабардормиз.

Кўпчилик машхурлар мағлубият қўркувининг орзуларидан устун келишига йўл қўйишмаган. Бу ғолиблар характеристи! «Ажойиб инсонлар

ҳаёти» туркумидаги исталган китобни ўқиб кўринг, масалан, Мария Складовская-Кюри ўз муваффақият чўққисига эришиш йўлида қанчадан-қанча шахсий фожиаларга рўбарў бўлди; машхур Винсент Ван-Гогнинг ҳаёти нечоғли оғир кечган; такрорланмас В.Л.Моцарт қашшоқликда оламдан ўтган; Томас Эдисон эса ўзининг қизиб ёнувчи лампасига 10000 тажрибадан сўнг эришган. Қанча куч ва йўқотишлар, мағлубият ва муаммолар!!! Фалаба онлари келганда эса гоҳо баъзиларга бу фалаба нашидасини суришга куч етишмайди. Энди сиз ўз ҳаётингизни таҳлил қилиб кўринг ва омадсизлигинги асосий сабаби – тоқатсизликда ёки зарурий харакатларнинг камлигига эканига гувоҳ бўласиз. Сиз қадимий ва оқил катта рақамлар қонунининг ишлашига йўл қўймаяпсиз.

Энг асосий қонун шундай янграйди – ҳаётда ҳамма нарса учун ҳақ тўлаш керак. Агар сиз ўртадан юкори савияга кўтарилишга қарор қилган бўлсангиз, ўзингиздан, бунинг эвазига қандай ҳақ тўлашни сўраб кўринг. Камбағал қариялар, ёлғиз аёллар, тубанликка юз тутган эркаклар – бу мағлуб, йиқилган, урилган ва ҳаёт эзиб ташлаган барча инсонлар билан сухбатлашиб кўринг. Улардан сўраб кўринг-чи, улар нима учун жар ёқасига келиб қолишган?! Шунда сиз бир дунё сабабларни эшитасиз. Агар магнатлар, лидерлар, миллионёрлар ва «юлдузлар»нинг кам сонли дунёсига кўтарилсак, нималарни билишимиз мумкин?

Катта муваффа-қиятларга эришган бу инсонларнинг ҳар бири қаршиликларга,



мағлубият ва шахсий аламларга учраган, уларнинг ҳар бири бир неча маротаба бешафқат зарбалардан енгилишлари мумкин эди. Сабаблари яна ўша. Бу сабаблар инсонларнинг айримларини ҳаётнинг бир чеккасида айланиб юришга мажбур қилган бўлса, бошқаларини эзиб ташлаган. Бу инсонларнинг барчасини ҳар томонлама бир-бирига таққослаш мумкин, айтайлик, ёшига, жинсига, маълумоти ва қайси динга мансублигига кўра. Аммо уларни факат бир нарсада – мағлубиятга бўлган муносабатида таққослаб бўлмайди. Бу яна бир сир.

Агар жаноб факир, тақдир зарбаларидан иккиса, у ўрнидан қайта туролмайди. У мажруҳ ҳолда ётиб, дард-у ҳасрат қилади ва атрофидагиларнинг ҳаётини заҳарлайди. Жаноб ўртамиёна эса тиззасида туриши, хавфни баҳолаши мумкин ва четга ўрмалаб кетади. Вазият ўзгарганини кўргач, кичик имкон туғилгани заҳоти қочади ва беркинади. У бошқа харакатлар қилмайди, янги тўқнашувлардан чўчиди. Жаноб мудаффакият, уриб йикитилган бўлишига қарамай, сакраб оёққа туради, бундан керакли хулоса чиқаради, калтаклангани ҳақида унутади ҳамда олдинга ва юқорига қатъийлик билан ҳаракат қилади ва бир куни чўққига, албатта, кўтарилади!!!

Энди биз сизга бир ёш йигитнинг тарихини мисол келтирамиз, бу унинг мағлубиятими ёки ғалабасими, ўзингиз хулоса чиқаринг.

*Бу йигит ёшлигига Иллинойс қонунчилик органига даъвогарлик қилган ва мағлуб бўлган;

*Кейин бизнес билан шуғулланиб, банкрот бўлган ва ҳаётнинг кейинги 17 йилини уқувсиз

шеригининг қарзларини узишга сарфлаган;

*Сўнгра унинг омади келади, чиройли бир қизни севиб қолиб, у билан никоҳдан ўтади, аммо кўп ўтмай севгилиси вафот этади, айрилиқ алами;

*У яна сиёсатга қайтади, АҚШ Конгрессига даъвогарлик қилади ва яна мағлубиятга учрайди;

*Бундан сўнг у Ер Палатасига тайинланишга харакат қилади ва яна омадсизлик;

*Яна Кўшма Штатлар Сенатига номзод бўлади ва навбатдаги мағлубиятга учрайди;

*Кўп йиллар давомида у бирин-кетин мағлубиятларга учради, улардан кейин узок давом этган омадсизлик келди, аммо ҳеч нарсага қарамай, у курашни давом этираверди ва оқибатда тарихдаги энг буюк инсонлардан бирига айланди. Бу инсоннинг исми – Авраам Линкольн, АҚШнинг энг машҳур президентларидан бири! Вазиятларга келсак, Бернард Шоу шундай деб ёзган: «Одамлар барча фалокатларда вазиятни айлашади. Мен вазиятларга ишонмайман. Бу дунёда ўзига керак бўлган вазиятларни ахтарувчи инсонгина муваффакиятга эришади, агар топа олмаса, уларни ўзи яратади».

Уйга вазифа

*Ўзингизда йирилиб қолган савол ва эътиrozлар устида ишланг. Уларни гурухларга ажратинг ва тренингга тайёрланинг.

*«Ажойиб инсонлар ҳаёти» туркумидаги ҳеч бўлмаганда бир неча китобни топинг. Уларнинг исталган биттасини ўқинг ва бу ажойиб инсонлар ғалабага нималар эвазига эришганини кўринг.

*«Мингта йўқ» жадвали бўйича ишланг. Бу



оддий қоғоз вараги бўлиб, унда устунларда «йўқ» сўзлари ёзилган (З-иловага қаранг). Качонки сиз бирор кишига таклиф билан мурожаат этиб, рад жавобини олсангиз, битта «йўқ»ни ўчиринг. Статистикага кўра, ҳар бир тўққизинч-ўнинчи киши «ҳа» жавобини беради, бу эса ҳар бир ўчирилган «йўқ» билан сиз ўзингизнинг «ҳа» жавобингизга яқинлашасиз.

*10 дона шарча ёки бошқа бирорта майда предмет харид қилинг, уйдан ўнг чўнтағингизда ўнта шарча билан чиқинг. Ҳар бир алоқа ёки суҳбатда шарчани чап чўнтағингизга солинг. Барча шарчалар чап чўнтағингизга ўтмагунча, иш куни якунланди, деб хисобламанг.

*Ўз танишларингиз орасидан ҳаётда бирор нарсага эришганларини топинг (фирма директори, спортчи, бизнесмен, лидер) ва бу инсон ўз ўтмишида қандай шахсий муаммолар ва тўсиқларга дучор келганини билишга ҳаракат қилинг.



ХОТИМА

Охириги саҳифагача бардош билан етиб келганларни табриклаймиз. Ўйлашингиз учун етарлича маълумот ва бажариш учун топшириқлар бердик, деб ишонамиз. Сиз буларнинг барчасини бажаришга улгурмаган бўлсангиз, ҳеч қиси йўқ. Энг асосийси, сиз қатъий қарор қабул қилиб, буни ҳозир қила бошлашингиздадир! Маълумотга эга бўлгандан сўнг, албатта, харакат қилиш лозим. Акс ҳолда, сизнинг «мовий ранг» орзуингиз узоқ вақтгача шу рангда қолаверади. Сизнинг вақтингиз оз қолди! Вакт – бекарорликни кечирмайдиган душман, агар шошилмасангиз омад бошқа бировга кулиб боқади ва сизни бутунлай тарк этади. Ҳозир сиз Жаноб муваффакият ва Жаноб ўртамиёнани танлаш қархисида турибсиз. Шу муносабат билан сизга «Кеча омадсиз, бугун муваффакиятга эришган коммерсант» китоби муаллифи Фронтс Беттжернинг сўзларини мисол тарикасида келтирамиз: «Ҳозир сиз учта ишдан бирини қилишингиз мумкин: *Биринчиси – ҳеч нарса. Агар сиз ҳеч қандай харакат қилмасангиз, бу китобни ўқиб, вақтингизни бекорга сарфлагансиз; *Иккинчи вариант – сиз шундай дейишингиз мумкин: «Ҳўш, бу ерда жуда кўп яхши ғоялар бор, мен бу билан жиддий шуғулланаман ва қўлимдан келганини қиласман». Мабодо шундай қилсангиз, ютуқقا кафолат йўқ;

*Нихоят, учинчи йўл – инсониятнинг энг ақлли одамларидан бири Бенжамин Франклайн



сизга айтиши мүмкін бўлган маслаҳатига амал қилишингиз мүмкін: «Барча нарсани навбат билан ва бутун хафта давомида фақат бир масалага қаратиб, бошқа масалаларни ўз навбатига қолдирган ҳолда бажариш лозим». Бундан яхшироқ хеч нарса деб бўлмаса керак. Бунга қўшимча қилиб айтамизки, ўзингиз ўзлаштиришга улгурмаган нарсаларингизни дистрибуторингиз билан қайтаришдек ноёб имкониятингиз бор. Ахир, ҳозир сизда 2-3 шерик, кимлардадир уч ой давомида 7-8 кишилик жамоа пайдо бўлгандир. Ажойиб! Ўз дистрибуторларингиз билан бир ҳафта давомида битта машғулотни ўрганинг ва шу тарзда бутун мажмуани ўзлаштириб олинг. Ахир, бошқа одамга ўргатаётганингда, ҳар қандай бошқа услублардан кўра яхшироқ ўрганасан. Бу бутун инсоният тажрибаси билан исботланган. 12 та машғулотни ўрганганингиздан сўнг сизга янги мажмуани тақдим этаман.

СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

МУНДАРИЖА

МУАЛЛИФДАН.....	3
БИРИНЧИ МАШГУЛОТ.....	6
ИККИНЧИ МАШГУЛОТ.....	17
УЧИНЧИ МАШГУЛОТ.....	29
ТҮРТИНЧИ МАШГУЛОТ.....	41
БЕШИНЧИ МАШГУЛОТ.....	54
ОЛТИНЧИ МАШГУЛОТ.....	66
ЕТТИНЧИ МАШГУЛОТ.....	77
САККИЗИНЧИ МАШГУЛОТ.....	85
ТҮҚҚИЗИНЧИ МАШГУЛОТ.....	95
ҮНИНЧИ МАШГУЛОТ.....	105
ҮН БИРИНЧИ МАШГУЛОТ.....	112
ҮН ИККИНЧИ МАШГУЛОТ.....	120
ХОТИМА.....	129